Ш. И. ТОЖИЕВ

ОЛИЙ МАТЕМАТИКАДАН МАСАЛАЛАР ЕЧИШ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги олий техника ўқув юртлари талабалари
учун дарслик сифатида тавсия этган

ТОШКЕНТ «ЎЗБЕКИСТОН» 2002

Тақризчилар: Ўзбекистон Миллий университети профессори, физика-математика фанлари доктори, акад. **Н. Ю. Сатимов.**

ТошДТУ доценти, физика-математика фанлари номзоди **Э. Қаюмов.**

Физика-математика фанлари доктори, профессор **Ф.У.Носиров** таҳрири остида.

Дарслик Олий техника университети ва техника институтлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, ундан сиртқи бўлим талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ушбу дарслик 8 бобдан иборат бўлиб, 7 та боби биринчи курсда амалий машғулот дарсларида ўтиладиган «Олий математика» курсини тўлиқ ўз ичига олади.

Ҳар бир параграф бошида зарур бўлган қисқача назарий маълумот, сўнгра мисол ва масалалар батафсил ечиб кўрсатилган. Параграф охирида талаба мустақил ечиши учун етарли миқдорда мисол ва масалалар келтирилган. Ҳар бир бобнинг охирида талабалар мустақил уй иши бажариши учун вариантлар ва бу вариантларни ечиш намунаси келтирилган.

8-бобда олий математика татбиқига доир масалалар ва олий математикадан ёзма иш ўтказиш вариантлари келтирилган.

$$\text{Т}\,\frac{1602010000-12}{\text{М }351\,(04)2002}\,2002$$

ISBN 5-640-03140-9

СЎЗ БОШИ

Мазкур дарслик техника олий ўқув юртларида таълим олаётган биринчи курс талабаларга мўлжалланган бўлиб, бакалавр мутахассислар тайёрлайдиган бундай ўқув юртлар учун тасдиқланган «Олий математика» дастури асосида ёзилган.

Дарсликни ёзишда муаллифнинг Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети талабаларига «Олий математика» курсидан кўп йиллар давомида ўқиган маърузалари ва муттасил амалий машғулотлар олиб бориш тажрибаларидан ҳамда олий математикага доир рус ва ўзбек тилларидаги мавжуд ўқув қўлланма ва дарсликлардан фойдаланилди.

Бу дарсликдан бошқа ихтисосдаги (олий математикадан кам соат ажратилган) ўқув юртлари ҳамда техника олий ўқув юртларининг сиртқи бўлим талабалари бемалол фойдаланишлари мумкин.

Олий математика курси бўйича олиб бориладиган амалий машғулот материаллари бобларга бўлинган бўлиб, ҳар бир тема бошида масала ва мисолларни ечишда керак бўладиган зарур назарияга оид маълумотлар (асосий таъриф, тушунчалар, теоремалар, формулалар) берилди.

Сўнгра амалий машғулот дарсида мустақил ёки доскада ечиш учун мисол ва масалалар берилди.

Ҳар бир бобнинг охирида 25 та вариантдан иборат (1—4 тагача) мустақил уй иши ва бу вариантларни ечиш намунаси келтирилди. Гуруҳ журнал рўйхат номери билан вариант номери тўғри келган вариантдаги мисол ва масалаларни талабалар алоҳида дафтарга бажаришлари керак.

Саккизинчи бобда талабаларнинг олий математикадан олган билимларини амалда татбиқ қила билишлари учун юздан ортиқ масала ва машқлар (зарур бўлган жойларда методик кўрсатмалар билан) берилди.

2-§ да амалий машғулот дарсида ёзма иш ўтказиш вариантидан намуналар берилди.

Дарсликни тайёрлашда ўзларининг қимматли ёрдамларини аямаганлари учун Ўзбекистон Миллий университети «Оптимал бошқарув назарияси» кафедраси мудири академик Н.Ю. Сатимовга ва «Математик анализ» кафедраси доценти Т.Т.Тўйчиевга, Тошкент Давлат техника университети биринчи ва иккинчи «Олий математика» кафедраси мудирлари Х.Р.Латипов ва Ф. Ў. Носировларга ҳамда доцент Э. Қаюмовга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

Қўлланма ҳақида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қилинади.

Муаллиф

I боб

ФУНКЦИЯЛАР. ЛИМИТЛАР. ФУНКЦИЯНИНГ УЗЛУКСИЗЛИГИ

1-§. Сонли тўпламлар. Функциянинг таърифи ва берилиш усуллари

Барча рационал (**Q**) ва иррационал (**I**) сонлар тўплами биргаликда ҳақиқий сонлар тўпламини ташкил қилади. Ҳақиқий сонлар тўплами **R** ҳарфи билан белгиланади.

Тўғри чизиқдаги нуқталар тўплами билан **R** тўплам орасида ҳар доим ўзаро бир қийматли мослик ўрнатиш мумкин. Агар бу мослик ўрнатилган бўлса, у ҳолда тўғри чизиқ *сонлар ўқи* дейилади. Қуйидаги $a<x<b$ $(a\le x\le b)$ тенгсизликни қаноатлантирувчи ҳамма x сонлар тўплами очиқ (ёпиқ) оралиқ ёки интервал (кесма, сегмент) дейилади ва $(a;b)$ ёки $]a;b[$ $([a;b])$ кўринишларнинг бири билан белгиланади, $a\le x<b$ $([a;b))$ ва $a<x\le b$ $((a;b])$ лар эса ярим очиқ интерваллар дейилади.

Ҳақиқий сон a нинг *абсолют қиймати* (*модули*) қуйидагича аниқланади:

$$|a|=\begin{cases}-a, \text{ агар } a<0 \text{ бўлса,}\\ a, \text{ агар } a>0 \text{ бўлса.}\end{cases}$$

Ихтиёрий иккита a ва b ҳақиқий сон учун 1) $|a+b|\le |a|+|b|$, 2) $|a|-|b|\le|a-b|$, 3) $\frac{|a|}{|b|}=\frac{|a|}{|b|}\,(b\ne 0)$ муносабатлар ҳар доим тўғридир.

Таъриф. D ва E тўпламлар берилган бўлсин. Агар D тўпламдаги ҳар бир x сонга бирор қоида ёки қонунга кўра $E=\{f(x),\ x\in \mathrm{D}\}$ тўпламдан битта y сон мос қўйилса, D тўпламда *функция* берилган (аниқланган) деб аталади ва у $y=f(x)$ каби белгиланади, бунда x *эркли ўзгарувчи* ёки *аргумент* дейилади.

Бу таърифдаги D ва E лар орасидаги боғланиш *функционал боғланиш* дейилади.

D тўплам функциянинг *аниқланиш соҳаси* дейилади. E тўплам, яъни D нинг ҳар бир x элементига мос келган $f(x)$ элементлар тўплами функциянинг *ўзгариш соҳаси* дейилади.

D ва E тўпламлар $[a;b]$ кесма, $(a;b)$ интервал, $(a;b]$ ёки $[a;b)$, ярим интерваллар, сон ўқининг бирор нуқтаси, бутун сон ўқи $(-\infty;+\infty)$ бўлиши мумкин.

Функциялар *жадвал, график, аналитик* усулларда берилиши мумкин: $y = f(x)$ функция аналитик усулда берилганда унинг D ва E соҳалари берилмаган бўлиши мумкин, аммо уларни $f(x)$ функциянинг хоссаларидан фойдаланиб аниқланади.

Мисол. $y = \lg(4 - 3x - x^2)$ функциянинг аниқланиш ва ўзгариш соҳаларини топинг.

Ечиш. Логарифмик функция $4 - 3x - x^2 > 0$ бўлганда маънога эга бўлади. Квадрат учҳаднинг илдизлари $x_1 = -4$, $x_2 = 1$ бўлгани учун юқоридаги тенгсизликни $-(x + 4)(x - 1) > 0$ кўринишда ёзиб оламиз.Бундан $x > -4$ ва $x < 1$ келиб чиқади. Демак, функциянинг аниқланиш соҳаси, яъни x нинг берилган функция маънога эга бўладиган қийматлари тўплами (D) $(-4;1)$ интервалдан иборат. D соҳада функциянинг қийматлари $0 < 4 - 3x - x^2 \leq \frac{25}{4}$ оралиқда ўзгаргани учун (бунда $y_0 = \frac{25}{4}$ берилган функция аниқлайдиган парабола учининг ординатаси) $\left(-\infty; \lg\left(\frac{25}{4}\right)\right)$ интервал E соҳадан иборат бўлиб, у функциянинг қийматлари тўплами бўлади.

Агар D соҳани E соҳага акслантирганда ўзаро бир қийматли мослик, яъни $y = f(x)$ функция бажарилса, у ҳолда x ни у орқали $x = g(y)$ каби ифодалаш мумкин. Охирги функция $y = f(x)$ функцияга *тескари функция* дейилади. $x = g(y)$ функция учун E — аниқланиш соҳаси D эса функциянинг ўзгариш соҳаси бўлади. $g(f(x)) = x$ ва $f(g(y)) = y$ бўлгани учун $y = f(x)$ ва $x = g(y)$ функциялар *ўзаро тескари функциялар* бўлади.

Одатда $x = g(y)$ тескари функциядаги x ни y билан, y ни x билан алмаштириб $y = g(x)$ кўринишда ёзилади. Масалан, $y = x^3$ ва $y = \sqrt[3]{x}$, $y = 2^x$ ва $y = \log_2 x$, $y = \sin x$ ва

$y = \arcsin x$ ҳар бир жуфт функциялар ўзаро тескари функциялар. Уларнинг аниқланиш соҳаси мос равишда қуйидагича:

$$x \in (-\infty;+\infty) \text{ ва } x \in (-\infty;+\infty),\ x \in (-\infty;+\infty) \text{ ва } x \in (0;+\infty),$$
$$x \in (-\infty;+\infty) \text{ ва } x \in [-1;+1].$$

Агар $u = \varphi(x)$ функция D соҳада аниқланган, G унинг ўзгариш соҳаси, $y = f(u)$ функция G соҳада аниқланган бўлса, у ҳолда $y = f[\varphi(x)] = F(x)$ функция *мураккаб функция* дейилади.

$y = f[\varphi(x)]$ мураккаб функция $y = f(u)$ ва $u = \varphi(x)$ функцияларнинг *композицияси* дейилади.

Функцияларнинг композицияси бир нечта функциялардан иборат бўлиши мумкин. Масалан, $y = \sin(x^2 + 1)$ функция $y = \sin u$ ва $u = x^2 + 1$, яъни иккита функциянинг композицияси бўлса, $y = \lg(\cos 2^{x^2})$ функция эса учта: $y = \lg u$, $u = \cos v$, $v = 2^w$, $w = x^2$ функцияларнинг композициясидан иборатдир u, v, w ўзгарувчилар *оралиқ аргументлари* дейилади.

Агар бирор $(a;b)$ оралиқда аниқланган $y = f(x)$ функция $F(x,y) = 0$ тенгламани қаноатлантирса, у ҳолда $y = f(x)$ функция $F(x,y) = 0$ тенглик билан аниқланган *ошкормас функция* дейилади. Функцияни ошкор кўринишга келтириш учун $F(x,y) = 0$ тенгликдан y ни топиш керак. y ни ҳар доим ҳам топиб бўлавермайди, баъзан эса умуман топиб бўлмайди. Масалан, $y + x \cdot 3^y = 1$ тенгламани y га нисбатан умуман ечиб бўлмайди.

Текисликнинг $(x; f(x))$ каби аниқланган нуқталаридан иборат ушбу

$$\{(x; f(x))\} = \{(x; y) : x \in X, y = f(x) \in Y\}$$

тўплам $y = f(x)$ функциянинг графиги деб аталади. Мураккаб функцияларнинг графиги уларнинг ординаталари устида (қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш, даражага кўтариш, илдиз чиқариш, логарифмлаш ва ҳ.к.) амаллар бажариш ёрдамида тақрибан чизилади.

Даражали, кўрсаткичли, логарифмик, тригонометрик ва тескари тригонометрик функциялар *асосий элементар функциялар* дейилади.

1-жадвал

Асосий элементар функцияларнинг аниқланиш ва ўзгариш соҳалари

№	Функция	Функциянинг аниқланиш соҳаси	Функциянинг ўзгариш соҳаси
1.	$y = x^n$, n —натурал сон	$(-\infty;+\infty)$	n жуфт бўлганда: $[0;+\infty)$, n тоқ бўлганда: $(-\infty;+\infty)$
2.	$y = \sqrt[2n]{x}$	$[0;+\infty)$	$[0;+\infty)$
3.	$y = \sqrt[2n+1]{x}$	$(-\infty;+\infty)$	$(-\infty;+\infty)$
4.	$y = a^x$	$(-\infty;+\infty)$	$(0;+\infty)$
5.	$y = \lg x$	$(0;+\infty)$	$(-\infty;+\infty)$
6.	$y = \sin x$	$(-\infty;+\infty)$	$[-1;+1]$
7.	$y = \cos x$	$(-\infty;+\infty)$	$[-1;+1]$
8.	$y = \operatorname{tg} x$	$\left((2n-1)\frac{\pi}{2};\ (2n+1)\frac{\pi}{2}\right)$, $n = 0, \pm 1, \pm 2, \ldots$	$(-\infty;+\infty)$
9.	$y = \operatorname{ctg} x$	$(n\pi;(n+1)\pi)$, $n = 0, \pm 1, \pm 2, \ldots$	$(-\infty;+\infty)$
10.	$y = \arcsin x$	$[-1;+1]$	$\left[-\frac{\pi}{2}; +\frac{\pi}{2}\right]$
11.	$y = \arccos x$	$[-1;+1]$	$[0; \pi]$
12.	$y = \operatorname{arctg} x$	$(-\infty;+\infty)$	$\left(-\frac{\pi}{2}; +\frac{\pi}{2}\right)$
13.	$y = \operatorname{arcctg} x$	$(-\infty;+\infty)$	$[0; \pi]$

Машқлар

Қуйидаги функцияларнинг аниқланиш соҳасини топинг:

1. $y = \sqrt{x^2 - 6x + 5}$.

2. $y = \arccos \frac{2x}{1+x}$.

3. $y = \sqrt{25 - x^2} + \ln \sin x$.

4. $y = \lg(-x^2 - 5x + 6)$.

5. $y = \lg(2^{3x} - 4)$.

6. $y = \frac{1}{\sqrt{x^2 + x}}$.

Қуйидаги мураккаб функцияларни функцияларнинг композицияси кўринишида, яъни элементар функциялар кўринишида ёзинг:

7. $y = 2^{\sin\sqrt[3]{x}}$.

8. $y = \sqrt[5]{\lg \sin x^3}$.

9. $y = \mathrm{tg}\sqrt[3]{\lg x}$.

10. $y = \mathrm{arctg}\sqrt[3]{2x^4}$.

Қуйидаги функцияларнинг графигини чизинг:

11. $y = \frac{2x+3}{x-1}$.

12. $y = \left|3x + 4 - x^2\right|$.

13. $y = -2\sin(2x+2)$.

14. $y = x\sin x$.

15. $$y = \begin{cases} 1 + x, \text{ агар } a < 0 \text{ бўлса,} \\ 2\sin x, \text{ агар } 0 \le x < \pi \text{ бўлса,} \\ x - \pi, \text{ агар } x \ge \pi \text{ бўлса.} \end{cases}$$

Қуйидаги функцияларга тескари функцияларни топинг:

16. а) $y = 3x$;
б) $y = 1 - 5x$;
в) $y = x^2 + 1$;
г) $y = \sqrt[3]{x^2+1}$;
д) $y = 10^{x+1}$;
е) $y = 1 + \lg(x+2)$;
ж) $y = \frac{2^x}{1+2^x}$;
з) $y = 2\sin 3x$.

2-§. Кетма-кетлик ва функциянинг лимити. Энг содда аниқмасликларни ечиш

1-таъриф. Агар ҳар қандай $\varepsilon > 0$ сон учун шундай $n_0 = n_0(\varepsilon) > 0$ сон топилсаки (бунда n_0 — бутун сон), барча $n > n_0$ лар учун $|x_n - A| < \varepsilon$ тенгсизлик бажарилса, у ҳолда A сон $\{x_n\}$ сонли кетма-кетликнинг *лимити* дейилади ва бу

$$\lim_{n\to\infty} x_n = A$$

кўринишда ёзилади.

кўринишда ёзилади.

Лимитга эга бўлган кетма-кетлик *яқинлашувчи*, акс ҳолда эса *узоқлашувчи* кетма-кетлик дейилади.

1-мисол. $\{x_n\}=\left\{\frac{2n+3}{n+1}\right\}$ кетма-кетликнинг лимити $A=2$ га тенглигини исбот қилинг.

Исбот. Бу ҳолда $\{x_n\}=\left\{\frac{2n+3}{n+1}\right\}$, $A=2$. Ихтиёрий $\varepsilon>0$ сон оламиз ва $|x_n-A|$ айирманинг абсолют қийматини қараймиз:

$$|x_n-A|=\left|\frac{2n+3}{n+1}-2\right|=\left|\frac{2n+3-2n-2}{n+1}\right|=\frac{1}{n+1}<\varepsilon.$$

Охирги тенгсизликни ечиб $n>\frac{1}{\varepsilon}-1$ ни ҳосил қиламиз, демак, $n_0=\left[\frac{1}{\varepsilon}-1\right]+1$ деб олиш мумкин. Шундай қилиб, n_0 сони мавжуд ва $n>n_0$ лар учун $|x_n-2|<\varepsilon$ тенгсизлик бажарилади. Бу эса $\lim\limits_{n\to\infty}x_n=\lim\limits_{n\to\infty}\frac{2n+3}{n+1}=2$ эканини билдиради.

$y=f(x)$ функция бирор x_0 нуқтанинг атрофида аниқланган бўлсин.

2-таъриф. Агар ҳар қандай $\varepsilon>0$ сон учун шундай $\delta>0$ ($\delta=\delta(\varepsilon)$) сон топилсаки, аргумент x нинг $0<|x-x_0|<\delta$ қийматлари учун $|f(x)-A|<\varepsilon$ тенгсизлик бажарилса, A сон $y=f(x)$ функциянинг $x\to x_0$ даги лимити дейилади ва бу қуйидагича ёзилади:

$$\lim_{x\to x_0}f(x)=A.$$

3-таъриф. Агар ҳар қандай $\varepsilon>0$ сон учун шундай $\delta=\delta(\varepsilon,x_0)$ сон топилсаки, x аргумент нинг $x_0<x<x_0+\delta$ ($x_0-\delta<x<x_0$) тенгсизликларни қаноатлантирувчи барча $x\in X$ қийматларида $|f(x)-A|<\varepsilon$ тенгсизлик бажарилса, A сон $f(x)$ функциянинг x_0 нуқтадаги *ўнг (чап) лимити* деб аталади ва қуйидагича ёзилади:

$$\lim_{x\to x_0+0}f(x)=A \text{ ёки } f(x_0+0)=A,$$

$$\left(\lim_{x\to x_0-0}f(x)=A \text{ ёки } f(x_0-0)=A\right).$$

Агар $\lim\limits_{x\to\infty} f(x)$ лимит мавжуд бўлса, A сон $y=f(x)$ функциянинг $x\to\infty$ даги лимити дейилади.

Функциянинг чап ва ўнг лимитлари унинг *бир томонлама лимитлари* дейилади.

Агар иккала бир томонлама лимит мавжуд бўлиб, улар ўзаро тенг $(f(x_0-0)=f(x_0+0))$ бўлса, $f(x)$ функция $x\to x_0$ да лимитга эга дейилади.

Қуйидаги лимитлар ҳақидаги асосий теоремалар ўринли.

1-теорема. $\lim\limits_{x\to x_0} f_i(x)$ $(i=\overline{1,n})$ лимитлар мавжуд бўлсин.

У ҳолда

$$\lim_{x\to x_0}\sum_{i=1}^{n} f_i(x)=\sum_{i=1}^{n}\lim_{x\to x_0} f_i(x),\ \lim_{x\to x_0}\prod_{i=1}^{n} f_i(x)=\prod_{i=1}^{n}\lim_{x\to x_0} f_i(x).$$

2-теорема. $\lim\limits_{x\to x_0} f(x)$ ва $\lim\limits_{x\to x_0}\varphi(x)\neq 0$ лимитлар мавжуд бўлсин.

У ҳолда

$$\lim_{x\to x_0}\frac{f(x)}{\varphi(x)}=\frac{\lim\limits_{x\to x_0} f(x)}{\lim\limits_{x\to x_0}\varphi(x)}.$$

(Бу теоремалар $x_0=\pm\infty$ бўлганда ҳам ўринли).

Агар бу теорема шартлари бажарилмаса, $\infty-\infty$, $\frac{\infty}{\infty}$, $\frac{0}{0}$ ва бошқа кўринишдаги аниқмасликлар ҳосил бўлиб, уларни алгебраик алмаштиришлар ёрдамида ҳисоблаш мумкин. Умуман $\frac{\infty}{\infty}$, $\frac{0}{0}$, $\infty-\infty$, $0\cdot\infty$, 0^0, ∞^0, 1^∞ аниқмасликлар мавжуд ва уларни ҳисоблашни мисолларда кўрсатамиз.

2-мисол. $\lim\limits_{x\to 2}\left(\frac{4}{x^2-4}-\frac{1}{x-2}\right)$ лимитни топинг.

Ечиш. Агар x ўрнига 2 ни қўйсак, $\infty-\infty$ кўринишдаги аниқмаслик ҳосил бўлади. Бу аниқмасликни ечиш учун қавс ичидаги ифодани умумий махражга келтирамиз. Натижада $\lim\limits_{x\to 2}\left(-\frac{2-x}{x^2-4}\right)$, яъни $\frac{0}{0}$ кўринишдаги аниқмаслик ҳосил бўлади. Агар $x-2\neq 0$ деб касрни қисқартирилса, аниқмаслик осонгина ечилади, яъни берилган лимит қуйидагига тенг бўлади:

$$\lim_{x\to 2}\left(-\frac{1}{x+2}\right)=-\frac{1}{4}.$$

3-мисол. $\lim\limits_{x\to\pm\infty}\frac{3x^3-x^2+5}{x^3+x^2-x}$ лимитни топинг

Ечиш. Бу ҳолда $\frac{\infty}{\infty}$ кўринишдаги аниқмасликка эгамиз. Уни ечиш учун лимит белгиси остидаги касрнинг сурат ва махражини x^3 га бўламиз.

$$\lim_{x\to\pm\infty}\frac{3-\frac{1}{x}+\frac{5}{x^3}}{1+\frac{1}{x}-\frac{1}{x^2}}.$$

Юқорида келтирилган лимитлар ҳақидаги теоремаларга кўра қуйидагига эга бўламиз:

$$\lim_{x\to\pm\infty}\frac{3x^3-x^2+5}{x^3+x^2-x}=\frac{\lim\limits_{x\to\infty}3-\lim\limits_{x\to\infty}\frac{1}{x}+\lim\limits_{x\to\infty}\frac{5}{x^3}}{\lim\limits_{x\to\infty}1+\lim\limits_{x\to\infty}\frac{1}{x}-\lim\limits_{x\to\infty}\frac{1}{x^2}}=3.$$

Машқлар

17. $\{x_n\}=\left\{\frac{4n+5}{n-1}\right\}$ кетма-кетлик $A=4$ лимитга эга бўлишини исбот қилинг.

Қуйидаги функцияларнинг лимитини ҳисобланг:

18. а) $\lim\limits_{x\to\frac{1}{2}}\frac{8x^3-1}{6x^2-5x+1}$; б) $\lim\limits_{x\to 3}\frac{\sqrt{x+13}-4}{x^2-9}$.

19. а) $\lim\limits_{x\to\infty}\frac{3n^2+3n-5}{1-n^2}$; б) $\lim\limits_{x\to\pm\infty}\frac{2+4x^2-3x^3}{7x-10-x^3}$.

20. а) $\lim\limits_{x\to\pm\infty}\frac{7x^2+10x+20}{x^3-10x^2+x}$; б) $\lim\limits_{x\to 2}\frac{x^3-3x^3+3}{x^2-3}$.

21. а) $\lim\limits_{x\to 2}\frac{x^2-7x+10}{x^2-5x+6}$; б) $\lim\limits_{x\to 5}\frac{x^2-25}{\sqrt{x-1}-2}$.

22. а) $\lim\limits_{x\to 2}\frac{x^3-x^2+x-1}{x^2-4x+3}$; б) $\lim\limits_{x\to\infty}\left(x\left(\sqrt{x^2+5}-\sqrt{x^2+1}\right)\right)$.

23. а) $\lim\limits_{x\to2}\frac{x^2-7x+10}{8-x^3}$; б) $\lim\limits_{x\to5}\frac{x^3-3x^2+2}{x^2-7x+6}$.

24 а) $\lim\limits_{x\to2}\frac{\sqrt{x+7}-3}{\sqrt{x+2}-2}$; б) $\lim\limits_{x\to\infty}\left(x\left(\sqrt{x^2+4}-x\right)\right)$.

25. а) $\lim\limits_{x\to1}\left(\frac{x}{1-x}-\frac{3}{1-x^3}\right)$; б) $\lim\limits_{x\to1}\frac{5x^2-8x+3}{x^2-4x+3}$.

3-§. Ажойиб лимитлар

Мисол ва масалалар ечишда қуйидаги иккита ажойиб лимит жуда кўп ишлатилади:

1. $\lim\limits_{x\to0}\frac{\sin x}{x}=1$.

2. $\lim\limits_{x\to\pm\infty}\left(1+\frac{1}{x}\right)^x=\lim\limits_{\alpha\to0}(1+\alpha)^{1/\alpha}=e\approx2{,}71828$.

1-мисол. $\lim\limits_{x\to0}\frac{\sin 7x}{\sin 3x}$ лимитни топинг.

Ечиш. Лимит белгиси остидаги каср $x\neq0$ да маънога эга бўлгани учун касрни қуйидаги кўринишда ёзиб оламиз ва ечишни давом эттирамиз:

$$\lim_{x\to0}\frac{\sin 7x}{\sin 3x}=\lim_{x\to0}\frac{\frac{\sin 7x}{7x}\cdot7x}{\frac{\sin 3x}{3x}\cdot3x}=\lim_{x\to0}\left(\frac{7x}{3x}\right)\cdot\frac{\lim\limits_{x\to0}\frac{\sin 7x}{7x}}{\lim\limits_{x\to0}\frac{\sin 3x}{3x}}=\frac{7}{3}.$$

2-мисол. $\lim\limits_{x\to\pm\infty}\left(\frac{3x+1}{3x-1}\right)^{3x+1}$ лимитни топинг.

Ечиш.

$$\lim_{x\to\pm\infty}\left(\frac{3x+1}{3x-1}\right)^{3x+1}=\lim_{x\to\pm\infty}\left(\frac{3x-1+2}{3x-1}\right)^{3x+1}=\lim_{x\to\pm\infty}\left(1+\frac{2}{3x-1}\right)^{3x+1},$$

$\frac{2}{3x-1}=\frac{1}{y}$ деб белгилаймиз. У ҳолда $x=\frac{2}{3}y+\frac{1}{3}$ ва $x\to\pm\infty$ да $y\to\pm\infty$ бўлади. Буларни ўрнига қўйиб, лимитни топамиз:

$$\lim_{x\to\pm\infty}\left(1+\frac{2}{3x-1}\right)^{3x+1}=\lim_{y\to\pm\infty}\left(1+\frac{1}{y}\right)^{2(y+1)}=$$

$$=\lim_{y\to\pm\infty}\left(\left(1+\frac{1}{y}\right)^y\right)^2\cdot\left(1+\frac{1}{y}\right)^2=e^2,$$

бунда $\lim\limits_{y\to\pm\infty}\left(1+\frac{1}{y}\right)^2=1$, $\lim\limits_{y\to\pm\infty}\left(1+\frac{1}{y}\right)^y=e$.

Машқлар

Қуйидаги лимитларни топинг:

26. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\mathrm{tg}2x}{\sin 3x}$.

27. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{1-\cos 6x}{x\sin 3x}$.

28. $\lim\limits_{x\to 1}\dfrac{\sin 2(x-1)}{x^2-7x+6}$.

29. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\arcsin 5x}{\sin 3x}$.

30. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\sin 3x-\sin x}{5x}$.

31. $\lim\limits_{x\to\pm\infty}\left(\dfrac{x+3}{2x-1}\right)^{x}$.

32. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{3x+2}{3x-1}\right)^{4x-1}$.

33. $\lim\limits_{x\to\infty}((2x+1)(\ln(3x+1)-\ln(3x-2)))$.

34. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{x+3}{x}\right)^{-5x}$.

35. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{2x}{2x-3}\right)^{3x}$.

36. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{x+2}{x+1}\right)^{1+2x}$.

4-§. Чексиз кичик функцияларни таққослаш. Узлуксиз функциялар

Агар $\lim\alpha(x)=0$, яъни ихтиёрий $\varepsilon > 0$ сон учун шундай $\delta > 0$ мавжуд бўлсаки, барча $0 < |x-x_0| < \delta$ лар учун $|\alpha\ (x)| < \varepsilon$ тенгсизлик бажарилса, у ҳолда $\alpha(x)$ функция $x\to x_0$ да ($x\to x_0$ га интилганда) *чексиз кичик функция* дейилади.

Иккита $\alpha(x)$ ва $\beta(x)$ чексиз кичик функцияларни таққослаш учун улар нисбатининг $x\to x_0$ да лимити топилади:

$$\lim_{x\to x_0}\frac{\alpha(x)}{\beta(x)}=C. \qquad (1.1)$$

Агар $0 < |C| < \infty$ бўлса, $\alpha(x)$ ва $\beta(x)$ функциялар $x\to x_0$ да бир хил тартибдаги чексиз кичик функциялар дейилади.

Агар $C = 0$ бўлса, $\alpha(x)$ функция $\beta(x)$ функцияга нисбатан юқори тартибдаги чексиз кичик функция, $\beta(x)$ функция $\alpha(x)$ функцияга нисбатан қуйи тартибдаги чексиз кичик функция дейилади.

Агар

$$\lim_{x \to x_0} \frac{\alpha(x)}{(\beta(x))^k} = C \left(0 < |C| < \infty\right)$$

бўлса, у ҳолда $\alpha(x)$ функция $\beta(x)$ функцияга нисбатан $x \to x_0$ да k тартибли чексиз кичик функция дейилади.

Агар

$$\lim_{x \to x_0} \frac{\alpha(x)}{\beta(x)} = 1$$

бўлса, $\alpha(x)$ ва $\beta(x)$ чексиз кичик функциялар $x \to x_0$ да *эквивалент* (ёки тенг кучли) функциялар дейилади ва $\alpha(x)$~$\beta(x)$ каби белгиланади.

1-мисол. $\lim\limits_{x \to 0} \frac{\sin 5x}{\ln(1+x)}$ лимитни топинг.

Ечиш. $x \to 0$ да $\sin 5x \sim 5x$, $\ln(1 + x) \sim x$ функциялар ўзаро эквивалент бўлгани учун берилган лимитни қуйидагича ёзиб оламиз:

$$\lim_{x \to 0} \frac{\sin 5x}{\ln(1+x)} = \lim_{x \to 0} \frac{5x}{x} = 5.$$

Функция узлуксизлиги тушунчаси муҳим тушунчалардан ҳисобланади.

1) $f(x)$ функция $x = x_0$ нуқта ва унинг атрофида аниқланган;

2) x_0 нуқтада $f(x)$ функция лимитга эга;

3) функциянинг $x \to x_0$ даги лимити функциянинг x_0 нуқтадаги қийматига тенг, яъни

$$\lim_{x \to x_0} f(x) = f(x_0) \tag{1.2}$$

бўлса, $y = f(x)$ функция $x = x_0$ нуқтада *узлуксиз* дейилади.

Агар х ўрнига $x = x_0 + \Delta x$ ни қўйсак, (1.2) узлуксизлик шартига тенг кучли бўлган шартга эга бўламиз:

$$\lim_{\Delta x \to 0} \Delta f(x) = \lim_{\Delta x \to 0} (f(x_0 + \Delta x) - f(x_0)) = 0,$$

яъни функция аргументининг x_0 нуқтадаги чексиз кичик орттирмаси Δx га функциянинг чексиз кичик орттирмаси $\Delta f(x)$ мос келганда ва фақат шунда $y = f(x)$ функция шу нуқтада узлуксиз бўлади.

Бирор соҳанинг ҳамма нуқталарида узлуксиз бўлган $y = f(x)$ функция шу соҳада узлуксиз дейилади.

2-мисол. Ихтиёрий $x \in \mathrm{R}$ учун $y = \sin 5x$ функция узлуксиз эканини исбот қилинг.

Ечиш. Ихтиёрий Δx орттирма учун функциянинг орттирмаси қуйидагича бўлади:

$$\Delta y = \sin 5(x + \Delta x) - \sin 5x = 2\cos\left(5x + \frac{5}{2}\Delta x\right) \cdot \sin\frac{5}{2}\Delta x.$$

У ҳолда

$$\lim_{\Delta x \to 0} \Delta y = 2\lim_{\Delta x \to 0} \cos\left(5x + \frac{5}{2}\Delta x\right) \cdot \lim_{\Delta x \to 0} \sin\frac{5}{2}\Delta x = 0.$$

Демак, $y = \sin 5x$ функция сонлар ўқининг ҳамма нуқталарида узлуксиз.

Агар x_0 нуқтада функция узлуксизлигининг юқоридаги учта шартидан бирортаси бажарилмаса, x_0 нуқта *узилиш нуқтаси* дейилади.

Агар x_0 нуқтада $\lim\limits_{x \to x_0 - 0} f(x) = f(x_0 - 0)$ ва $\lim\limits_{x \to x_0 + 0} f(x) = f(x_0 + 0)$ лимитлар мавжуд бўлиб, $f(x_0 - 0) \neq f(x_0 + 0)$ бўлса, x_0 нуқта *I тур узилиш нуқтаси* дейилади.

Агар $\lim\limits_{x \to x_0 + 0} f(x)$, $\lim\limits_{x \to x_0 - 0} f(x)$ лимитлар ёки уларнинг бирортаси мавжуд бўлмаса ёки ∞ га тенг бўлса, x_0 нуқта *II тур узилиш нуқтаси* дейилади.

Агар x_0 нуқтада бир томонлама лимитлар мавжуд ва $f(x_0 - 0) = f(x_0 + 0) \neq f(x_0)$ бўлса, у ҳолда x_0 нуқта *бартараф қилиниш мумкин бўлган узилиш нуқтаси* дейилади.

Масалан,

$$f(x) = \begin{cases} \dfrac{\sin x}{x}, \text{ агар } x \neq 0, \text{ бўлса,} \\ 2, \text{ агар } x = 2 \text{ бўлса} \end{cases}$$

функция учун $x = 0$ нуқта бартараф қилиниши мумкин бўлган узилиш нуқтаси бўлади.

Машқлар

Қуйидаги лимитларни топинг:

37. $\lim\limits_{x \to 2} \dfrac{\sin 3(x-2)}{x^2 - 3x + 2}$.

38. $\lim\limits_{x \to -1} \dfrac{\sin 3(x+1)}{x^2 + 4x - 5}$.

39. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{e^{5x}-1}{\sin 10x}$.

40. $\lim\limits_{x\to 2}\dfrac{e^{\sin 7x}-1}{x^2+3x}$.

41. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\ln(1+7x)}{\sin 7x}$.

42. $\lim\limits_{x\to 2}\dfrac{\operatorname{tg}\left(x^2-3x+2\right)}{x^2-4}$.

43. $y=\dfrac{7x^8}{x^4+1}$ чексиз кичик функциянинг $x\to 0$ да x чексиз кичик миқдорга нисбатан тартибини аниқланг.

44. $y=\dfrac{3x+3}{2x+4}$ функциянинг узлуксизлик соҳасини аниқланг ва унинг узилиш нуқтасини топинг.

45. $y=3^{\frac{1}{x+1}}+1$ функциянинг $x_1=1$ ва $x_2=-1$ нуқталарда узлуксизлигини текширинг.

46. $f(x)=\dfrac{2x+4}{3x+9}$ функциянинг $x_1=-1$ ва $x_2=-3$ нуқталарда узлуксизлигини текширинг ва чизмасини чизинг.

47. Ушбу $f(x)=\begin{cases} x^2+1, \text{агар } x<0 \text{ бўлса},\\ \sin x, \text{агар } 0\le x<\frac{\pi}{2} \text{ бўлса},\\ y=x-\frac{\pi}{2}+1, \text{агар } x\ge\frac{\pi}{2} \text{ бўлса}\end{cases}$

функция берилган. Функциянинг узилиш нуқталарини топинг ва унинг графигини чизинг.

48. Ушбу $f(x)=\begin{cases} 1, \text{агар } x<0 \text{ бўлса},\\ \cos x, \text{агар } 0\le x<\frac{\pi}{2} \text{ бўлса},\\ 1-x, \text{агар } x\ge\frac{\pi}{2} \text{ бўлса}\end{cases}$

функциянинг узлуксизлигини текширинг ва графигини чизинг.

5-§. Биринчи мустақил уй иши

Бу параграфда талабаларнинг мустақил бажаришлари учун мўлжалланган 25 та вариантга бўлинган мисоллар келтирилган. Ҳар бир вариантда тўққизта мисол бўлиб, уларнинг лимитини ҳисоблаш керак.

Қуйида вариант мисолларини ечиш намунасини келтирамиз.

Берилган лимитларни ҳисобланг.

1. $\lim\limits_{x\to-2}\dfrac{5x^2+13x+6}{3x^2+2x-8}$.

Ечиш.

$$\lim_{x\to-2}\frac{5x^2+13x+6}{3x^2+2x-8}=\lim_{x\to-2}\frac{(x+2)(5x+3)}{(x+2)(3x+4)}=\lim_{x\to-2}\frac{5x+3}{3x-4}=\frac{7}{10}=0,7\,.$$

2. $\lim\limits_{x\to4}\dfrac{3x^2-10x-8}{4x^2+6x-64}$.

Ечиш.

$$\lim_{x\to4}\frac{3x^2-10x-8}{4x^2+6x-64}=\frac{0}{24}=0.$$

3. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{7x^4+2x^3+5}{6x^4+3x^2-7x}$.

Ечиш.

$$\lim_{x\to\infty}\frac{7x^4+2x^3+5}{6x^4+3x^2?\,7x}=\lim_{x\to\infty}\frac{x^4\left(7+\frac{2}{x}+\frac{5}{x^4}\right)}{x^4\left(6+\frac{3}{x^2}-\frac{7}{x^3}\right)}=\frac{7}{6}.$$

4. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{10x-3}{2x^3+4x+3}$.

Ечиш.

$$\lim_{x\to\infty}\frac{10x-3}{2x^3+4x+3}=\lim_{x\to\infty}\frac{x\left(10-\frac{3}{x}\right)}{x^3\left(2+\frac{4}{x^2}+\frac{3}{x^3}\right)}=\lim_{x\to\infty}\frac{10-\frac{3}{x}}{x^2\left(2+\frac{4}{x^2}+\frac{3}{x^3}\right)}=\frac{10}{\infty}=0.$$

5. $\lim\limits_{x\to-\infty}\dfrac{2x^5-3x^3-4}{3x^2-4x+2}$.

Ечиш.

$$\lim_{x\to-\infty}\frac{2x^5+3x^3-4}{3x^2-4x+2}=\lim_{x\to-\infty}\frac{x^5\left(2+\frac{3}{x^2}-\frac{4}{x^4}\right)}{x^2\left(3-\frac{4}{x}-\frac{2}{x^2}\right)}=\lim_{x\to-\infty}\frac{x^3\left(2+\frac{3}{x^2}-\frac{4}{x^4}\right)}{3-\frac{4}{x}-\frac{2}{x^2}}=$$

$$=\frac{-\infty}{3}=-\infty.$$

6. $\lim\limits_{x\to4}\frac{\sqrt{21+x}-5}{x^3-64}$.

Ечиш.

$$\lim_{x\to4}\frac{\sqrt{21+x}-5}{x^3-64}=\lim_{x\to4}\frac{\left(\sqrt{21+x}-5\right)\left(\sqrt{21+x}+5\right)}{\left(x^3-64\right)\left(\sqrt{21+x}+5\right)}=\lim_{x\to4}\frac{21+x-25}{\left(x^3-64\right)\left(\sqrt{21+x}+5\right)}=$$

$$=\lim_{x\to4}\frac{x-4}{(x-4)\left(x^2+4x+16\right)\left(\sqrt{21+x}+5\right)}=\lim_{x\to4}\frac{1}{\left(x^2+4x+16\right)\left(\sqrt{21+x}+5\right)}=\frac{1}{480}.$$

7. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\frac{2x}{2x-3}\right)^{2-5x}$.

Ечиш.

$$\lim_{x\to\infty}\left(\frac{2x}{2x-3}\right)^{2-5x}=\lim_{x\to\infty}\left(1+\frac{2x}{2x-3}-1\right)^{2-5x}=\lim_{x\to\infty}\left(1+\frac{2x-2x+3}{2x-3}\right)^{2-5x}=$$

$$=\lim_{x\to\infty}\left(1+\frac{3}{2x-3}\right)^{2-5x}=\lim_{x\to\infty}\left(\left(1+\frac{3}{2x-3}\right)^{\frac{2x-3}{3}}\right)^{\frac{3(2-5x)}{2x-3}}=$$

$$=e^{\lim\limits_{x\to\infty}\frac{3\left(\frac{2}{x}-5\right)}{2-\frac{3}{x}}}=e^{-\frac{15}{2}}=\frac{1}{\sqrt{e^{15}}}.$$

8. $\lim\limits_{x\to-\infty}\left(\frac{4x+3}{2x-5}\right)^{1+7x}$.

Ечиш.

$$\lim_{x\to-\infty}\left(\frac{4x+3}{2x-5}\right)^{1+7x}=2^{\lim\limits_{x\to-\infty}(1+7x)}=2^{-\infty}=0.$$

9. $\lim\limits_{x\to\pi}\frac{1-\sin\frac{x}{2}}{\pi^2-x^2}$.

Ечиш.

$$\lim_{x\to\pi}\frac{1-\sin\frac{x}{2}}{\pi^2-x^2}=\lim_{x\to\pi}\frac{1-\cos\left(\frac{\pi}{2}-\frac{x}{2}\right)}{\pi^2-x^2}=\lim_{x\to\pi}\frac{2\sin^2\frac{\pi-x}{4}}{(\pi-x)(\pi+x)}=$$

$$=\lim_{x\to\pi}\frac{2\sin^2\frac{\pi-x}{4}}{4\cdot\frac{\pi-x}{4}\cdot(\pi+x)}=\frac{1}{2}\lim_{x\to\pi}\frac{\sin\frac{\pi-x}{4}}{\pi+x}=\frac{1}{2}\cdot\frac{0}{2\pi}=0.$$

1-вариант

1. $\lim\limits_{x\to 2} \dfrac{x^3-8}{x^2+x-6}$; 2. $\lim\limits_{x\to -5} \dfrac{4x^2+19x-5}{2x^2+11x+5}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty} \dfrac{4x^2+5x-7}{2x^2-x+10}$;

4. $\lim\limits_{x\to -\infty} \dfrac{2x^2+5x+7}{3x^2-2x^2+x}$; 5. $\lim\limits_{x\to\infty} \dfrac{7x^5+6x^4-x^3}{2x^2+6x+1}$; 6. $\lim\limits_{x\to 0} \dfrac{\sqrt{x^2+2}-\sqrt{2}}{\sqrt{x^2+1}-1}$;

7. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{x-1}{x+4}\right)^{3x+2}$; 8. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{5x-3}{x+4}\right)^{x+3}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0}\left(\dfrac{1}{tgx}-\dfrac{1}{\sin x}\right)$.

2-вариант

1. $\lim\limits_{x\to -1} \dfrac{x^2-x-2}{x^3+1}$; 2. $\lim\limits_{x\to 1} \dfrac{x^3+x^2+x-3}{x^3+x-2}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty} \dfrac{3x^4+2x+1}{x^4-x^3+2x}$;

4. $\lim\limits_{x\to\infty} \dfrac{2x^3+4x^2-7}{2x^2+7x-3}$; 5. $\lim\limits_{x\to -\infty} \dfrac{4-3x-2x^2}{3x^4+5x}$; 6. $\lim\limits_{x\to 0} \dfrac{\sqrt{7-x}-\sqrt{7+x}}{\sqrt{7}\cdot x}$;

7. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{2x+1}{2x-1}\right)^{x+2}$; 8. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{2x-3}{7x+4}\right)^{x}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0} \dfrac{\sin^2 3x-\sin^2 x}{x^2}$.

3-вариант

1. $\lim\limits_{x\to 4} \dfrac{x^2-16}{x^2+x-20}$; 2. $\lim\limits_{x\to 1} \dfrac{x^2-2x+1}{2x^2-7x+5}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty} \dfrac{3x^2+2x+9}{2x^2-x+4}$;

4. $\lim\limits_{x\to -\infty} \dfrac{5x^3-3x^2+7}{2x^4-4x+1}$; 5. $\lim\limits_{x\to -\infty} \dfrac{7-3x^4}{2x^3+3x^2-5}$; 6. $\lim\limits_{x\to 0} \dfrac{3x}{\sqrt{1+x}-\sqrt{1-x}}$;

7. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{x-2}{x+1}\right)^{2x-3}$; 8. $\lim\limits_{x\to -\infty}\left(\dfrac{x-5}{3x+4}\right)^{2x}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0} \dfrac{\sin 7x-\sin 3x}{x\sin x}$.

4-вариант

1. $\lim\limits_{x\to -3} \dfrac{4x^2+4x-24}{x^2+2x-3}$; 2. $\lim\limits_{x\to 2} \dfrac{x^3-8}{2x^2-9x+10}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty} \dfrac{3x^2+5x-7}{3x^2+x+1}$;

4. $\lim\limits_{x\to\infty} \dfrac{5x^2-3x+1}{1+2x-x^4}$; 5. $\lim\limits_{x\to -\infty} \dfrac{8x^4+7x^3-3}{3x^2-5x+1}$; 6. $\lim\limits_{x\to 4} \dfrac{\sqrt{2x+1}-3}{\sqrt{x-1}-\sqrt{3}}$;

7. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{x}{x-3}\right)^{x-3}$; 8. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{x+3}{4x-5}\right)^{2x}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0} \dfrac{1-\cos 5x}{2x^2}$.

5-вариант

1. $\lim\limits_{x\to 3}\dfrac{3x^2-7x-6}{2x^2-7x+3}$; 2. $\lim\limits_{x\to -2}\dfrac{9x^2+17x-2}{x^2+2x}$; 3. $\lim\limits_{x\to \infty}\dfrac{2x^2+7x-2}{3x^2-x-4}$;

4. $\lim\limits_{x\to -\infty}\dfrac{2x^3+3x^2+5}{3x^2-4x+1}$; 5. $\lim\limits_{x\to -\infty}\dfrac{3x+7}{2-3x+4x^2}$; 6. $\lim\limits_{x\to -1}\dfrac{\sqrt{5+x}-2}{\sqrt{8-x}-3}$;

7. $\lim\limits_{x\to \infty}\left(\dfrac{3x-4}{3x+2}\right)^{2x}$; 8. $\lim\limits_{x\to -\infty}\left(\dfrac{x-2}{3x+1}\right)^{5x}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\cos 2x-\cos 4x}{3x^2}$.

6-вариант

1. $\lim\limits_{x\to -2}\dfrac{4x^2+7x-2}{3x^2+8x+4}$; 2. $\lim\limits_{x\to 1}\dfrac{x^3+x-2}{x^3-x^2-x+1}$; 3. $\lim\limits_{x\to \infty}\dfrac{18x^2+5}{8-3x-9x^2}$;

4. $\lim\limits_{x\to \infty}\dfrac{6x^2-5x+2}{4x^3+2x-1}$; 5. $\lim\limits_{x\to -\infty}\dfrac{2x^3-3x+1}{7x+5}$; 6. $\lim\limits_{x\to 5}\dfrac{\sqrt{x+4}-3}{\sqrt{x-1}-2}$;

7. $\lim\limits_{x\to \infty}\left(\dfrac{2x-1}{2x+4}\right)^{3x-1}$; 8. $\lim\limits_{x\to \infty}\left(\dfrac{3x-4}{x+4}\right)^{x-1}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\mathrm{arctg}\,2x}{\mathrm{tg}\,3x}$.

7-вариант

1. $\lim\limits_{x\to -1}\dfrac{5x^2+4x-1}{3x^2+x-2}$; 2. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{4x^3-2x^2+5x}{3x^2+7x}$; 3. $\lim\limits_{x\to \infty}\dfrac{3x^4-6x^2+2}{x^4+4x-3}$;

4. $\lim\limits_{x\to -\infty}\dfrac{11x^3+3x}{2x^2-2x+1}$; 5. $\lim\limits_{x\to \infty}\dfrac{10x-7}{3x^4+2x^3+1}$; 6. $\lim\limits_{x\to 7}\dfrac{\sqrt{x-3}-2}{\sqrt{x+2}-3}$;

7. $\lim\limits_{x\to \infty}\left(\dfrac{2x-4}{2x}\right)^{-3x}$; 8. $\lim\limits_{x\to -\infty}\left(\dfrac{x-2}{3x+10}\right)^{3x}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\mathrm{tg}\,3x-\sin 3x}{2x^2}$..

8-вариант

1. $\lim\limits_{x\to -1}\dfrac{x^2-4x-5}{3x^2+x-2}$; 2. $\lim\limits_{x\to 1}\dfrac{4x^4-5x^2+1}{x^2-1}$; 3. $\lim\limits_{x\to \infty}\dfrac{8x^2+4x-5}{4x^2-3x+2}$;

4. $\lim\limits_{x\to \infty}\dfrac{8x^2+3x+5}{4x^3-2x^2+1}$; 5. $\lim\limits_{x\to -\infty}\dfrac{5x^4-3x^2}{1+2x+3x^2}$; 6. $\lim\limits_{x\to 3}\dfrac{\sqrt{4x-3}-3}{x^2-9}$;

7. $\lim\limits_{x\to \infty}\left(\dfrac{x+5}{x}\right)^{3x+4}$; 8. $\lim\limits_{x\to -\infty}\left(\dfrac{2x-3}{x+4}\right)^{6x+1}$; 9. $\lim\limits_{x\to \frac{\pi}{4}}\dfrac{1-\sin 2x}{\pi-4x}$.

9-вариант

1. $\lim\limits_{x\to -1}\frac{7x^2+4x-3}{2x^2+3x+1}$; 2. $\lim\limits_{x\to 3}\frac{2x^2-5x-3}{x^2-5x+6}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty}\frac{8x^4+4x^2+2}{2x^4+1}$;

4. $\lim\limits_{x\to -\infty}\frac{6x^3+5x^2+3}{2x^2-x+7}$; 5. $\lim\limits_{x\to\infty}\frac{5x+3}{x^3-4x^2-x}$; 6. $\lim\limits_{x\to 3}\frac{\sqrt{5x+1}-4}{x^2+2x-15}$;

7. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\frac{x-7}{x+1}\right)^{4x-2}$; 8. $\lim\limits_{x\to -\infty}\left(\frac{x+3}{3x-1}\right)^{2x}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\cos 4x-\cos^3 4x}{3x^2}$.

10-вариант

1. $\lim\limits_{x\to 4}\frac{2x^2-3x-20}{x^2-x-12}$; 2. $\lim\limits_{x\to -5}\frac{x^2-x-30}{x^3+125}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty}\frac{3x^2-4x+2}{6x^2+5x+1}$;

4. $\lim\limits_{x\to\infty}\frac{3x^2+4x-7}{x^4-2x^3+1}$; 5. $\lim\limits_{x\to -\infty}\frac{3x^4+5x}{2x^2-3x-7}$; 6. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{2\sqrt{x^2+4}-4}{3x^2}$;

7. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\frac{x+2}{x}\right)^{3-2x}$; 8. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\frac{6x+5}{x-10}\right)^{5x}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0}\left(\frac{1}{\sin 2x}-\frac{1}{tg 2x}\right)$.

11-вариант

1. $\lim\limits_{x\to 2}\frac{2x^2-9x+10}{x^2+3x-10}$; 2. $\lim\limits_{x\to 4}\frac{x^2+3x-28}{x^3-64}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty}\frac{7x^3+4x}{x^3-3x+2}$;

4. $\lim\limits_{x\to -\infty}\frac{8x^5-4x^3+3}{2x^3+x-7}$; 5. $\lim\limits_{x\to\infty}\frac{2x^2-5x+3}{3x^4-2x^2+x}$; 6. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\sqrt{x^2+4}-2}{\sqrt{x^2+16}-4}$;

7. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\frac{2-3x}{5-3x}\right)^{x}$; 8. $\lim\limits_{x\to -\infty}\left(\frac{3x+7}{x+4}\right)^{4x}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\cos^2 x-\cos^2 2x}{x^2}$.

12-вариант

1. $\lim\limits_{x\to 1}\frac{4x^2+x-5}{x^2-2x+1}$; 2. $\lim\limits_{x\to\frac{1}{2}}\frac{8x^3-1}{x^2-\frac{1}{4}}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty}\frac{1+4x-x^4}{x+3x^2+2x^4}$;

4. $\lim\limits_{x\to\infty}\frac{2x^2-7x+1}{x^3+4x^2-3}$; 5. $\lim\limits_{x\to -\infty}\frac{2x^5-x^3}{4x^2+3x-6}$; 6. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{3x}{\sqrt{x-5}-\sqrt{x+5}}$;

7. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\frac{1-x}{2-x}\right)^{3x+1}$; 8. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\frac{x-1}{4x+5}\right)^{3x}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\arcsin 5x}{x^2-x}$.

13-вариант

1\. $\lim\limits_{x\to 2}\dfrac{-5x^2+11x-2}{3x^2-x-10}$; 2. $\lim\limits_{x\to 4}\dfrac{x^2+3x-28}{x^2-4x}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{2x^3+7x^2-2}{6x^3-4x+3}$;

4\. $\lim\limits_{x\to-\infty}\dfrac{5x^4-2x^3+3}{2x^2+3x-7}$; 5. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{3x+1}{x^3-5x^2+4x}$; 6. $\lim\limits_{x\to 9}\dfrac{\sqrt{2x+7}-5}{3-\sqrt{x}}$;

7\. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{4x-1}{4x+1}\right)^{2x+3}$; 8. $\lim\limits_{x\to-\infty}\left(\dfrac{5x-7}{x+6}\right)^{2x}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{1-\cos^2 2x}{x\arcsin x}$.

14-вариант

1\. $\lim\limits_{x\to 7}\dfrac{x^2-5x-14}{2x^2-9x-35}$; 2. $\lim\limits_{x\to -2}\dfrac{3x^2+11x+10}{x^2-5x-14}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{3x+14x^2}{1+2x+7x^2}$;

4\. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{8x^3+x^2-7}{2x^2-5x+3}$; 5. $\lim\limits_{x\to-\infty}\dfrac{2-x-3x^2}{x^3-16}$; 6. $\lim\limits_{x\to 4}\dfrac{2-\sqrt{x}}{\sqrt{6x+1}-5}$;

7\. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{3x+4}{3x}\right)^{-2x}$; 8. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{3-4x}{2-x}\right)^{6x}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{1-\cos 4x}{x\sin x}$.

15-вариант

1\. $\lim\limits_{x\to 5}\dfrac{3x^2-6x-45}{2x^2-3x-35}$; 2. $\lim\limits_{x\to -2}\dfrac{x^2+2x}{3x^2+x-10}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{x-2x^2+5x^4}{2+3x^2+x^4}$;

4\. $\lim\limits_{x\to-\infty}\dfrac{3x^4+2x^2-3}{8x^3-4x+5}$; 5. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{4x^2-10x+7}{2x^3-3x}$; 6. $\lim\limits_{x\to 3}\dfrac{x^3-27}{\sqrt{3x}-x}$;

7\. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{2x-1}{2x+4}\right)^{2-x}$; 8. $\lim\limits_{x\to-\infty}\left(\dfrac{1-2x}{3-x}\right)^{-x}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\cos 5x-\cos x}{4x^2}$.

16-вариант

1\. $\lim\limits_{x\to -3}\dfrac{4x^2-3x-27}{x^2+2x-15}$; 2. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{3x^2+x}{4x^2-5x}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{3x^4-2x^2-7}{3x^4+3x+5}$;

4\. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{3x^4+2x-4}{3x^2-4x+1}$; 5. $\lim\limits_{x\to-\infty}\dfrac{2x^3-3x+1}{x^5+4x^3}$; 6. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\sqrt{1+3x^2}-1}{x^3+x^2}$;

7\. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{3x+4}{3x+5}\right)^{x+1}$; 8. $\lim\limits_{x\to-\infty}\left(\dfrac{4+3x}{5+x}\right)^{5x}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\sin 5x+\sin x}{\arcsin x}$.

17-вариант

1\. $\lim\limits_{x\to -5}\dfrac{3x^2-26x-225}{2x^2+11x+5}$; 2. $\lim\limits_{x\to 6}\dfrac{2x^2-11x-6}{3x^2-20x+12}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{4-5x^2-3x^5}{x^5+6x+8}$;

4\. $\lim\limits_{x\to -\infty}\dfrac{7x^3-2x+4}{2x^2+x-5}$; 5. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{2x-13}{x^7-3x^5+4x}$; 6. $\lim\limits_{x\to -4}\dfrac{\sqrt{x+20}-4}{x^3+64}$;

7\. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{1+2x}{3+2x}\right)^{-x}$; 8. $\lim\limits_{x\to -\infty}\left(\dfrac{3x-1}{2x+5}\right)^{3x+1}$; 9. $\lim\limits_{x\to\frac{\pi}{2}}\dfrac{1-\sin x}{\left(\dfrac{\pi}{2}-x\right)^2}$.

18-вариант

1\. $\lim\limits_{x\to -8}\dfrac{2x^2+15x-8}{3x^2+25x+8}$; 2. $\lim\limits_{x\to -6}\dfrac{x^2+2x-24}{2x^2+15x+18}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{5x^3-7x^2+3}{2+x^2-x^3}$;

4\. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{4x^3+5x^2-3x}{3x^2+x-10}$; 5. $\lim\limits_{x\to -\infty}\dfrac{2x^2-3x+1}{x^3+2x-5}$; 6. $\lim\limits_{x\to 1}\dfrac{2x^2-2}{\sqrt{8+x}-3}$;

7\. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{3x}{3x+2}\right)^{x-2}$; 8. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{1-x}{2-10x}\right)^{5x}$; 9. $\lim\limits_{x\to\frac{\pi}{2}}\left(\dfrac{\pi}{2}-x\right)\operatorname{tg}x$.

19-вариант

1\. $\lim\limits_{x\to 4}\dfrac{3x^2-2x-40}{x^2-3x-4}$; 2. $\lim\limits_{x\to 2}\dfrac{x^3-2x-4}{x^2-11x+18}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{4x^3-2x+1}{2x^3+3x^2+2}$;

4\. $\lim\limits_{x\to -\infty}\dfrac{2x^2+10x-11}{3x^4-2x+5}$; 5. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{x^3-81}{3x^2+4x+2}$; 6. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\sqrt{9+x}-3}{x^2+x}$;

7\. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{x}{x-1}\right)^{3-2x}$; 8. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{3+x}{9x-4}\right)^{2x}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{7x}{\sin x+\sin 7x}$.

20-вариант

1\. $\lim\limits_{x\to -3}\dfrac{2x^2+5x-3}{3x^2+10x+3}$; 2. $\lim\limits_{x\to 4}\dfrac{x^3-64}{7x^2-27x-4}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{5x^2-3x+1}{3x^2+x-5}$;

4\. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{7x^3+3x-4}{2x^2-5x+1}$; 5. $\lim\limits_{x\to -\infty}\dfrac{7x+4}{3x^3-5x+1}$; 6. $\lim\limits_{x\to 2}\dfrac{\sqrt{4x+1}-3}{x^3-8}$;

7\. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{4-2x}{1-2x}\right)^{x+1}$; 8. $\lim\limits_{x\to -\infty}\left(\dfrac{x+5}{4x-2}\right)^{3x}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\cos x-\cos^3 x}{5x^2}$.

21-вариант

1\. $\lim\limits_{x\to 2}\dfrac{2x^2-7x+6}{x^2-5x+6}$; 2. $\lim\limits_{x\to -1}\dfrac{x^4-x^2+x+1}{x^4-1}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{x^3-4x^2+29x}{5x^3+3x^2+x-1}$;

4\. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{2x^2+7x-1}{3x^4+2x+5}$; 5. $\lim\limits_{x\to -\infty}\dfrac{4x^3-2x^2+x}{3x^2-x}$; 6. $\lim\limits_{x\to 1}\dfrac{\sqrt{3+2x}-\sqrt{x+4}}{3x^2-4x+1}$;

7\. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{2x+5}{2x+1}\right)^{5x}$; 8. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{5x+8}{x-2}\right)^{x+4}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\mathrm{tg}x-\sin x}{3x^2}$.

22-вариант

1\. $\lim\limits_{x\to 3}\dfrac{12-x-x^2}{x^3-27}$; 2. $\lim\limits_{x\to 1}\dfrac{2x^2-3x+1}{x^4-1}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{3x^2+10x+3}{2x^2+5x-3}$;

4\. $\lim\limits_{x\to -\infty}\dfrac{2x^3+7x^2+4}{x^4+5x-1}$; 5. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{3x^4-2x+1}{3x^2+2x-5}$; 6. $\lim\limits_{x\to 2}\dfrac{x^2-3x+2}{\sqrt{5-x}-\sqrt{x+1}}$;

7\. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{x+3}{x}\right)^{-5x}$; 8. $\lim\limits_{x\to -\infty}\left(\dfrac{x+1}{3x-1}\right)^{2x+1}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\arcsin 5x}{\sin 3x}$.

23-вариант

1\. $\lim\limits_{x\to 1/3}\dfrac{3x^2+2x-1}{27x^3-1}$; 2. $\lim\limits_{x\to 2}\dfrac{x^2-x-2}{5x^2+3x-26}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{-3x^4+x^2+x}{x^4+3x-2}$;

4\. $\lim\limits_{x\to -\infty}\dfrac{3x^6-5x^2+2}{2x^3+4x-5}$; 5. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{2x^2-5x+2}{x^4+3x^2-9}$; 6. $\lim\limits_{x\to -1}\dfrac{3x^2+4x+1}{\sqrt{x+3}-\sqrt{5+3x}}$;

7\. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{x+2}{x+1}\right)^{1+2x}$; 8. $\lim\limits_{x\to -\infty}\left(\dfrac{2x+1}{x-1}\right)^{4x}$; 9. $\lim\limits_{x\to \pi/2}\dfrac{1-\sin 5x}{\pi-2x}$.

24-вариант

1\. $\lim\limits_{x\to -1}\dfrac{x^2-4x-5}{x^2-2x-3}$; 2. $\lim\limits_{x\to -2}\dfrac{x^2+2x}{x^2+4x+4}$; 3. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{2x^2+7x+3}{5x^2-3x+4}$;

4\. $\lim\limits_{x\to -\infty}\dfrac{x^7+5x^2-4x}{3x^2+11x-7}$; 5. $\lim\limits_{x\to -\infty}\dfrac{5x^2-4x+2}{4x^2+2x-5}$; 6. $\lim\limits_{x\to 1}\dfrac{2x^2-9x+7}{\sqrt{5-x}-\sqrt{x+3}}$;

7\. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{x+3}{x-1}\right)^{x-4}$; 8. $\lim\limits_{x\to -\infty}\left(\dfrac{x+1}{3x-1}\right)^{5x}$; 9. $\lim\limits_{x\to 1}(1-x)\,\mathrm{tg}\,\dfrac{\pi x}{2}$.

25-вариант

1. $\lim\limits_{x\to -1}\dfrac{3x^2+2x-1}{-x^2+x+2}$; 2. $\lim\limits_{x\to -1}\dfrac{x^2-1}{x^2+3x+2}$; 3. $\lim\limits_{x\to \infty}\dfrac{-x^2+3x+1}{3x^2+x-5}$;

4. $\lim\limits_{x\to -\infty}\dfrac{7x^2+5x+9}{1+4x-x^3}$; 5. $\lim\limits_{x\to \infty}\dfrac{2x^3-3x^2+2x}{x^2+7x+1}$; 6. $\lim\limits_{x\to 5}\dfrac{\sqrt{2x+1}-\sqrt{x+6}}{2x^2-7x-15}$;

7. $\lim\limits_{x\to \infty}\left(\dfrac{2x}{2x-3}\right)^{3x}$; 8. $\lim\limits_{x\to -\infty}\left(\dfrac{x+3}{2x-4}\right)^{x+2}$; 9. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\mathrm{tg}2x-\sin 2x}{x^2}$.

6-§. Иккинчи мустақил уй иши

Иккинчи мустақил уй ишининг ҳар бир вариантида тўртта мисол бўлиб, уларнинг шарти қуйидагича:

Биринчи мисолда: $f(x)$ ва $\varphi(x)$ функциялар $x\to 0$ да бир хил тартибли чексиз кичик функциялар бўлишини исбот қилиш керак.

Иккинчи мисолда: чексиз кичик функцияларнинг эквивалентлигидан фойдаланиб лимитни топиш керак.

Учинчи мисолда: берилган функцияларнинг узлуксизлигини текшириш ва чизмасини чизиш керак.

Тўртинчи мисолда: берилган функциянинг кўрсатилган нуқталарда узлуксизлигини текшириш керак.

Қуйида вариант мисолларини ечиш намунасини келтирамиз:

1. $f(x) = \cos 2x - \cos^3 2x$ ва $\varphi(x) = 3x^2 - 5x^3$ функциялар $x \to 0$ да бир хил тартибли чексиз кичик функциялар бўлишини исбот қилинг.

Исботи. $\dfrac{f(x)}{\varphi(x)}$ нисбатнинг лимитини топамиз:

$$\lim_{x\to 0}\frac{f(x)}{\varphi(x)} = \lim_{x\to 0}\frac{\cos 2x-\cos^3 2x}{3x^2-5x^3} = \lim_{x\to 0}\frac{\left(1-\cos^2 2x\right)\cos 2x}{x^2(3-5x)} =$$

$$= \lim_{x\to 0}\frac{\cos 2x\cdot\sin^2 2x}{x^2(3-5x)} = \lim_{x\to 0}\frac{4\cos 2x\cdot\sin 2x\cdot\sin 2x}{2x\cdot 2x\,(3-5x)} = \frac{4}{3},$$

бунда $\lim\limits_{x\to 0}\cos 2x = 1$, $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\sin 2x}{2x} = 1$, $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{1}{(3-5x)} = \dfrac{1}{3}$, демак, $f(x)$ ва $\varphi(x)$ функциялар нисбатининг лимити мавжуд ва у нолдан фарқли ўзгармас бўлгани учун (1.1) формулага асосан берилган функциялар бир хил тартибли чексиз кичик функциялар бўлади деган хулосага келамиз.

2. Чексиз кичик функцияларнинг эквивалентлигидан фойдаланиб $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\arcsin 8x}{\ln(1+4x)}$ лимитни топинг.

Ечиш.

$\lim\limits_{x\to 0}\frac{\arcsin 8x}{\ln(1+4x)}=\lim\limits_{x\to 0}\frac{8x}{4x}=2$, бунда $\arcsin 8x\approx 8x$, $\ln(1+4x)\approx$ $\approx 4x$.

3. Берилган функциянинг узлуксизлигини текширинг ва чизмасини чизинг:

$$f(x)=\begin{cases}x^2, \text{агар } -\infty<x\le 0 \text{ бўлса},\\ (x-1)^2, \text{агар } 0<x\le 2 \text{ бўлса},\\ 5-x, \text{агар } 2<x<\infty \text{ бўлса}.\end{cases}$$

Ечиш. $f(x)$ функция $(-\infty;0)$, $(0;2)$ ва $(2;+\infty)$ интервалларда аниқланган ва узлуксиз бўлган элементар функциялар билан берилган.

Демак, фақат $x_1=0$ ва $x_2=2$ нуқталарда узилишга эга бўлиши мумкин. $x_1=0$ нуқта учун чап ва ўнг лимитларни ҳисоблаймиз:

$$\lim_{x\to 0-0}f(x)=\lim_{x\to 0-0}x^2=0,\quad \lim_{x\to 0+0}f(x)=\lim_{x\to 0+0}(x-1)^2=1,$$

$$f(0)=x^2\Big|_{x=0}=0.$$

Бу эса $x_1=0$ нуқтада $f(x)$ функция биринчи тур узилиш нуқтасига эга бўлишини билдиради.

$x_2=2$ нуқта учун:

$$\lim_{x\to 2-0}f(x)=\lim_{x\to 2-0}(x-1)^2=1,\qquad \lim_{x\to 2+0}f(x)=\lim_{x\to 2+0}(5-x)=3,$$

$f(2)=(x-1)^2\Big|_{x=2}=1$ ларга эга бўламиз. Бу эса, $x_2=2$ нуқтада $f(x)$ функциянинг биринчи тур узилиш нуқтасига эга бўлишини билдиради.

Берилган функциянинг графиги 1-чизмада тасвирланган.

4. $f(x)=8^{\frac{1}{x-3}}+1$ функциянинг $x_1=3$, $x_2=4$ нуқталарда узлуксизлигини текширинг.



1-чизма.

Ечиш. $x_1 = 3$ учун қуйидагиларга эга бўламиз.

$$\lim_{x\to 3-0} f(x) = \lim_{x\to 3-0}\left(8^{\frac{1}{x-3}}+1\right) = 8^{-\infty}+1 = 1,$$

$$\lim_{x\to 3+0} f(x) = \lim_{x\to 3+0}\left(8^{\frac{1}{x-3}}+1\right) = 8^{\infty}+1 = \infty.$$

Бу эса $f(x)$ функция $x_1 = 3$ нуқтада иккинчи тур узилиш нуқтасига эга эканлигини билдиради.

$x_2 = 4$ нуқта учун эса:

$$\lim_{x\to 4-0} f(x) = \lim_{x\to 4-0}\left(8^{\frac{1}{x-3}}+1\right) = 9,$$

$$\lim_{x\to 4+0} f(x) = \lim_{x\to 4+0}\left(8^{\frac{1}{x-3}}+1\right) = 9,$$

$$f(4) = \left(8^{\frac{1}{x-3}}+1\right)\Bigg|_{x=4} = 8^{\frac{1}{4-3}}+1 = 9.$$

Демак, $f(x)$ функция $x_2 = 4$ нуқтада узлуксиз.

1-вариант

1. $f(x) = \mathrm{tg}2x$, $\varphi(x) = \arcsin x$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\cos 3x-\cos x}{2x^2}$.

3. $f(x)=\begin{cases}\sin x, & x<0,\\ x, & 0\le x\le 2,\\ 0, & x>2.\end{cases}$

4. $f(x)=(x-3)(x+4), \quad x_1=-5, x_2=-4\cdot$

2-вариант

1. $f(x)=\frac{x^2}{5+x}, \varphi(x)=\frac{4x^2}{x-1}$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{1-\cos 6x}{4x^2}$.

3. $f(x)=\begin{cases}\cos x, x\le\frac{\pi}{2}\\ 0, \frac{\pi}{2}<x<\pi,\\ 2, x\ge\pi.\end{cases}$

4. $f(x)=\frac{x+5}{x-2}, \ x_1=3, x_2=2.$

3-вариант

1. $f(x)=\sin 8x, \ \varphi(x)=\arcsin 5x$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\mathrm{arctg}3x}{\ln(1+2x)}$.

3. $f(x)=\begin{cases}x-1, & x\le 0,\\ x^2, & 0<x<2,\\ 2x, & x\ge 2.\end{cases}$

4. $f(x)=5^{\frac{2}{x-3}}, \quad x_1=3, x_2=4$.

4-вариант

1. $f(x)=\sin 3x+\sin x, \ \varphi(x)=10x$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\arcsin 4x}{\mathrm{tg}5x}$.

3. $f(x)=\begin{cases}x+1, & x<0,\\ x^2-1, & 0\le x<2,\\ -x, & x\ge 2.\end{cases}$

4. $f(x)=4^{\frac{2}{x-1}}-3, \quad x_1=1, x_2=2$

5-вариант

1. $f(x) = \cos 7x - \cos x,\ \varphi(x) = 2x^2$. 2. $\lim\limits_{x \to 0} \frac{e^{5x}}{\sin 2x}$.

3. $$f(x) = \begin{cases} -x, & x < 0, \\ x^2 + 1, & 0 \le x < 2, \\ x + 1, & x \ge 2. \end{cases}$$

4. $f(x) = 2^{\frac{5}{1-x}} - 1,\quad x_1 = 0, x_2 = 1$.

6-вариант

1. $f(x) = 1 - \cos 2x,\ \varphi(x) = 8x^2$. 2. $\lim\limits_{x \to 0} \frac{\operatorname{tg}(x+2)}{x^2 - 4}$.

3. $$f(x) = \begin{cases} x + 3, & x \le 0, \\ 1, & 0 < x \le 2, \\ x^2 - 1, & x > 2. \end{cases}$$

4. $f(x) = 8^{\frac{4}{x-2}} - 1,\quad x_1 = 2, x_2 = 3$.

7-вариант

1. $f(x) = 3\sin^2 4x,\ \varphi(x) = x^2 - x^4$. 2. $\lim\limits_{x \to -2} \frac{\sin(x+2)}{x^3 + 8}$.

3. $$f(x) = \begin{cases} x - 1, & x < 0, \\ \sin x, & 0 \le x < \pi, \\ 3, & x \ge \pi. \end{cases}$$

4. $f(x) = 5^{\frac{4}{3-x}} + 1,\quad x_1 = 2, x_2 = 3$.

8-вариант

1. $f(x) = \operatorname{tg}(x^2 + 2x),\ \varphi(x) = x^2 + 2x$. 2. $\lim\limits_{x \to 0} \frac{\arcsin 2x}{\operatorname{tg} 4x}$.

3. $$f(x) = \begin{cases} -x + 1, & x < -1, \\ x^2 + 1, & -1 \le x \le 2, \\ 2x, & x > 2. \end{cases}$$

4. $f(x)=\frac{3x}{x-4}$, $x_1=4,\ x_2=5.$

9-вариант

1. $f(x)=\arcsin(x^2-x),\ \varphi(x)=x^3-x$.

2. $\lim\limits_{x\to 4}\frac{x^3-64}{\operatorname{tg}(x-4)}$.

3. $f(x)=\begin{cases}1, & x\le 0,\\ 2^x, & 0<x\le 2,\\ x+3, & x>2.\end{cases}$

4. $f(x)=\frac{2x}{x^2-1}$, $x_1=1,\ x_2=2.$

10-вариант

1. $f(x)=\sin 7x+\sin x,\ \varphi(x)=4x$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\cos 2x-\cos 4x}{3x^2}$.

3. $f(x)=\begin{cases}-x+2, & x\le -2,\\ x^3, & -2<x\le 2,\\ 2, & x>2.\end{cases}$

4. $f(x)=2^{\frac{3}{x+2}}+1$, $x_1=-2,\ x_2=-1$.

11-вариант

1. $f(x)=\sqrt{4+x}+2,\ \varphi(x)=3x$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\ln(1+4x^3)}{2x^3}$.

3. $f(x)=\begin{cases}3x+4, & x\le -1,\\ x^2-2, & -1\le x<2,\\ x, & x>2.\end{cases}$

4. $f(x)=4^{\frac{3}{x-2}}+2$, $x_1=2,\ x_2=3$.

12-вариант

1. $f(x)=\sin(x^2-2x),\ \varphi(x)=x^4-8x$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\operatorname{arctg}5x}{\operatorname{tg}2x}$.

3. $f(x)=\begin{cases} x, & x\le 1, \\ (x-2)^2, & 1<x<3, \\ -x+6, & x\ge 3. \end{cases}$

4. $f(x)=3^{\frac{2}{x+1}}-2, \quad x_1=-1, x_2=0$.

13-вариант

1. $f(x)=\frac{2x}{3-x}, \varphi(x) = 2x\text{-}x^2.$ 2. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\sin 3x}{\ln(1+2x)}$.

3. $f(x)=\begin{cases} x-1, & x<1, \\ x^2+2, & -1\le x\le 2, \\ -2x, & x>2. \end{cases}$

4. $f(x)=5^{\frac{3}{x+4}}+1, \quad x_1=-5, x_2=-4$.

14-вариант

1. $f(x)=\frac{x^2}{7+x}, \varphi(x) = 3x^3-x^2.$ 2. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\arcsin 8x}{\operatorname{tg}4x}$.

3. $f(x)=\begin{cases} -x^3, & x<-1, \\ x-1, & -1\le x\le 2, \\ -x+5, & x>2. \end{cases}$

4. $f(x) = \frac{x-4}{x+2}, x_1 = -2, x_2 = -1.$

15-вариант

1. $f(x)=\sin(x^2+5x), \ \varphi(x)=x^3-25x$. 2. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{e^{5x}}{\operatorname{tg}2x}$.

3. $f(x)=\begin{cases} x, & x<-2, \\ -x-1, & -2\le x\le 1, \\ x^2-1, & x>1. \end{cases}$

4. $f(x) = \frac{x-4}{x+3}, x_1 = -3, x_2 = -2.$

16-вариант

1. $f(x)=\cos x-\cos^3 x,\ \ \varphi(x)=6x^2$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\ln(1+4x)}{\sin 2x}$.

3. $f(x)=\begin{cases} x+3, & x\le 0,\\ -x^2+4, & 0<x<2,\\ x-2, & x\ge 2.\end{cases}$

4. $f(x)=\dfrac{x+5}{x-3},\ x_1=3,\ x_2=4.$

17-вариант

1. $f(x)=\arcsin 2x,\ \ \varphi(x)=8x$.

2. $\lim\limits_{x\to 3}\dfrac{\sin(x-3)}{x^3-27}$.

3. $f(x)=\begin{cases} 0, & x\le -1,\\ x^2-1, & -1<x\le 2,\\ 2x, & x>2.\end{cases}$

4. $f(x)=5^{\frac{4}{1-x}}+1,\quad x_1=1,\ x_2=2$.

18-вариант

1. $f(x)=1-\cos 4x,\ \ \varphi(x)=x\sin 2x$.

2. $\lim\limits_{x\to -5}\dfrac{\operatorname{tg}(x+5)}{x^2-25}$.

3. $f(x)=\begin{cases} -1, & x<0,\\ \cos x, & 0\le x\le \pi,\\ 1-x, & x>\pi.\end{cases}$

4. $f(x)=\dfrac{4x}{x+5},\ x_1=-5,\ x_2=-4.$

19-вариант

1. $f(x)=\sin x+\sin 5x,\ \ \varphi(x)=2x$.

6. $\sqrt[4]{15,8}$.

7. $\operatorname{arctg} 1,01$.

7-вариант

1. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{x^3-2x^2-x+2}{x^3-7x+6}$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{e^{2x}-1}{\ln(1+2x)}$.

3. $\lim\limits_{x\to\infty} x\sin\dfrac{a}{6x}$.

4. $\lim\limits_{x\to 0} x^{\sin x}$.

5. $\lim\limits_{x\to 0}(e^x+x)^{\frac{1}{x}}$.

6. $\sqrt[3]{10}$.

7. $\ln(e^2+0,2)$.

8-вариант

1. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{x\cos x-\sin x}{x^2}$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{a^x-1}{e^x-1}$.

3. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{3\mathrm{tg}4x-12\mathrm{tg}x}{3\sin 4x-12\sin x}$.

4. $\lim(1+x^2)^{\frac{1}{x}}$.

5. $\lim\limits_{x\to \pi/2}(\mathrm{tg}x)^{2x-\pi}$.

6. $\sqrt[5]{200}$.

7. $\mathrm{arctg}\,1,03$.

9-вариант

1. $\lim\limits_{x\to\infty}\frac{e^x}{x^5}$.

2. $\lim\limits_{x\to 1}\frac{\ln x}{\mathrm{ctg}x}$.

3. $\lim\limits_{x\to \pi/4}\frac{\sqrt{\mathrm{tg}x}-1}{2\sin^2 x-1}$.

4. $\lim\limits_{x\to 1}x^{\frac{1}{x-1}}$.

5. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\frac{2}{\pi}\mathrm{arctg}x\right)^x$.

6. $\sqrt[5]{34}$.

7. $\ln\mathrm{tg}\,47^\circ 15$.

10-вариант

1. $\lim\limits_{x\to 1}\frac{1-x}{1-\sin\frac{\pi x}{2}}$.

2. $\lim\limits_{x\to 1}\frac{\ln x}{1-x^3}$.

3. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{x(e^x+1)-2(e^x-1)}{x^3}$.

4. $\lim\limits_{x\to 1}\left(\mathrm{tg}\frac{\pi x}{4}\right)^{\mathrm{tg}\frac{\pi x}{2}}$.

5. $\lim\limits_{x\to 0}\left(\frac{\cos x}{\cos 2x}\right)^{1/x^2}$.

6. $\sqrt{\frac{(2,037)^2-3}{(2,037)^2+5}}$.

7. $\lg 9,5$.

11-вариант

1. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{\ln x}{\sqrt[3]{x}}$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{1-\cos x}{1-\cos bx}$.

3. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\arcsin 2x-2\arcsin x}{x^3}$.

4. $\lim\limits_{x\to 1}\left(\operatorname{ctg}\dfrac{\pi x}{4}\right)^{\operatorname{tg}\frac{\pi x}{2}}$.

5. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{1+\operatorname{tg}x}{1+\sin x}\right)^{x}$.

6. $\sqrt[7]{130}$.

7. $\operatorname{arctg}\sqrt{3,1}$.

12-вариант

1. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\operatorname{ch}x-1}{1-\cos x}$.

2. $\lim\limits_{x\to a}\dfrac{x-a}{x^n-a^n}$.

3. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{a^x-a^{\sin x}}{x^3}$.

4. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{x-4}{x+3}\right)^{3x}$.

5. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\cos\dfrac{1}{x}+\sin\dfrac{1}{x}\right)^{x}$.

6. $\sqrt[3]{27,5}$.

7. $2^{2,1}$.

13-вариант

1. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\frac{\pi}{x}}{\operatorname{ctg}\frac{\pi x}{2}}$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{e^x-1}{\sin 2x}$.

3. $\lim\limits_{x\to\pi/4}(\operatorname{tg}x)^{\operatorname{tg}2x}$.

4. $\lim\limits_{x\to 0}\left(\dfrac{1}{x}\right)^{\operatorname{tg}x}$.

5. $\lim\limits_{x\to 1}(x-1)e^{\frac{1}{x-1}}$.

6. $\sqrt{17}$.

7. $4^{1,2}$.

14-вариант

1. $\lim\limits_{x\to\pi/4}\dfrac{\frac{1}{\cos^2 x}-2\operatorname{tg}x}{1+\cos 4x}$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}(x\ln x)$.

3. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\ln(\cos ax)}{\ln(\cos bx)}$.

4. $\lim\limits_{x\to 0}(\mathrm{ctg}x)^{\sin x}$.

5. $\lim\limits_{x\to 0}\left(\dfrac{\mathrm{tg}x}{x}\right)^{1/x^2}$.

6. $\sqrt{640}$.

7. $\mathrm{tg}59^{\circ}$.

15-вариант

1. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\ln(\sin mx)}{\ln(\sin x)}$.

2. $\lim\limits_{x\to 1}\left(\dfrac{1}{x\sin x}-\dfrac{1}{x^2}\right)$.

3. $\lim\limits_{x\to \pi/4}\dfrac{\sqrt[3]{\mathrm{tg}x}-1}{2\sin^2 x-1}$.

4. $\lim\limits_{x\to \infty}(\ln x)^{\frac{1}{x}}$.

5. $\lim\limits_{x\to \infty}\left(\dfrac{x^2+1}{x^2-2}\right)^{x^2}$.

6. $\sqrt{1,2}$.

7. $\log_2 1,9$.

16-вариант

1. $\lim\limits_{x\to \pi/2}\dfrac{\mathrm{tg}x}{\mathrm{tg}5x}$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}(1-e^{2x})\mathrm{ctg}x$.

3. $\lim\limits_{x\to 0}\left(\dfrac{1}{x}-\dfrac{1}{e^x-1}\right)$.

4. $\lim\limits_{x\to \infty}x^{\frac{5}{1+2\ln x}}$.

5. $\lim\limits_{x\to 0}\sqrt[x]{1-2x}$.

6. $\sqrt[10]{1025}$.

7. $\mathrm{arctg}\sqrt{3,2}$.

17-вариант

1. $\lim\limits_{x\to 0}(1-\cos x)\mathrm{ctg}x$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{a^x-b^x}{x\sqrt{1-x^2}}$.

3. $\lim\limits_{x\to \infty}x^2e^{-0,01x}$.

4. $\lim(1-e^x)^{\frac{1}{x}}$.

5. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\sin\frac{2}{x}+\cos\frac{2}{x}\right)^{x}$.

6. $(3,02)^{4}+(3,02)^{3}$.

7. $\mathrm{ctg}29^{\circ}$.

18-вариант

1. $\lim\limits_{x\to 1}(1-x)\mathrm{tg}\,\frac{\pi x}{2}$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{e^{x^{2}}-1-x^{3}}{\sin^{2}2x}$.

3. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\ln(1+xe^{x})}{\ln(x+\sqrt{1+x^{2}})}$.

4. $\lim\limits_{x\to\infty}(x-1)^{\frac{1}{\ln 2(x-1)}}$.

5. $\lim\limits_{x\to 0}\sqrt[x]{\cos\sqrt{x}}$.

6. $(5,07)^{3}$.

7. $\sin 93^{\circ}$.

19-вариант

1. $\lim\limits_{x\to\infty}x\sin\frac{3}{x}$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{e^{x\sqrt{x}}}{\sqrt{\sin bx}}$.

3. $\lim\limits_{x\to 1}(1-x)^{\log_{2}x}$.

4. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\cos\frac{m}{x}\right)^{x}$.

5. $\lim\limits_{x\to 1}(1+\sin\pi x)^{\mathrm{ctg}\pi x}$.

6. $(4,01)^{1,5}$.

7. $\lg 1,5$.

20-вариант

1. $\lim\limits_{x\to -1}\frac{\sqrt[3]{1+2x}+1}{\sqrt{2+x}+x}$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\ln(1+x^{2})}{\cos 3x-e^{-x}}$.

3. $\lim\limits_{x\to\infty}\frac{e^{\frac{4}{x^{2}}}-1}{2\mathrm{arctg}x^{2}-\pi}$.

4. $\lim\limits_{x\to 0}(\mathrm{ctg}2x)^{\frac{1}{\ln x}}$.

5. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\frac{x+a}{x-a}\right)^{x}$.

6. $\sqrt[3]{1,02}$.

7. $\sin 29^{\circ}$.

21-вариант

1. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{x\cos x-\sin x}{x^3}$.

2. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{e^x}{x^3}$.

3. $\lim\limits_{x\to 1/2}\ln 2x\cdot\ln(2x-1)$.

4. $\lim\limits_{x\to 5}\left(\dfrac{1}{x-5}-\dfrac{5}{x^2-x-20}\right)$.

5. $\lim\limits_{x\to\infty}x^{\frac{1}{x}}$.

6. $\cos 151^\circ$.

7. $\lg 101$.

22-вариант

1. $\lim\limits_{x\to 1}\dfrac{1-x}{1-\sin\dfrac{\pi x}{2}}$.

2. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{\ln(x+7)}{\sqrt[7]{x-3}}$.

3. $\lim\limits_{x\to 1/3}\left(\dfrac{x}{3x-1}-\dfrac{1}{\ln 3x}\right)$.

4. $\lim\limits_{x\to\infty}x^2\sin\dfrac{a}{x}$.

5. $\lim\limits_{x\to 0}x^{\frac{3}{4+\ln x}}$.

6. $\mathrm{arctg}1,05$.

7. $\sin 31^\circ$.

23-вариант

1. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\mathrm{tg}x-\sin x}{4x-\sin x}$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\dfrac{\pi}{x}}{\mathrm{ctg}\dfrac{5x}{2}}$.

3. $\lim\limits_{x\to 0}\arcsin x\cdot\mathrm{tg}x$.

4. $\lim\limits_{x\to 1}\left(\dfrac{1}{2(1-\sqrt{x})}-\dfrac{1}{3(1-\sqrt[3]{x})}\right)$.

5. $\lim\limits_{x\to 0}x^{\sin x}$.

6. $\cos 61^\circ$.

7. $\lg 0,9$.

24-вариант

1. $\lim\limits_{x\to \pi/2}\dfrac{\mathrm{tg}3x}{\mathrm{tg}5x}$.

2. $\lim\limits_{x\to 0}(1-\cos 2x)\mathrm{ctg}4x$.

3. $\lim\limits_{x\to\infty} x^3e^{-x}$.

4. $\lim\limits_{x\to 1}(1-x)^{\cos\frac{\pi x}{2}}$.

5. $\lim\limits_{x\to 0}\left(\frac{1}{x}\right)^{\operatorname{tg}x}$.

6. $\operatorname{tg}44^{\circ\circ}$.

7. $e^{0.25}$.

25-вариант

1. $\lim\limits_{x\to\pi/2}\frac{\sec^2 x-2\operatorname{tg}x}{1+\cos 4x}$.

2. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(x^2\sin\frac{b}{x}\right)$.

3. $\lim\limits_{x\to 1}(x-1)^{x-1}$.

4. $\lim\limits_{x\to 0}(\operatorname{ctg}x)^{\sin x}$.

5. $\lim\limits_{x\to 1}\frac{x^3-2x^2-x+2}{x^3-7x+6}$.

6. $\operatorname{arctg}0{,}98$.

7. $\sqrt{15}$.

12-§. Тўртинчи мустақил уй иши

Бу мустақил уй ишининг ҳар бир вариантида тўртта мисол бўлиб, уларнинг шарти қуйидагича:

Биринчи мисолнинг шарти вариантда берилган.

Иккинчи ва учинчи мисолларда: берилган функцияларни тўлиқ текшириш ва уларнинг чизмасини чизиш керак.

Тўртинчи мисолда: берилган $y = f(x)$ функциянинг $[a; b]$ кесмадаги энг катта ва энг кичик қийматларини топиш керак:

Қуйида вариант мисолларини ечиш намунасини келтирамиз.

1. Берилган S тўла сиртга эга ва асоси квадрат бўлган барча тўғри параллелепипедлар ичидан энг катта ҳажмга эга бўлганини топинг.

Ечиш. Параллелепипед асосининг томони x ва баландлиги y бўлсин, у ҳолда унинг тўла сирти:

$$S = 2x^2 + 4x\,y$$

бўлади, бундан

$$y = \frac{S-2x^2}{4x}.$$

Параллелепипеднинг ҳажми:

$$V = x^2 y \text{ ёки } V = x^2 \cdot \frac{S-2x^2}{4x} = \frac{x(S-2x^2)}{4},$$

$$V = \frac{1}{4}Sx - \frac{1}{2}x^3 \left(0 < 2x^2 < S,\ 0 < x < \sqrt{\frac{S}{2}}\right).$$

Биринчи ва иккинчи тартибли ҳосилаларини топамиз:

$$V' = \frac{1}{4}S - \frac{3}{2}x^2; \quad V' = 0,\ \frac{1}{4} \cdot S - \frac{3}{2}x^2 = 0,\ x = \frac{1}{6}\sqrt{6S},$$

$$V'' = -3x,\ V''\left(\frac{1}{6}\sqrt{6S}\right) = -3\frac{1}{6}\sqrt{6S} = -\frac{1}{2}\sqrt{6S} < 0$$

бўлгани учун аргументнинг бу қийматида функция (V) максимумга эришади. Параллелепипеднинг баландлиги:

$$y = \frac{S-2\left(\frac{1}{6}\sqrt{6S}\right)^2}{4 \cdot \frac{1}{6}\sqrt{6S}} = \frac{1}{6}\sqrt{6S}.$$

Демак, энг катта ҳажмга қирраси $\frac{1}{6}\sqrt{6S}$ бўлган куб эга бўлади.

2. $y = \frac{(x+3)^2}{x-4}$ функцияни тўлиқ текширинг ва унинг графигини чизинг.

Ечиш. Берилган функцияни юқорида баён қилинган схема бўйича текширамиз.

1. Функциянинг аниқланиш соҳаси: $x \in (-\infty\ ; 4) \cup (4; +\infty)$.

2. $x > 4$ қийматларда $y > 0$ ва $x < 4$ қийматларда $y < 0$ бўлгани учун берилган функциянинг графиги $x = 4$ нинг ўнг томонида *Ox* ўқининг юқорисида, $x = 4$ нинг чап томонида эса *Ox* ўқининг пастки қисмида жойлашишини билдиради.

3. Берилган функция графигининг координата ўқлари билан кесишган нуқтаси: $\left(0;\ -\frac{9}{4}\right)$ ва $(-3;\ 0)$.

4. $x=4$ — вертикал асимптотаси, чунки $\lim\limits_{x\to 4}\frac{(x+3)^2}{x-4}=\infty$ бўлгани учун:

$$\lim_{x\to 4-0} y=\lim_{x\to 4-0}\frac{(x+3)^2}{x-4}=-\infty\,,\quad \lim_{x\to 4+0} y=\lim_{x\to 4+0}\frac{(x+3)^2}{x-4}=+\infty\,.$$

Оғма асимптотасини топамиз:

$$k=\lim_{x\to\pm\infty}\frac{f(x)}{x}=\lim_{x\to\pm\infty}\frac{(x+3)^2}{x(x-4)}=1\,,$$

$$b=\lim_{x\to\pm\infty}\left(f(x)-kx\right)=\lim_{x\to\pm\infty}\left(\frac{(x+3)^2}{x-4}-x\right)=$$

$$=\lim_{x\to\pm\infty}\frac{x^2+6x+9-x^2+4x}{x-4}=\lim_{x\to\pm\infty}\frac{10x+9}{x-4}=10\,.$$

Шундай қилиб, функция ягона $y=x+10$ оғма асимптотага эга экан.

5. Функциянинг ўсиш, камайиш оралиқларини ва локал экстремумларини текширамиз:

$$y'=\frac{2(x+3)(x-4)-(x+3)^2}{(x-4)^2}=\frac{2x^2-2x-24-x^2-6x-9}{(x-4)^2}=\frac{x^2-8x-33}{(x-4)^2}\,,$$

$y'=0$ дан, $x^2-8x-33=0$, бундан $x_1=11$, $x_2=-3$.

а) $(-\infty;\ -3)$ интервалда $y'>0$, демак, функция бу интервалда ўсувчи;

б) $(-3;\ 4)$ интервалда $y'<0$, функция камаювчи. Шунинг учун $x=-3$ нуқтаси локал максимум бўлиб, $y(-3)=0$ бўлади;

в) $(4;11)$ интервалда $y'<0$, функция камаяди;

г) $(11;\ +\infty)$ интервалда $y'>0$, функция ўсади.

Шунинг учун $x=11$ нуқта локал минимум бўлиб, $y(11)=28$ бўлади.

6. Функция графигининг қавариқлик, ботиқлик интервалларини ва букилиш нуқтасини текширамиз, унинг учун иккинчи тартибли ҳосилани топамиз:

$$y'' = \frac{(2x-8)(x-4)^2(x^2-8x-33)2(x-4)}{(x-4)^4} =$$

$$= \frac{2x^2-8x-8x+32-2x^2+16x+66}{(x-4)^3} = \frac{98}{(x-4)^3}.$$

а) $(-\infty; 4)$ интервалда $y'' < 0$ ва бу интервалда эгри чизиқ қавариқ;

б) $(4; +\infty)$ интервалда $y'' > 0$ ва бу интервалда эгри чизиқ ботиқ.

$x = 4$ нуқтада функция маънога эга бўлмаганлиги учун букилиш нуқтаси йўқ.

7. Функциянинг графиги 9-чизмада тасвирланган.

3. $y = xe^{-\frac{x^2}{2}}$ функцияни тўлиқ текширинг ва унинг графигини ясанг.

Ечиш. 1. Функциянинг аниқланиш соҳаси: $(-\infty; +\infty)$.

2. $x = 0$ да $y = 0$ бўлгани учун график координаталар бошидан ўтади.



9-чизма.

3. Функция $(0\ ;+\infty)$ интервалда мусбат қийматларни ва $(-\infty;\ 0)$ интервалда манфий қийматларни қабул қилади.

4. Вертикал асимптотаси йўқ.

Оғма асимптотасини аниқлаймиз:

$$k=\lim_{x\to\pm\infty}\frac{f(x)}{x}=\lim_{x\to\pm\infty}\frac{xe^{-\frac{x^2}{2}}}{x}=0\,,$$

$$b=\lim_{x\to\pm\infty}\left(f(x)-kx\right)=\lim_{x\to\pm\infty}\frac{x}{e^{\frac{x^2}{2}}}=\lim_{x\to\pm\infty}\frac{1}{e^{\frac{x^2}{2}}}=0\,.$$

$y = 0$ горизонтал асимптотага эга бўлдик.

5. $y(-x)=-xe^{-\frac{x^2}{2}}=-y(x)$ бўлгани учун функция тоқ ва унинг графиги координаталар бошига нисбатан симметрик бўлади.

6. Функциянинг монотонлик оралиқларини текширамиз:

$$y'=\left(\frac{x}{e^{\frac{x^2}{2}}}\right)'=\frac{e^{\frac{x^2}{2}}-x\cdot xe^{\frac{x^2}{2}}}{e^{x^2}}=\frac{e^{\frac{x^2}{2}}(1-x^2)}{e^{x^2}}\,.$$

Агар $y'=0$ бўлса, у ҳолда $1-x^2=0$ бўлади, бундан $x_1=-1$, $x_2=1$. Бу нуқталар сон ўқини учта интервалга бўлади:

а) $(-\infty;\ -1)$ интервалда $y'<0$ ва функция бу интервалда камаяди;

б) $(-1;\ 1)$ интервалда $y'>0$ ва функция бу интервалда ўсади;

в) $(1;\ +\infty\ )$ интервалда $y'<0$ ва функция камаяди.

Демак, берилган функция $x=\ -1$ қийматида $y(-1)=$ $=-1\cdot e^{-\frac{1}{2}}=-\frac{1}{\sqrt{e}}\approx-0,6$ бўлиб, $(-1;\ -0,6)$ нуқта минимум нуктаси, $x\ =\ 1$ қийматида эса $y(1)=1\cdot e^{-\frac{1}{2}}=-\frac{1}{e^{\frac{1}{2}}}\approx0,6$ бўлиб, $(1;\ 0,6)$ нуқта максимум нуқтаси бўлади.

7. Функция графигининг қавариқлик, ботиқлик оралиқлари ва букилиш нуқтасини топамиз:

$$y' = \frac{1-x^2}{e^{\frac{x^2}{2}}},$$

$$y'' = \frac{-2xe^{\frac{x^2}{2}} - (1-x)^2 \cdot xe^{\frac{x^2}{2}}}{e^{x^2}} = \frac{xe^{\frac{x^2}{2}}(-2-1+x^2)}{e^{x^2}} = \frac{x(x^2-3)}{e^{\frac{x^2}{2}}}.$$

Агар $y'' = 0$ бўлса, $x(x^2 - 3) = 0$ бўлиб, бундан $x_1 = 0$, $x_2 = -\sqrt{3}$, $x_3 = \sqrt{3}$.

а) $(-\infty; \sqrt{3})$ интервалда $y'' < 0$ ва эгри чизиқ бу интервалда қаварик;

б) $(-\sqrt{3}; 0)$ интервалда $y'' > 0$ ва эгри чизиқ бу интервалда ботиқ;

в) $(0; \sqrt{3})$ интервалда $y'' < 0$ ва эгри чизиқ бу интервалда қаварик;

г) $(\sqrt{3}; +\infty)$ интервалда $y'' > 0$ ва эгри чизиқ бу интервалда ботиқ.

$x = \pm\sqrt{3}$, $x = 0$ нуқталарда y'' иккинчи ҳосила ишорасини ўзгартиргани учун x нинг бу қийматлари функциянинг графиги учун букилиш нуқталарининг абсциссаси бўлиб, унинг координаталари

$$y\left(\pm\sqrt{3}\right) = \pm\sqrt{3}/e^{3/2} \approx \pm 0,4, \quad y(0) = 0$$

бўлади.

8. Бу олинган маълумотлар ёрдамида функциянинг графигини чизамиз (10-чизма).

4. $y = 2\sin x + \cos 2x$ функциянинг $\left[0;\ \frac{\pi}{2}\right]$ кесмадаги энг катта ва энг кичик қийматини топинг.

Ечиш. Критик нуқталарни топамиз: $y' = 2\cos x - 2\sin 2x$. Агар $y' = 0$ бўлса, у ҳолда

$$2\cos x - 4\sin x\cos x = 0,\ 2\cos x(1 - 2\sin x) = 0.$$

Агар $\cos x = 0$ бўлса, $x = \frac{\pi}{2} + 2k\pi$; агар $\sin x = \frac{1}{2}$ бўлса, $x = (-1)^n \frac{\pi}{6} + \pi n$, бунда k, $n \in R$.



10-чизма.

Аниқланган критик нуқталардан фақат $x=\frac{\pi}{6}$ ва $x=\frac{\pi}{2}$ нуқталар берилган $\left[0;\ \frac{\pi}{2}\right]$ кесмага тегишли. Шунинг учун $x = 0$, $x=\frac{\pi}{6}$, $x=\frac{\pi}{2}$ да функциянинг қийматларини ҳисоблаймиз:

$$y(0)=1,\quad y\left(\frac{\pi}{6}\right)=2\sin 30^\circ+\cos 30^\circ=1+\frac{1}{2}=1,5\,,$$

$$y\left(\frac{\pi}{2}\right)=2\sin 90^\circ+\cos\pi=2-1=1\,.$$

Демак, $\left[0;\ \frac{\pi}{2}\right]$ кесмада берилган функция $x=\frac{\pi}{6}$ да энг катта қиймати $y\left(\frac{\pi}{6}\right)=1,5$ га, $x = 0$ ва $x=\frac{\pi}{2}$ нуқталарда энг кичик қийматига, яъни $y(0)=y\left(\frac{\pi}{2}\right)=1$ га эришади.

1-вариант

1. Кўндаланг кесими тўғри тўртбурчак бўлган ходанинг маҳкамлиги энига ва баландлигининг кубига тўғри пропорционал деб қабул қилиб, диаметри 16 см бўлган ходадан кесиб олинадиган тўрт қиррали ёғочнинг эни қандай бўлганда у энг катта маҳкамликка эга бўлади?

2. $y=\frac{x^2}{4x^2-1}$. 3. $y=x^2e^{-\frac{x^2}{2}}$. 4. $y=\frac{x^3}{x^2-x+1}$; $[-1;1]$.

2-вариант

1. Маълумки, тўсиннинг сиқишга бўлган қаршилиги кесим юзига пропорционал. d диаметрли думалоқ хода-

дан кесим юзи тўғри тўртбурчак бўлган шундай тўсин қирқиб олиш керакки, унинг сиқишга бўлган қаршилиги энг катта бўлсин.

2. $y = \frac{\ln x}{\sqrt{x}}$. 3. $y = xe^{\frac{1}{x}}$. 4. $y = \frac{(x+1)^3}{x^3}$; $[1; 2]$.

3-вариант

1. Иккита мусбат соннинг йиғиндиси a га тенг. Агар уларнинг кублари йиғиндиси энг кичик сон бўлса, у ҳолда шу сонларни топинг.

2. $y = x + \frac{\ln x}{x}$. 3. $y = \frac{2+x}{(x+1)^2}$. 4. $y = \sqrt{x - x^3}$; $[-2; 2]$.

4-вариант

1. Тўғри бурчакли координаталар системасида (5; 4) нуқта берилган. Бу нуқтадан шундай тўғри чизиқ ўтказилсинки, у координата ўқларининг мусбат йўналишлари билан энг кичик юзли учбурчак ҳосил қилсин.

2. $y = x - \ln(1 + x^2)$. 3. $y = \frac{(1-x)^3}{(x-2)^2}$. 4. $y = 4 - e^{-x^2}$; $[0; 1]$.

5-вариант

1. Узунлиги 50 см бўлган сим бўлагидан энг катта юзга эга бўлган тўғри тўртбурчак ясанг.

2. $y = x + \frac{x^3}{x^2 - x + 1}$. 3. $y = xe^x$. 4. $y = \frac{x^3+4}{x^2}$; $[1; 2]$.

6-вариант

1. Берилган p периметрли тўғри тўртбурчаклар ичидан юзи энг катта бўлганини топинг.

2. $y = x^2 - 2\ln x$. 3. $y = x^2 e^{\frac{1}{x}}$. 4. $y = xe^x$; $[-2; 0]$.

7-вариант

1. Қирраси a бўлган куб ичига қуйидагича цилиндр ясалган: Цилиндр ўқи куб диагонали билан устма-уст тушади, асосларининг айланалари кубнинг ёқларига уринади. Шундай цилиндрларнинг энг катта ҳажмга эга бўлганини топинг.

2. $y = x^3 e^{-\frac{x^2}{2}}$. 3. $y = \frac{x^2}{(x+1)^2}$. 4. $y = (x - x^2)\, e^x$; $[-2;1]$.

8-вариант

1. Иккита мусбат соннинг йиғиндиси a га тенг. Уларнинг кўпайтмаси энг катта бўлиши учун бу сонлар қандай бўлиши керак?

2. $y = \frac{x^2-x-1}{x^2-2x}$. 3. $y = (x + 2)\, e^{1-x}$. 4. $y = (x - 1)\, e^{-x}$; $[0;3]$.

9-вариант

1. R радиусли доирага ички чизилган барча тўғри тўртбурчаклар ичидан энг катта юзга эга бўлганини топинг.

2. $y = \frac{(x-2)^2}{x+1}$. 3. $y = \frac{\ln x}{x}$. 4. $y = \frac{x}{9-x^2}$; $[-2;2]$.

10-вариант

1. Берилган $2p$ периметрли барча тўғри тўртбурчаклар ичидан диагонали энг кичик бўлганини топинг.

2. $y = -\ln\frac{1+x}{1-x}$. 3. $y = \left(\frac{x-2}{x+1}\right)^2$. 4. $y = \frac{1+\ln x}{x}$; $\left[\frac{1}{e};e\right]$.

11-вариант

1. Юқорига тик отилган жисмнинг ҳаракат қонуни $S = 18t - 6t^2$ тенглама билан берилган. Жисм энг юқорига кўтарилган баландликни топинг.

2. $y = \ln(x^2 + 1)$. 3. $y = \frac{x^3}{9-x^2}$. 4. $y = e^{4x-x^2}$; $[1;3]$.

12-вариант

1. Юқорига тик отилган жисмнинг ҳаракат қонуни $S = \vartheta_0 t - \frac{1}{2}gt^2$ тенглама билан берилган. Жисм энг юқорига кўтарилган баландликни топинг.

2. $y = \frac{x^2+6}{x^2+1}$. 3. $y = (x+1)e^{2x}$. 4. $y = \frac{x^5-8}{x^4}$; $[-3;1]$.

13-вариант

1. Жисмнинг тўғри чизиқли ҳаракати $S = -t^3 + 9t^2 - 24t - 8$ тенглама билан берилган бўлса, жисм ҳаракатининг максимал тезлигини топинг.

2. $y = x\ln x$. 3. $y = \frac{4x}{4+x^2}$. 4. $y = \frac{e^{2x}+1}{e^x}$; $[-1;2]$.

14-вариант

1. Радиуси 16 га тенг бўлган доиравий майдоннинг чегараси максимал ёритилган бўлиши учун фонарни майдон ўртасидан қандай h баландликка ўрнатиш керак?

2. $y = (x-1)e^{3x+1}$. 3. $y = \frac{x^4}{x^3-1}$. 4. $y = x\ln x$; $\left[\frac{1}{e^2};1\right]$.

15-вариант

1. R радиусли шарга ички чизилган барча конуслар ичидан ён сирти энг катта бўлганини топинг.

2. $y = \frac{x^2-3x+2}{x+1}$. 3. $y = \ln(x^2 - 2x + 6)$.

4. $y = x^3 e^{x+1}$; $[-4;0]$.

16-вариант

1. R радиусли шарга ички чизилган барча конуслар ичидан ҳажми энг катта бўлганини топинг.

2. $y = \frac{2x-1}{(x+1)^2}$. 3. $y = \ln\left(1 - \frac{1}{x^2}\right)$.

4. $y = x^2 - 2x + \frac{2}{x-1}$; $[-1;3]$.

17-вариант

1. R радиусли шарга ички чизилган барча цилиндрлар ичидан ён сирти энг катта бўлганини топинг.

2. $y = \frac{x^5}{x^4-1}$. 3. $y = x^3 e^{x+1}$. 4. $y = (x+1)\sqrt[3]{x^2}$; $\left[-\frac{4}{3};3\right]$.

18-вариант

1. R радиусли шарга ички чизилган барча цилиндрлар ичидан ҳажми энг катта бўлганини топинг.

2. $y = \frac{x^3+4}{x^2}$. 3. $y = x - \ln(1+x)^2$. 4. $y = e^{6x-x^2}$; $[-3;3]$.

19-вариант

1. Берилган конусга ички чизилган барча цилиндрлар ичидан ҳажми энг катта бўлганини топинг (конус асосининг радиуси R ва баландлиги H берилган).

2. $y = \frac{1}{3}\sqrt{x^3}(x-5)$. 3. $y = 1 - \ln^3 x$. 4. $y = \frac{\ln x}{x}$; $[1;4]$.

20-вариант

1. Берилган конусга ички чизилган барча цилиндрлар ичидан тўла сирти энг катта бўлганини топинг (конус асосининг радиуси R ва баландлиги H берилган).

2. $y = \frac{x^3}{x^4-1}$. 3. $y = (x-1)e^{4x+2}$.

4. $y = 3x^4 - 16x^3 + 2$; $[-3;1]$.

21-вариант

1. Берилган конусга ички чизилган барча цилиндрлар ичидан ён сирти энг катта бўлганини топинг (конус асосининг радиуси R ва баландлиги H берилган).

2. $y = \frac{e^{2x}+1}{e^x}$. 3. $y = \frac{2x^2+4x+2}{2-x}$.

4. $y = x^5 - 5x^4 + 5x^3 + 1$; $[-1;2]$.

22-вариант

1. Ҳажми V берилган, тўла сирти эса энг кичик бўлган туби квадрат шаклидаги усти очиқ (қопқоқсиз) яшикнинг ўлчамларини топинг.

2. $y = x^2 + \frac{1}{x^2}$. 3. $y = -x\ln^2 x$. 4. $y = (3-x)e^{-x}$; $[0;5]$.

23-вариант

1. Ўлчамлари 100×60 см бўлган тўғри тўртбурчак шаклидаги тунуканинг учларидан тенг квадратлар қирқиб олиб ташлаб, сўнгра унинг четларини букиб, энг катта ҳажмга эга бўлган усти очиқ яшик ясаш керак. Қирқиб олиб ташланадиган квадратларнинг томони қандай бўлиши керак?

2. $y = \frac{5x^4+3}{x}$. 3. $y = x^2 - 2\ln x$. 4. $y = \frac{\sqrt{3}}{2} + \cos x$; $\left[0; \frac{\pi}{2}\right]$.

24-вариант

1. Асоси ва баландлигининг йиғиндиси a га тенг бўлган барча учбурчаклар ичидан юзи энг катта бўлганини топинг.

2. $y = \frac{4-2x}{1-x^2}$. 3. $y = e^{\frac{1}{3-x}}$. 4. $y = 108x - x^4$; $[-1;4]$.

25-вариант

1. a радиусли доирага тўғри бурчакли учбурчак ички чизилган. Катетларининг муносабати қандай бўлганда учбурчак энг катта юзга эга бўлади.

2. $y = \frac{5x}{4-x^2}$. 3. $y = \ln(4-x^2)$. 4. $y = \frac{x^4}{49} - 6x^3 + 7$; $[16;20]$.

III боб

КОМПЛЕКС СОНЛАР

1-§. Комплекс сон ҳақида тушунча. Комплекс сонлар устида асосий амаллар

Комплекс сон деб $z = x + iy$ кўринишдаги ифодага айтилади, бу ерда x ва y ҳақиқий сонлар, $i = \sqrt{-1}$ — *мавҳум бирлик деб* аталади.

x — комплекс сон z нинг *ҳақиқий қисми*, iy эса *мавҳум қисми* дейилади. Улар $x = \text{Re}z$, $y = Zmz$ билан белгиланади. Агар $x = 0$ бўлса, $0 + iy = iy$ *соф мавҳум* сон дейилади, агар $y = 0$ бўлса, $x = x \in R$ ҳақиқий сон ҳосил бўлади.

Фақат мавҳум қисмининг ишораси билан фарқ қиладиган $z = x + iy$ ва $z = x - iy$ комплекс сонлар *бир-бирига қўшма* дейилади (11-чизмага қаранг). Геометрик нуқтаи назардан $z = x + iy$ комплекс сон Oxy текисликда координаталари x ва y бўлган $M(x;y)$ нуқтанинг $\overline{OM}$ векторини аниқлайди ва аксинча ҳар бир $M(x;y)$ нуқтага $z = x + iy$ комплекс сонлар мос келади.

Комплекс сонлар тўплами билан Oxy текисликдаги нуқталар орасида ўзаро бир қийматли мослик ўрнатилгани учун берилган Oxy текислик комплекс текислик дейилади ва у Z билан белгиланади.

Комплекс сонлар тўплами G ҳарфи билан белгиланади, $R \subset G$.

Ўзгарувчи Z комплекс текислигининг ($z = x$) Ox ўқда ётувчи нуқталарига ҳақиқий сонлар мос келади, шунинг учун Ox ўқ комплекс текисликнинг *ҳақиқий ўқи* дейилади. Oy ўқда ётувчи нуқталар ($z = iy$) соф мавҳум сонни ифодалагани учун Oy ўқ комплекс текисликнинг *мавҳум сонлар ўқи* ёки *мавҳум ўқи* дейилади.

Агар иккита $z_1 = x_1 + iy_1$ ва $z_2 = x_2 + iy_2$ комплекс сон берилган бўлса, уларнинг устида арифметик амаллар қуйидаги қоида бўйича бажарилади:

1) $z_1 + z_2 = (x_1 + iy_1) + (x_2 + iy_2) = (x_1 + x_2) + i(y_1 + y_2)$,

2) $z_1 - z_2 = (x_1 + iy_1) - (x_2 + iy_2) = (x_1 - x_2) + i(y_1 - y_2)$,

3) $z_1 \cdot z_2 = (x_1 + iy_1) + (x_2 + iy_2) = (x_1 x_2 - y_1 y_2) + i(x_1 y_2 + x_2 y_1)$,

4) $\frac{z_1}{z_2} = \frac{x_1 + iy_1}{x_2 + iy_2}$; $\frac{z_1 \cdot \bar{z}_2}{z_2 \cdot \bar{z}_2} = \frac{x_1 x_2 + y_1 y_2}{x_2^2 + y_2^2} + i \frac{x_2 y_1 - x_1 y_2}{x_2^2 + y_2^2}$, $(z_2 \neq 0)$.



11-чизма.

Комплекс сонлар устида амаллар бажариш қоидалари шуни кўрсатадики, комплекс сонларни қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлиш натижасида яна комплекс сон ҳосил бўлади.

1-мисол. $z_1 = 2 + 3i$, $z_2 = 3 - 4i$, $z_3 = 1 + i$ комплекс сонлар берилган. $z = \frac{z_1 + z_1 \cdot z_2 + z_2^2}{z_1 + z_3}$ ни топинг.

Ечиш. Дастлаб қуйидагиларни ҳисоблаймиз:

$$z_1 + z_3 = (2 + 3i) + (1 + i) = 3 + 4i,$$
$$z_1 \cdot z_2 = (2 + 3i) \cdot (3 - 4i) = (6 + 12) + i(9 - 8) = 18 + i,$$
$$z_2^2 = (3 - 4i)^2 = 9 - 24i - 16 = -7 - 24i,$$
$$z_1 + z_1 \cdot z_2 + z_2^2 = 2 + 3i + 18 + i - 7 - 24i = 13 - 20i.$$

Бу қийматларни ўрнига қўямиз:

$$z = \frac{13-20i}{3+4i} = \frac{(13-20i)(3-4i)}{(3+4i)(3-4i)} = \frac{(39-80)+i(-60-52)}{25} = \frac{41}{25} - i\ \frac{112}{25}.$$

$r = \left|\overline{OM}\right| = \sqrt{z \cdot \bar{z}} = \sqrt{x^2 + y^2}$ сон z комплекс соннинг *модули* дейилади.

$\overrightarrow{OM}$ вектор ва Ox ўқининг мусбат йўналиши орасидаги бурчак z комплекс соннинг *аргументи* дейилади ва $\varphi = \mathrm{Arg}z$ деб белгиланади.

Ҳар қандай $z = x + iy$ комплекс сон учун (11-чизмага қаранг)

$$x = r\cos\varphi, \ y = r\sin\varphi \tag{3.1}$$

$$r = \sqrt{x^2 + y^2}, \ \cos\varphi = \frac{x}{r}, \ \sin\varphi = \frac{y}{r}$$

формула ўринлидир, бунда $y = \arg z$ аргументнинг асосий қиймати $-\pi < \arg z \le \pi$ ёки $0 \le \arg z < 2\pi$ тенгсизликни қаноатлантиради.

Ҳар қандай $z = x + iy$ комплекс сонни тригонометрик шаклда

$$z = r(\cos\varphi + i\sin\varphi) \tag{3.2}$$

ёки кўрсаткичли шаклда

$$z = re^{i\varphi} \tag{3.3}$$

каби ёзиш мумкин. (3.2) ва (3.3) дан

$$e^{i\varphi} = \cos\varphi + i\sin\varphi \tag{3.4}$$

Эйлер формуласига эга бўламиз. Комплекс сонларни кўпайтиришда, даражага кўтаришда (3.2) ва (3.3) формулалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Агар $z_1 = r_1(\cos\varphi_1 + i\sin\varphi_1)$, $z_2 = r_2(\cos\varphi_2 + i\sin\varphi_2)$ комплекс сонлар берилган бўлса, у ҳолда

$$\frac{z_1}{z_2} = \frac{r_1}{r_2}\left(\cos(\varphi_1 - \varphi_2) + i\sin(\varphi_1 - \varphi_2)\right) = \frac{r_1}{r_2} \cdot e^{i(\varphi_1 - \varphi_2)}, \ (z_2 \ne 0),$$

$$z^n = r^n\left(\cos n\varphi + i\sin n\varphi\right) = r^n \cdot e^{in\varphi}. \tag{3.5}$$

(3.5) формула *Муавр формуласи* дейилади.

(3.2) комплекс сонниң n-даражали ($n > 1$, $n \in Z$) илдизи қуйидаги формула билан топилади:

$$z_k = \sqrt[n]{z} = \sqrt[n]{r}\left(\cos\frac{\varphi+2\pi k}{n} + i\sin\frac{\varphi+2\pi k}{n}\right) = \sqrt[n]{r} \cdot e^{\frac{i(\varphi+2\pi k)}{n}}, \quad (k = 0, \overline{n-1}). \tag{3.6}$$

(3.6) ифода илдизнинг n та қийматини аниқлайди, $\sqrt[n]{r}$ эса арифметик илдиздир.

2-мисол. $(1 + i)^{12}$ ни ҳисобланг.

Ечиш. $z = 1 + i$ комплекс сонни (3.2) ёки (3.3) формулалар ёрдамида тригонометрик ёки кўрсаткичли шаклда ёзиб оламиз:

$$r = \sqrt{1+1} = \sqrt{2},\ \cos\varphi = \frac{1}{\sqrt{2}},\ \sin\varphi = \frac{1}{\sqrt{2}},\ \varphi = \frac{\pi}{4},$$

$$z = \sqrt{2}\ \left(\cos\frac{\pi}{4} + i\sin\frac{\pi}{4}\right) = \sqrt{2}\cdot e^{\frac{i\pi}{4}}.$$

Муавр формуласига кўра:

$$z^{12} = \left(\sqrt{2}\right)^{12}\ \left(\cos\left(12\cdot\frac{\pi}{4}\right) + i\sin\left(12\cdot\frac{\pi}{4}\right)\right) = \sqrt{2^{12}}\cdot e^{3\pi i} =$$

$$= 64\cdot(\cos 3\pi + i\sin 3\pi) = -64.$$

3-мисол. $z^6 + 1 = 0$ тенгламанинг илдизларини топинг.

Ечиш. Берилган тенгламани $z^6 = -1$ ёки $z = \sqrt[6]{-1}$ кўринишда ёзиб оламиз.

-1 сонниг (3.2) формулага асосан тригонометрик шакли

$$-1 = 1\cdot(\cos\pi + i\sin\pi)$$

кўринишда бўлади. (3.6) формулага кўра берилган тенгламанинг илдизлари

$$z_k = \sqrt[6]{-1} = 1\cdot\left(\cos\frac{\pi+2k\pi}{6} + i\sin\frac{\pi+2k\pi}{6}\right) = e^{\frac{i(\pi+2k\pi)}{6}}$$

каби топилади, бунда $k = \overline{0,5}$; k га кетма-кет 0,1,...,5 қийматлар бериб, $z^6+1=0$ тенгламанинг олтита илдизини топамиз:

$$z_0 = \cos\frac{\pi}{6} + i\sin\frac{\pi}{6} = \frac{\sqrt{3}}{2} + \frac{1}{2}i = e^{\frac{\pi i}{6}};$$

$$z_1 = \cos\frac{\pi}{2} + i\sin\frac{\pi}{2} = i = e^{\frac{\pi i}{2}};$$

$$z_2 = \cos\frac{5\pi}{6} + i\sin\frac{5\pi}{6} = -\frac{\sqrt{3}}{2} + \frac{1}{2}i = e^{-\frac{5\pi}{6}};$$

$$z_3 = \cos\frac{7\pi}{6} + i\sin\frac{7\pi}{6} = -\frac{\sqrt{3}}{2} - \frac{1}{2}i = e^{\frac{7\pi i}{6}} = e^{-\frac{5\pi i}{6}};$$

$$z_4 = \cos\frac{3\pi}{2} + i\sin\frac{3\pi}{2} = -i = e^{-\frac{\pi i}{2}} = e^{\frac{3\pi i}{2}};$$

$$z_5 = \cos\frac{11\pi}{6} + i\sin\frac{11\pi}{6} = \frac{\sqrt{3}}{2} - \frac{1}{2}i = e^{\frac{11\pi i}{6}} = e^{-\frac{\pi i}{6}}.$$

4-мисол. $z^3 - 1 + i\sqrt{3} = 0$ тенгламанинг илдизларини топинг.

Ечиш. Берилган тенгламани $z^3 = 1 - i\sqrt{3}$ кўринишда ёзиб оламиз. Ўнг қисмидаги комплекс сонни тригонометрик шаклда ёзиб сўнгра (3.6) формулага кўра топамиз:

$$z^3 = 1 - i\sqrt{3} = 2\left(\cos\frac{\pi}{3} - i\sin\frac{\pi}{3}\right).$$

$$z_k = \sqrt[3]{z} = \sqrt[3]{2}\cdot\left(\cos\frac{\frac{\pi}{3}+2\pi k}{3} - i\sin\frac{\frac{\pi}{3}+2\pi k}{3}\right),\ (k=\overline{0,2}).$$

Демак, берилган тенгламанинг илдизлари:

$$z_0 = \sqrt[3]{2}\cdot\left(\cos\frac{\pi}{9} - i\sin\frac{\pi}{9}\right),$$

$$z_1 = \sqrt[3]{2}\cdot\left(\cos\frac{7\pi}{9} - i\sin\frac{7\pi}{9}\right),$$

$$z_2 = \sqrt[3]{2}\cdot\left(\cos\frac{13\pi}{9} - i\sin\frac{13\pi}{9}\right).$$

Машқлар

111. Қуйидаги комплекс сонларни тасвирловчи нуқталарни кўрсатинг. $z_1 = 2 + 2i$, $z_2 = 1 - i$, $z_3 = -1 + 3i$, $z_4 = -\sqrt{3} + i$, $z_5 = -6$, $z_6 = 8$, $z_7 = \sqrt{2}\cdot i$, $z_8 = 5 + 12i$.

112. Агар $z_1 = 4 + 5i$, $z_2 = 1 + i$, $z_3 = 7 - 9i$ бўлса, $z = \frac{z_1(z_2 + z_3)}{z_2}$ ифоданинг қийматини топинг.

113. Агар $z_1 = 4 + 8i$, $z_2 = 1 - i$, $z_3 = 9 + 13i$ бўлса, $z = \frac{z_1 + z_2 z_3}{z_2}$ ифоданинг қийматини топинг.

114. Агар $z_1 = 2 - i$, $z_2 = -1 + 2i$, $z_3 = 8 + 12i$ бўлса, $z = \frac{z_1^2 + z_2 + z_3}{z_2}$ ифоданинг қийматини топинг.

115. Қуйидаги комплекс сонларни тригонометрик ва кўрсаткичли шаклда ёзинг.

$z_1 = \sqrt{3} + i$, $\quad z_2 = -1 + \sqrt{3}i$, $\quad z_3 = \frac{1}{2}$, $\quad z_4 = \frac{2}{1+i}$,

$z_5 = -\sqrt{3} - i$, $\quad z_6 = 2 - 2i$, $\quad z_7 = -1 + i$, $\quad z_8 = -i$.

116. Қуйидаги тенгламаларнинг илдизларини топинг:

1) $z^2 - i = 0$; 2) $z^4 + i = 0$; 3) $z^3 + i = 0$; 4) $z^8 - i = 0$.

IV боб

АНИҚМАС ИНТЕГРАЛ

1-§. Бошланғич функция ва аниқмас интеграл

Берилган $y = f(x)$ функция $(a;b)$ интервалда аниқланган бўлсин. Агар $F'(x) = f(x)$ (бунда $x \in (a;b)$) тенглик ўринли бўлса, $F(x)$ функция $f(x)$ функциянинг $(a;\, b)$ интервалдаги *бошланғич функцияси* дейилади. Берилган $f(x)$ функциянинг ихтиёрий иккита бошланғич функцияси бир-биридан ўзгармас сонга фарқ қилади.

$f(x)$ функциянинг $F(x) + C$ (бунда C — ўзгармас сон) бошланғич функциялар тўплами $f(x)$ функциянинг *аниқмас интеграли* дейилади ва

$$\int f(x)dx = F(x) + C \tag{4.1}$$

кўринишда белгиланади.

Асосий интеграллаш қоидаларини келтирамиз:

1. $\int f'(x)dx = \int d[f(x)] = f(x) + C$.

2. $d\int f(x)dx = d(F(x) + C) = f(x)dx$.

3. $\int (f(x) \pm \varphi(x))dx = \int f(x)dx \pm \int \varphi(x)dx$.

4. $\int af(x) = a\int f(x)dx, \ (a = \text{const})$.

5. Агар $\int f(x)dx = F(x) + C$ бўлса, $\int f(ax+b)dx = = \frac{1}{a}F(ax+b) + C$, бунда $a \neq 0$, b — ўзгармас сонлар.

6. Агар $\int f(x)dx = F(x) + C$ бўлиб, $u = \varphi(x)$ — ихтиёрий дифференциалланувчи функция бўлса, у ҳолда

$$\int f(u)du = F(u) + C .$$

Интеграллаш натижасини тўғри бажарилганлигини текшириш учун аниқланган бошланғич функциядан ҳосила олиш керак, яъни

$$(F(x) + C)' = f(x)$$

тенглик ўринли бўлиши зарур ва етарлидир.

Интеграллашни енгиллаштириш учун асосий *интеграллар жадвалини* тузамиз:

1) $\int x^n dx = \frac{x^{n+1}}{n+1} + C \quad (n \neq -1)$; $n = 0$ бўлса, $\int dx = x + C$;

2) $\int \frac{dx}{x} = \ln|x| + C; \ (n = -1)$;

3) $\int a^x dx = \frac{a^x}{\ln a} + C$;

4) $\int e^x dx = e^x + C$;

5) $\int \sin x dx = -\cos x + C$;

6) $\int \cos x dx = \sin x + C$;

7) $\int \frac{dx}{a^2+x^2} = \frac{1}{a}\operatorname{arctg}\frac{x}{a} + C = -\frac{1}{a}\operatorname{arcctg}\frac{x}{a} + C; \ (a \neq 0)$;

8) $\int \frac{dx}{a^2+x^2} = \frac{1}{2a}\ln\left|\frac{x+a}{x-a}\right| + C = -\frac{1}{2a}\ln\left|\frac{x-a}{x+a}\right| + C$;

9) $\int \frac{dx}{\sqrt{x^2 \pm a^2}} = \ln\left|x + \sqrt{x^2 \pm a^2}\right| + C;\ (a \neq 0)$;

10) $\int \frac{dx}{\sqrt{a^2 - x^2}} = \arcsin\frac{x}{a} + C = -\arccos\frac{x}{a} + C;\ (a > 0)$;

11) $\int \frac{dx}{\cos^2 x} = \mathrm{tg}x + C$;

12) $\int \frac{dx}{\sin^2 x} = -\mathrm{ctg}x + C$;

13) $\int \frac{dx}{\sin x} = \ln\left|\mathrm{tg}\frac{x}{2}\right| + C = \ln\left|\frac{1}{\sin x} - \mathrm{ctg}x\right| + C$;

14) $\int \frac{dx}{\cos x} = \ln\left|\mathrm{tg}\left(\frac{x}{2} + \frac{\pi}{4}\right)\right| = \ln\left|\frac{1}{\cos x} + \mathrm{tg}x\right| + C$;

15) $\int \mathrm{tgx}dx = -\ln|\cos x| + C$;

16) $\int \mathrm{ctg}x dx = \ln|\sin x| + C$;

17) $\int \mathrm{sh}x dx = \mathrm{ch}x + C$;

18) $\int \mathrm{ch}x dx = \mathrm{sh}x + C$;

19) $\int \frac{dx}{\mathrm{ch}^2 x} = \mathrm{th}x + C$;

20) $\int \frac{dx}{\mathrm{sh}^2 x} = -\mathrm{cth}x + C$;

21) $\int \frac{f'(x)}{f(x)} dx = \ln|f(x)| + C$;

22) $\int \frac{f'(x)}{\sqrt{f(x)}} dx = 2\sqrt{f(x)} + C$.

1-мисол. Интеграллаш қоидалари ва интеграллар жадвалидан фойдаланиб, қуйидаги интегралларни топинг:

1) $\int\left(3x^2 - 2\sqrt[3]{x} + \frac{3}{x^2} + 1\right)dx$;

2) $\int \frac{1+2x^2}{x^2(1+x)^2} dx$;

3) $\int 9^x e^{2x} dx$;

4) $\int (3x-6)^8 dx$;

5) $\int \sin(4x-5)dx$;   6) $\int \frac{x-\mathrm{arctg}x}{1+x^2}dx$;

7) $\int \frac{\sin 2x}{4+\sin^2 x}dx$;   8) $\int \frac{x-2}{x^2-4x+6}dx$.

Ечиш. 1) Берилган интегралда интеграл остидаги функциянинг шаклини ўзгартириб ёзамиз, сўнгра интеграллар жадвалидаги 1-формуладан фойдаланамиз:

$$\int\left(3x^2-2\sqrt[3]{x}+\frac{3}{x^2}+1\right)dx=3\int x^2dx-2\int x^{\frac{1}{3}}dx+3\int x^{-2}dx+\int dx=$$

$$=3\cdot\frac{x^{2+1}}{2+1}-2\cdot\frac{x^{\frac{1}{3}+1}}{\frac{1}{3}+1}+3\cdot\frac{x^{-2+1}}{-2+1}+x+C=$$

$$=x^3-\frac{3x^{\frac{4}{3}}}{2}-x^{-1}+x+C=$$

$$=x^3-3x\sqrt[3]{x}-\frac{1}{x}+x+C.$$

2) Берилган интегралда интеграл остидаги функцияни интеграллаш учун қулай кўринишда ёзиб оламиз, сўнгра 1,7-формулалардан фойдаланамиз:

$$\int\frac{1+2x^2}{x^2(1+x)^2}dx=\int\frac{(1+x^2)+x^2}{x^2(1+x)^2}dx=\int\frac{1+x^2}{x^2(1+x)^2}dx+\int\frac{x^2}{x^2(1+x)^2}dx=$$

$$=\int\frac{dx}{x^2}+\int\frac{dx}{1+x^2}=-\frac{1}{x}+\mathrm{arctg}x+C.$$

Қолган интеграллар ҳам интеграл остидаги функцияни бошқача кўринишда ёзиб олингач, жадвалдаги тегишли формулалар ёрдамида топилади:

3) $\int 9^x e^{2x}dx=\int 3^{2x}e^{2x}dx=\int(3e)^{2x}dx=\frac{(3e)^{2x}}{2\ln(3e)}+C$.

4) $\int(3x-6)^8dx=\frac{1}{3}\int(3x-6)^8 3dx=\frac{1}{3}\int(3x-6)^8 d(3x-6)=$

$$=\frac{1}{3}\cdot\frac{(3x-6)^9}{9}+C=\frac{1}{27}(3x-6)^9+C.$$

$$5)\int\sin(4x-5)dx=\frac{1}{4}\int\sin(4x-5)4dx=$$

$$=\frac{1}{4}\int\sin(4x-5)d(4x-5)=-\frac{1}{4}\cos(4x-5)+C.$$

$$6)\int\frac{x-\operatorname{arctg}x}{1+x^2}dx=\int\frac{x}{1+x^2}dx-\int\frac{\operatorname{arctg}x}{1+x^2}dx=$$

$$=\frac{1}{2}\int\frac{2x}{1+x^2}dx-\int\operatorname{arctg}x\,d(\operatorname{arctg}x)=$$

$$=\frac{1}{2}\ln\left|1+x^2\right|-\frac{1}{2}(\operatorname{arctg}x)^2+C=$$

$$=\frac{1}{2}\left[\ln\left|1+x^2\right|-(\operatorname{arctg}x)^2\right]+C.$$

$$7)\int\frac{\sin 2x}{4+\sin^2 x}dx=\int\frac{2\sin x\cos x}{4+\sin^2 x}dx=\int\frac{d(4+\sin^2 x)}{4+\sin^2 x}dx=$$

$$=\ln(4+\sin^2 x)+C.$$

$$8)\int\frac{x-2}{x^2-4x+6}dx=\frac{1}{2}\int\frac{2x-4}{x^2-4x+6}dx=\frac{1}{2}\int\frac{d(x^2-4x+6)}{x^2-4x+6}=$$

$$=\frac{1}{2}\ln(x^2-4x+6)+C=\ln\sqrt{x^2-4x+6}+C.$$

Машқлар

Асосий интеграллар жадвалидан фойдаланиб, қуйидаги интегралларни топинг ва натижани дифференциаллаб текширинг:

117. $\int\left(3x^5-4\sqrt[5]{x^3}+\frac{2}{x^6}\right)dx.$ 118. $\int\left(\sqrt{x}-\sqrt[3]{x}\right)^2dx.$

119. $\int\frac{\cos 2x}{\cos^2 x\sin^2 x}dx.$ 120. $\int\left(3\sin x-2^{2x}3^x-\frac{1}{9+x^2}\right)dx.$

121. $\int\sqrt[5]{(5x+3)^3}dx.$ 122. $\int\frac{x^2}{\sqrt[3]{(x^3+7)^2}}dx.$

123. $\int \frac{3-2\mathrm{ctg}^2 x}{\cos^2 x}dx$. 124. $\int\left(4x-\sqrt[7]{x^5}+2\sin x-2\right)dx$.

125. $\int\left(x^5-\frac{1}{\sqrt[3]{x}}+2^x\right)dx$. 126. $\int \frac{x+1}{x^2+2x+4}dx$.

127. $\int\left(\frac{x^3}{\sqrt{1+x^4}}-\cos^7 x\sin x\right)dx$. 128. $\int \frac{e^{3x}}{e^{3x}+5}dx$.

129. $\int e^{2x}\left(1+\frac{e^{-2x}}{\cos^{2x}}\right)dx$. 130. $\int 2^{3x}\left(1-\frac{2^{-3x}}{x^2}\right)dx$.

131. $\int 2^{3x}\cdot 4^{2x}\cdot 5^x dx$. 132. $\int \frac{dx}{x\ln^2 x}dx$.

133. $\int x\sin(x^2)dx$. 134. $\int\left(ax^2+b\right)^{\frac{2}{3}}xdx$.

135. $\int\sqrt{\cos x}\sin xdx$. 136. $\int\cos(\sin x)\cdot\cos xdx$.

2-§. Функцияларни бевосита интеграллаш

Агар интеграл остидаги функция бир нечта функциялардан иборат бўлса, у ҳолда бу функцияларни алгебраик алмаштиришлар ёрдамида ёки айрим кўпайтувчи функцияларни дифференциал белгиси остига киритиш ёрдамида жадвал интегралларидан бирига келтирилади. Буни қуйидаги мисолларда кўрсатамиз.

1-мисол. $\int\mathrm{ctg}^3 xdx$ интегрални топинг.

Ечиш.

$$\int\mathrm{ctg}^3 xdx=\int\frac{\cos^2 x}{\sin^2 x}\cdot\mathrm{ctg}xdx=\int\frac{1-\sin^2 x}{\sin^2 x}\cdot\mathrm{ctg}xdx=$$

$$=\int\left(\frac{1}{\sin^2 x}\cdot\mathrm{ctg}x-\mathrm{ctg}x\right)dx=-\int\mathrm{ctg}xd(\mathrm{ctg}x)-\int\frac{d(\sin x)}{\sin x}=$$

$$=-\frac{\mathrm{ctg}^2 x}{2}-\ln|\sin x|+C.$$

2-мисол. $\int \frac{x-3}{x+5}dx$ интегрални топинг.

Ечиш.

$$\int \frac{x-3}{x+5}dx = \int \frac{x+5-8}{x+5}dx = \int\left(1-\frac{8}{x+5}\right)dx = \int dx - 8\int \frac{d(x+5)}{x+5} =$$

$$= x - 8\ \ln|x+5| + C .$$

3-мисол. $\int \frac{dx}{x^2+4x+8}$ интегрални топинг.

Ечиш.

$$\int \frac{dx}{x^2+4x+8} = \int \frac{dx}{x^2+4x+4+4} = \int \frac{dx}{(x+2)^2+4} = \int \frac{d(x+2)}{4+(x+2)^2} =$$

$$= \frac{1}{2}\operatorname{arctg}\frac{x+2}{2} + C .$$

Ушбу $\int \sin mx \cos nx dx$, $\int \sin mx \sin nx dx$, $\int \cos mx \cos nx dx$ кўринишдаги интеграллар берилган бўлса, уларни интеграллаш учун тригонометриядан маълум бўлган қуйидаги формулалардан фойдаланиш керак:

$$\sin mx \cos nx dx = \frac{1}{2}\left(\sin(m+n)x + \sin(m-n)x\right),$$

$$\sin mx \sin nx dx = \frac{1}{2}\left(\cos(m-n)x - \cos(m+n)x\right),$$

$$\cos mx \cos nx dx = \frac{1}{2}\left(\cos(m-n)x + \cos(m+n)x\right).$$

4-мисол. $\int \sin(2x-1)\ \ \sin(3x+5)dx$ интегрални топинг.

Ечиш.

$$\int \sin(2x-1)\ \ \sin(3x+5)dx =$$

$$= \frac{1}{2}\int\left(\cos(2x-1-3x-5) - \cos(2x-1+3x+5)\right)dx =$$

$$= \frac{1}{2}\int\left(\cos(x+6) - \cos(5x+4)\right)dx =$$

$$= \frac{1}{2}\int \cos(x+6)d(x+6) - \frac{1}{10}\int \cos(5x+4)d(5x+4) =$$

$$= \frac{1}{2}\sin|x+6| - \frac{1}{10}\sin(5x+4) + C .$$

Ушбу $\int \cos^m x \sin^n x dx$ $(m, n \in Z)$ кўринишдаги интегралларни интеграллашда қуйидаги ҳоллардан бири бўлиши мумкин:

а) m ёки n тоқ, масалан $m = 2k + 1$ тоқ сон бўлсин, у ҳолда

$$\int \cos^m x \sin^n x dx = \int \cos^{2k} x \sin^n x \cos x dx =$$

$$= \int (1 - \sin^2 x)^k \quad \sin^n x d(\sin x)$$

кўринишдаги даражали функциянинг интеграли ҳосил қилинади.

5-мисол. $\int \sin^5 x \cos^3 x dx$ ни топинг.

Ечиш.

$$\int \sin^5 x \cos^3 x dx = \int \sin^5 x \cos^2 x \cos x dx =$$

$$= \int \sin^5 x(1 - \sin^2) d(\sin x) = \int \sin^5 x d(\sin x) - \int \sin^7 x d(\sin x) =$$

$$= \frac{1}{6}\sin^6 x - \frac{1}{8}\sin^8 x + C .$$

б) m ва n жуфт бўлсин. У ҳолда тригонометрик функцияларнинг даражасини пасайтирадиган қуйидаги формулалардан фойдаланилади:

$$2\cos^2 \alpha x = 1 + \cos 2\alpha x, \quad 2\sin^2 \alpha x = 1 - \cos^2 \alpha x \quad (\alpha \in R) .$$

6-мисол. $\int \sin^2 4x dx$ ни топинг.

Ечиш.

$$\int \sin^2 4x dx = \int \frac{1 - \cos 8x}{2} dx = \frac{1}{2}\int dx - \frac{1}{2 \cdot 8}\int \cos 8x d(8x) =$$

$$= \frac{1}{2}x - \frac{1}{16}\sin 8x + C .$$

7-мисол. $\int \frac{dx}{7 - 6x - x^2}$ ни топинг.

Ечиш.

Интеграл остидаги каср махражидан тўлиқ квадрат ажратамиз. Натижада қуйидагига эга бўламиз:

$$\int \frac{dx}{7-6x-x^2} = \int \frac{dx}{7+9-(9+6x+x^2)} = \int \frac{dx}{16-(x+3)^2} = \frac{1}{2 \cdot 4}\ln\left|\frac{x+3+4}{x+3-4}\right| + C =$$

$$= \frac{1}{8}\ln\left|\frac{x+7}{x-1}\right| + C .$$

8-мисол. $\int \frac{x^4+2}{x^2+9}$ ни топинг.

Ечиш.

Берилган интегрални ҳисоблаш учун интеграл остидаги функциянинг суратини махражига (кўпҳадни кўпҳадга бўлиш қоидаси бўйича) бўлиб, унинг бутун қисмини ва каср қисмини (қолдиқни) аниқлаш керак.

$$\begin{array}{r|l} x^4+2 & x^2+9 \\ \cline{2-2} x^4+9x^2 & x^2-9 \\ \cline{1-1} -9x^2+2 & \\ -9x^2-81 & \\ \cline{1-1} 83 & \end{array}$$

Бу эса интеграл остидаги функцияни бутун кўпҳад ва бирор тўғри каср йиғиндиси кўринишида ёзиш имконини беради.

Натижада берилган интеграл қуйидагича топилади:

$$\int \frac{x^4+2}{x^2+9}\,dx = \int\left(x^2 - 9 + \frac{83}{x^2+9}\right)dx = \int x^2dx - 9\int dx + 83\int \frac{dx}{3^2+x^2} =$$

$$= \frac{x^3}{3} - 9x + \frac{83}{3}\operatorname{arctg}\frac{x}{3} + C \cdot$$

Машқлар

Қуйидаги берилган интегралларни топинг:

137. $\int(2^{2x} + 2^{-3x})\,dx$.

138. $\int(e^{3x} - e^{-2x})\,dx$.

139. $\int\sqrt[5]{1-6x^3x^2}\,dx$.

140. $\int\sqrt[8]{1+3x^4}\,x^3dx$.

141. $\int\frac{4x-6}{\sqrt{4+x^2}}\,dx$.

142. $\int\frac{2x+3}{\sqrt{x^2+9}}\,dx$.

143. $\int\cos^4 2x\sin^3 2xdx$.

144. $\int\cos^2 3x\sin^5 3xdx$.

145. $\int \mathrm{ctg}^3 2x dx$. 146. $\int \mathrm{tg}^2 8x dx$.

147. $\int \frac{x^2-1}{x^2+1} dx$. 148. $\int \frac{x^2-5}{x^2+4} dx$.

149. $\int \sin 6x \sin 8x dx$. 150. $\int \cos 10x \sin 2x dx$.

151. $\int \frac{dx}{x^2+4x+13}$. 152. $\int \frac{dx}{x^2-6x+7} dx$.

153. $\int \frac{dx}{8-2x-x^2}$. 154. $\int \frac{dx}{9-8x-x^2}$.

155. $\int \frac{x^3+3}{x+1} dx$. 156. $\int \frac{x^2+x+1}{x+1} dx$.

3-§.Квадрат учҳад қатнашган функцияларнинг интеграллари

Қуйидаги кўринишдаги интегралларни қараймиз:

$$\int \frac{Ax+B}{x^2+bx+c} dx . \qquad (4.2)$$

Агар $A \neq 0$ бўлса, у ҳолда каср суратидан махраждаги квадрат учҳаднинг ҳосиласига тенг бўлган $2x+b$ қўшилувчини ажратиб олиш мумкин. Натижада оддий алмаштириш ёрдамида берилган интеграл қуйидаги кўринишни олади:

$$\int \frac{Ax+B}{x^2+bx+c} dx = \frac{A}{2} \int \frac{(2x+b)+\left(\frac{2B}{A}-b\right)}{x^2+bx+c} dx = \frac{A}{2} \int \frac{2x+b}{x^2+bx+c} dx +$$

$$+\left(B-\frac{Ab}{2}\right) \int \frac{dx}{x^2+bx+c} = \frac{A}{2} \ln\left|x^2+bx+c\right| + \left(B-\frac{Ab}{2}\right) \int \frac{dx}{x^2+bx+c} .$$

Охирги интегрални топиш учун махраждаги квадрат учҳадни қуйидаги кўринишга келтириб оламиз:

$$x^2+bx+c = \left(x+\frac{b}{2}\right)^2 + C - \frac{b^2}{4} .$$

Бунда $C - \frac{b^2}{4}$ ифодани ишорасига қараб қуйидаги

$$\int \frac{dx}{x^2 \pm a^2}$$

жадвал интегралининг бирига эга бўламиз.

1-мисол. $\int \frac{5x-2}{x^2+4x+13}dx$ ни топинг.

Ечиш.

$$\int \frac{5x-2}{x^2+4x+13}dx = \frac{5}{2}\int \frac{2x+4-4-\frac{4}{5}}{x^2+4x+13}dx = \frac{5}{2}\int \frac{2x+4}{x^2+4x+13}dx -$$

$$-12\int \frac{dx}{x^2+4x+13} = \frac{5}{2}\int \frac{d(x^2+4x+13)}{x^2+4x+13} - 12\int \frac{dx}{(x+2)^2+9} =$$

$$= \frac{5}{2}\ln(x^2+4x+13) - 4\operatorname{arctg}\frac{x+2}{3} + C\,.$$

2-мисол. $\int \frac{5x-7}{x^2-8x+7}dx$ ни топинг.

Ечиш.

$$\int \frac{5x-7}{x^2-8x+7}dx = \frac{5}{2}\int \frac{2x-8+8-\frac{14}{5}}{x^2-8x+7}dx =$$

$$= \frac{5}{2}\int \frac{2x-8}{x^2-8x+7}dx + 13\int \frac{dx}{(x-4)^2-9} = \frac{5}{2}\int \frac{d(x^2-8x+7)}{x^2-8x+7} + 13\int \frac{dx}{(x-4)^2-9} =$$

$$= \frac{5}{2}\ln\left|x^2-8x+7\right| + \frac{13}{2\cdot 3}\ln\left|\frac{x-4-3}{x-4+3}\right| + C =$$

$$= \frac{5}{2}\ln\left|x^2-8x+7\right| + \frac{13}{6}\ln\left|\frac{x-7}{x-1}\right| + C.$$

Эслатма. Агар (4.2) интегралнинг махражидаги квадрат учҳад $ax^2 + bx + c\ (a \neq 0)$ кўринишда бўлса, у ҳолда a ни қавсдан ташқарига чиқариш керак, яъни

$$ax^2 + bx + c = a\left(x^2 + \frac{b}{a}x + \frac{c}{a}\right).$$

3-мисол. $\int \frac{4x-3}{2x^2-12x+10}dx$ ни топинг.

Ечиш.

$$\int\frac{4x-3}{2x^2-12x+10}\,dx=\frac{1}{2}\int\frac{4x-3}{x^2-6x+5}\,dx=\int\frac{2x-6+6-\frac{3}{2}}{x^2-6x+5}\,dx=$$

$$=\int\frac{2x-6}{x^2-6x+5}\,dx\pm\frac{9}{2}\int\frac{dx}{x^2-6x+5}=\int\frac{d(x^2-6x+5)}{x^2-6x+5}\pm\frac{9}{2}\int\frac{dx}{(x-3)^2-4}=$$

$$=\ln\left|x^2-6x+5\right|\pm\frac{9}{8}\ln\left|\frac{x-1}{5-x}\right|+C.$$

Ушбу

$$\int\frac{Ax+B}{\sqrt{ax^2+bx+c}}\,dx \tag{4.3}$$

кўринишдаги интеграл (4.2) кўринишдаги интеграл каби топилади, аммо натижада ҳосил бўлган интеграл бошқа жадвал интеграли бўлади. $A\neq0$ бўлса, (4.3) ни қуйидаги кўринишда ёзиб оламиз:

$$\int\frac{Ax+B}{\sqrt{ax^2+bx+c}}dx=\frac{A}{2a}\int\frac{2ax+b-b+\frac{2Ba}{A}}{\sqrt{ax^2+bx+c}}dx=\frac{A}{2a}\int\frac{2ax+b}{\sqrt{ax^2+bx+c}}dx+$$

$$+\left(B-\frac{bA}{2a}\right)\int\frac{dx}{\sqrt{ax^2+bx+c}}dx=\frac{A}{2a}\int\left(ax^2+bx+c\right)^{-\frac{1}{2}}\cdot$$

$$\cdot\, d(ax^2+bx+c)+\left(B-\frac{bA}{2a}\right)\int\frac{dx}{\sqrt{a\left(x+\frac{b}{2a}\right)^2+\left(c-\frac{b^2}{4a}\right)}}=$$

$$=\frac{A}{2a}\sqrt{ax^2+bx+c}+\left(B-\frac{bA}{2a}\right)\int\frac{dx}{\sqrt{a\left(x+\frac{b}{2a}\right)^2+\left(c-\frac{b^2}{4a}\right)}}.$$

Охирги интеграл учун $c-\frac{b^2}{4a}=\pm k^2$ ва $a>0$ бўлса,

$$\int\frac{dx}{\sqrt{x^2\pm k^2}}=\ln\left|x^2\sqrt{x^2\pm k^2}\right|+C$$

кўринишдаги, $C > \frac{b^2}{4a}$ ва $a < 0$ бўлса,

$$\int \frac{dx}{\sqrt{x^2 - k^2}} = \arcsin\frac{x}{a} + C$$

кўринишдаги жадвал интеграллари ҳосил бўлади.

4-мисол. $\int \frac{5x-1}{\sqrt{x^2-4x+20}}dx$ ни топинг.

Ечиш.

$$\int \frac{5x-1}{\sqrt{x^2-4x+20}}dx = \frac{5}{2}\int \frac{2x-4+4-2/5}{\sqrt{x^2-4x+20}}dx = \frac{5}{2}\int \frac{2x-4}{\sqrt{x^2-4x+20}}dx +$$

$$+9\int \frac{dx}{\sqrt{x^2-4x+20}} = \frac{5}{2}\int \frac{d(x^2-4x+20)}{\sqrt{x^2-4x+20}} + 9\int \frac{dx}{\sqrt{(x-2)^2+16}} =$$

$$= 5\sqrt{x^2-4x+20} + 9\ln\left|x-2+\sqrt{(x-2)^2+16}\right| + C \cdot$$

5-мисол. $\int \frac{4x+5}{\sqrt{8+2x-x^2}}dx$ ни топинг.

Ечиш.

$$\int \frac{4x+5}{\sqrt{8+2x-x^2}}dx = -2\int \frac{-2x+2-2-5/2}{\sqrt{8+2x-x^2}}dx - 2\int \frac{2-2x}{\sqrt{8+2x-x^2}}dx +$$

$$+9\int \frac{dx}{\sqrt{8+2x-x^2}} = -2\int \frac{d(8+2x-x^2)}{\sqrt{8+2x-x^2}} + 9\int \frac{dx}{\sqrt{9-(1-x)^2}} =$$

$$= -\sqrt{8+2x-x^2} + 9\cdot\arcsin\frac{1-x}{3} + C.$$

Қуйидаги интеграл берилган бўлсин:

$$\int \frac{Ax+B}{(x^2+px+q)^k}dx, \tag{4.4}$$

бунда k — бутун сон, $k > 0$, $p^2 - 4q < 0$ бўлсин. Агар $A \neq 0$ ($k = 1$) бўлса, у ҳолда (4.4) дан (4.3) га ўхшаш интегрални ажратиб оламиз:

$$\frac{A}{2}\int\frac{2x+p}{(x^2+px+q)^k}\,dx=\frac{A}{2}\int\frac{d(x^2+px+q)}{(x^2+px+q)^k}=$$

$$=\frac{A}{2}\cdot\frac{(x^2+px+q)^{-k+1}}{-k+1}+C,\ (k\neq 1).$$

Энди (4.4) ни тўлиқ топиш учун иккинчи интегрални топамиз:

$$\int\frac{dx}{(x^2+px+q)^k}=\int\frac{dx}{\left[\left(x+\frac{p}{2}\right)^2+\frac{4-p^2}{4}\right]^k}=\int\frac{dx}{(u^2+a^2)^k}\,,\qquad(4.5)$$

бунда $u=x+\frac{p}{2}$, $a=\frac{\sqrt{4q-p^2}}{4}$, $4q-p^2>0$.

(4.5) кўринишдаги интегралларни топиш учун қуйидаги махраж даражасини пасайтиришнинг рекуррент формуласидан фойдаланамиз:

$$\int\frac{du}{(u^2+a^2)^k}=\frac{u}{2a^2(k-1)(u^2+a^2)^{k-1}}+\frac{2k-3}{2a^2(k-1)}\int\frac{du}{(u^2+a^2)^{k-1}}\,.\qquad(4.6)$$

Буни қуйидаги мисолда кўрсатамиз.

6-мисол. $\int\frac{4x+5}{(x^2+6x+25)^2}\,dx$ ни топинг.

Ечиш.

$$\int\frac{4x+5}{(x^2+6x+25)^2}\,dx=2\int\frac{2x+6-6+\frac{5}{2}}{(x^2+6x+25)^2}\,dx=2\int\frac{2x+6}{(x^2+6x+25)^2}\,dx-$$

$$-7\int\frac{dx}{(x^2+6x+25)^2}=\int\frac{d(x^2+6x+25)}{(x^2+6x+25)^2}-7\int\frac{dx}{\left[(x+3)^2+4^2\right]^2}=$$

$$=-\frac{2}{x^2+6x+25}-7\int\frac{dx}{\left[(x+3)^2+4^2\right]}=-\frac{2}{x^2+6x+25}-$$

$$-7\left[\frac{x+3}{2\cdot 4^2(2-1)\left[(x+3)^2+4^2\right]}+\frac{1}{32}\int\frac{dx}{(x+3)^2+4^2}\right]=-\frac{2}{x^2+6x+25}-$$

$$-\frac{7(x+3)}{32(x^2+6x+25)}-\frac{7}{128}\operatorname{arctg}\frac{x+3}{4}+C.$$

Бунда иккинчи интегралга (4.6) формулани қўлладик.

Машқлар

Қуйидаги интегралларни топинг.

157. $\int\frac{dx}{x^2+x+\frac{101}{4}}$.

158. $\int\frac{dx}{x^2+2x+17}$.

159. $\int\frac{3x-7}{x^2+x+1}dx$.

160. $\int\frac{x-2}{x^2-8x+7}dx$.

161. $\int\frac{7x+3}{2x^2+4x+9}dx$.

162. $\int\frac{x+1}{5x^2+2x+1}dx$.

163. $\int\frac{3x-1}{\sqrt{x^2-6x+13}}dx$.

164. $\int\frac{x-3}{\sqrt{x^2+2x+2}}dx$.

165. $\int\frac{7x-2}{\sqrt{5-4x-x^2}}dx$.

166. $\int\frac{dx}{\sqrt{4x-3x^2-1}}$.

167. $\int\frac{3x-1}{(x^2+2x+10)^2}dx$.

168. $\int\frac{x-7}{(x^2+10x+9)^2}dx$.

4-§. Ўзгарувчини алмаштириш усули билан интеграллаш

Агар $x=\varphi(t)$ функция узлуксиз ва ҳосилага эга бўлса, у ҳолда $\int f(x)\,dx$ интегрални янги ўзгарувчи (t) киритиш орқали қуйидаги формула бўйича топиш мумкин:

$$\int f(x)dx=\int f[\varphi(t)]\varphi'(t)\,dt. \qquad (4.7)$$

(4.7) формуланинг ўнг қисмидаги интегрални (агар уни топиш мумкин бўлса) топамиз ва уни яна x ўзгарувчи орқали ифодалаймиз. Бундай усулга аниқмас интегралда *ўзгарувчи алмаштириш* ёки *ўрнига қўйиш усули* билан интеграллаш дейилади. $x = \varphi(t)$ алмаштириш бажарилганда D_1ваD_2 аниқланиш сохалари ўзаро бир қийматли ($D_1 < = > D_2$) ҳамда $\varphi(t)$ ва $f(x)$ функциялари аниқланган ва $x \in D_1$нинг ҳамма қийматларини $\varphi(t)$ функция ҳам қабул қилиши керак.

Буларни қуйидаги мисолларни ечиш ёрдамида кўрсатамиз.

1-мисол. $\int x\sqrt{1-x}\,dx$ ни топинг.

Ечиш.

$t = \sqrt{1-x}$ формула ёрдамида янги ўзгарувчи t ни киритамиз.

У ҳолда

$$t^2 = 1 - x \;=>\; x = 1 - t^2,\;\; dx = -2tdt\cdot$$

Бунда $D_1 : 0 \le t < \infty$, $D_2 : 1 \le x < \infty$ ва $D_1 <=> D_2$. (4.7) формулага асосан қуйидагига эга бўламиз:

$$\int x\sqrt{1-x}\;\;dx = \int (1-t^2)\cdot t\cdot(-2t)dt = -2\int (1-t^2)t^2dt =$$

$$= 2\int (t^4 - t^2)dt = 2\left(\int t^4dt - \int t^2dt\right) = 2\left(\frac{t^5}{5} - \frac{t^3}{3}\right) + C =$$

$$= 2\left(\frac{\sqrt{(1-x)^5}}{5} - \frac{\sqrt{(1-x)^3}}{3}\right) + C = \frac{2(1-x)^2\sqrt{1-x}}{5} - \frac{2(1-x)\sqrt{1-x}}{3} + C.$$

2-мисол. $\int \frac{\sqrt{x^2+b^2}}{x^2}dx$ ни топинг.

Ечиш. $x = \varphi(t) = b\operatorname{tg}t$ ўрнига қўйишдан фойдаланамиз. $x = b\operatorname{tg}t$ нинг аниқланиш соҳаси $D_1 : -\frac{\pi}{2} < t < \frac{\pi}{2}$ бўлиб, у қуйидаги шартни қаноатлантиради: $D_1 \leftrightarrow D_2$ $(-\infty; +\infty)$ ва D_1 да $\varphi'(t)$ ҳосила узлуксиз. У ҳолда $dx = \frac{bdt}{\cos^2 t}$ ва (4.7) формулага асосан берилган интеграл қуйидагича топилади:

$$\int \frac{\sqrt{x^2+b^2}}{x^2}dx = \int \frac{\sqrt{b^2\mathrm{tg}^2t+b^2}\cdot b\cdot dt}{b^2\mathrm{tg}^2t\cdot\cos^2 t} = \int \frac{\sqrt{1+\mathrm{tg}^2t}}{\sin^2 t}dt = \int \frac{1}{\cos t\cdot\sin^2 t}dt =$$

$$= \int \frac{\cos^2 t+\sin^2 t}{\cos t\cdot\sin^2 t}dt = \int \frac{\cos t}{\sin^2 t}dt + \int \frac{dt}{\cos t} = -\frac{1}{\sin t} + \ln\left|\mathrm{tg}t + \frac{1}{\cos t}\right| +$$

$$C = -\frac{\sqrt{1+\mathrm{tg}^2t}}{\mathrm{tg}t} + \ln\left|\mathrm{tg}t + \sqrt{1+\mathrm{tg}^2t}\right| + C = -\frac{\sqrt{b^2+x^2}}{x} +$$

$$+\ln\left|\frac{x+\sqrt{b^2+x^2}}{b}\right| + C.$$

3-мисол. $\int\sqrt{a^2-x^2}\,dx$ ни топинг.

Ечиш. $x = a\sin t$ тригонометрик ўрнига қўйишни татбиқ этамиз. У ҳолда $dx = a\cos t dt$. $D_1 : -\frac{\pi}{2} \le x \le \frac{\pi}{2}$, $D_2 : -a \le x \le a$. $D_1 <=> D_2$ бажарилади. Берилган интегрални янги ўзгарувчи t орқали ифодалаб топамиз:

$$\int\sqrt{a^2-x^2}\,dx = \int\sqrt{a^2-a^2\sin^2 t}\cdot a\cos t dt = a^2\int|\cos t|\cos t dt =$$

$$= a^2\int\cos^2 t dt = a^2\int\frac{1+\cos 2t}{2}dt = \frac{a^2}{2}\int dt + \frac{a^2}{2}\int\cos 2t dt =$$

$$= \frac{a^2}{2}t + \frac{a^2}{4}\sin 2t + C = \frac{a^2}{2}t + \frac{a^2}{2}\sin t\cdot\cos t + C.$$

Энди $t = \arcsin\frac{x}{a}$ ва $\cos t = \sqrt{1-\sin^2 t} = \sqrt{1-\frac{x^2}{a^2}}$ тенгликлардан фойдаланиб, охирги ифодани x ўзгарувчи орқали ифодалаймиз. Натижада қуйидагига эга бўламиз:

$$\int\sqrt{a^2-x^2}\,dx = \frac{a^2}{2}\arcsin\frac{x}{a} + \frac{a^2}{2}\cdot\frac{x}{a}\sqrt{1-\frac{x^2}{a^2}} + C =$$

$$= \frac{a^2}{2}\arcsin\frac{x}{a} + \frac{x}{2}\sqrt{a^2-x^2} + C.$$

Айрим функцияларнинг интегралини топишда $x = \varphi(t)$ алмаштириш эмас, балки $t = \psi(x)$ алмаштириш мақсадга мувофиқдир. Буни қуйидаги мисолда кўрсатамиз.

4-мисол. $\int \sqrt[3]{1+\cos x} \cdot \sin x \, dx$ ни топинг.

Ечиш. $1+\cos x = t$ ўрнига қўйишни бажарамиз. У ҳолда $-\sin x dx = dt$ бўлиб, берилган интегрални топиш қуйидаги кўринишни олади:

$$\int \sqrt[3]{1+\cos x} \cdot \sin x \, dx = -\int \sqrt[3]{t} \cdot dx = -\int t^{\frac{1}{3}} dt = -\frac{t^{\frac{1}{3}+1}}{\frac{1}{3}+1} + C =$$

$$= -\frac{3\sqrt[3]{t^4}}{4} + C = -\frac{3}{4}\sqrt[3]{(1+\cos x)^4} + C.$$

5-мисол. $\int e^{-x^4} x^3 \, dx$ ни топинг.

Ечиш. $-x^4 = t$ ўрнига қўйишни бажарамиз. У ҳолда $-4x^3 dx = dt$, $x^3 dx = -\frac{1}{4} dt$ ва берилган интеграл қуйидагича топилади:

$$\int e^{-x^4} x^3 \, dx = \int e^t \left(-\frac{1}{4}\right) dt = -\frac{1}{4}\int e^t dt = -\frac{1}{4} e^t + C =$$

$$= -\frac{1}{4} e^{-x^4} + C.$$

6-мисол. $\int \frac{dx}{(x-1)\sqrt{x^2+2x+2}}$ ни топинг.

Ечиш. Бу ҳолда $t = \frac{1}{x-1}$ ўрнига қўйишдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундан $x = \frac{1}{t} + 1$, $dx = -\frac{1}{t^2} dt$ бўлиб, берилган интеграл қуйидагича топилади:

$$\int \frac{dx}{(x-1)\sqrt{x^2+2x+2}} = \int \frac{-\frac{1dt}{t^2}}{\frac{1}{t}\sqrt{\left(\frac{1}{t}-1\right)^2 - 2\left(\frac{1}{t}-1\right)+10}} = -\int \frac{dt}{t\sqrt{\frac{1}{t^2}+9}} =$$

$$= -\int \frac{dx}{\sqrt{9t^2+1}} = -\int \frac{dx}{\sqrt{(3t)^2+1}} = -\frac{1}{3}\ln\left|3t + \sqrt{9t^2+1}\right| + C =$$

$$= -\frac{1}{3}\ln\left|\frac{3}{x+1} + \sqrt{\frac{9}{(x+1)^2}+1}\right| + C.$$

Эслатма. Аниқмас интегрални ўрнига қўйиш ёки бўлаклаб интеграллаш усулларидан фойдаланиб топишда ёзувни соддалаштириш ва қисқартириш мақсадида киритилаётган белгилашларни иккита вертикал чизиқ ичига ёзишни тавсия этамиз. Буни юқорида ечилган 3-мисолда кўрсатамиз.

Ечиш.

$$\int\sqrt{a^2-x^2}\,dx=\left|\begin{array}{l}x=a\sin t\\ dx=a\cos t dx\end{array}\right|=\int\sqrt{a^2-a^2\sin^2 t}\cdot a\cdot\cos t dt=$$

$$=a^2\int|\cos t|\cos t dt=a^2\int\cos^2 t dt=a^2\int\frac{1+\cos 2t}{2}dt=$$

$$=\frac{a^2}{2}\int dt+\frac{a^2}{2}\int\cos 2t dt=\frac{a^2}{2}t+\frac{a^2}{2}\sin 2t+C=$$

$$=\frac{a^2}{2}t+\frac{a^2}{2}\sin t-\cos t+C=\left|\begin{array}{l}t=\arcsin\frac{x}{a},\ \ \sin t=\frac{x}{a}\\ \cos t=\sqrt{1-\sin^2 t}=\sqrt{1-\frac{x^2}{a^2}}\end{array}\right|=$$

$$=\frac{a^2}{2}\arcsin\frac{x}{a}+\frac{a}{2}\cdot x\sqrt{1-\frac{x^2}{a^2}}+C=$$

$$=\frac{a^2}{2}\arcsin\frac{x}{a}+\frac{x}{2}\sqrt{a^2-x^2}+C.$$

Машқлар

Қуйидаги интегралларни ўзгарувчини алмаштириш усули билан топинг:

169. $\int\frac{dx}{1+\sqrt{x+3}}$.

170. $\int x\sqrt[5]{(5x^2-3)^7}dx$.

171. $\int\frac{\sin\sqrt[5]{x}}{\sqrt[3]{x^2}}dx$.

172. $\int x^2\sqrt{x^3+5}dx$.

173. $\int\frac{(2\ln x+3)^3}{x}dx$.

174. $\int\frac{e^{\sqrt{2x-1}}}{\sqrt{2x-1}}dx$.

175. $\int x^3(1-2x^4)^3dx$.

176. $\int\frac{dx}{(x-1)\sqrt{x}}$.

177. $\int\frac{\sin 4xdx}{\cos^4 2x+4}dx$.

178. $\int\frac{e^{2x}}{e^{4x}}dx$.

179. $\int\frac{\mathrm{arctg}x}{1+x^2}dx$.

180. $\int\frac{\cos x}{1+\sin^2 x}dx$.

5-§.Бўлаклаб интеграллаш

Бўлаклаб интеграллаш усули қуйидаги формулага асосланади:

$$\int u dv = uv - \int v du\,, \qquad (4.8)$$

бунда $u(x)$, $v(x)$лар узлуксиз дифференциалланувчи функциялар деб қаралади. (4.8)формула *бўлаклаб интеграллаш формуласи* дейилади.

(4.8) формулани ҳамма интегралларга ҳам қўллай бериш мумкин эмас. Агар интеграл остидаги функциялар $P_n(x)\sin nx$, $P_n(x)\cos nx$, $P_n(x)e^{nx}$, $P_n(x)\ln^k x$, $P_n(x)\mathrm{ch}nx$, $a^{kx}\sin nx$, $a^{kx}\cos nx$, $\arcsin x$, $\mathrm{arctg}x$ (бунда k, n — мусбат бутун сонлар), $P_n(x) = a_0x^n + a_1x^{n-1} + \ldots + a_n$ кўпҳад кўринишда бўлса, у ҳолда (4.8) формулани қўллаш натижасида берилган интеграл жадвал интегралига келади.

Айрим мисолларда бўлаклаб интеграллаш формуласи бир неча маротаба қўлланилади. Бўлаклаб интеграллашда қуйидаги уч ҳолга эътибор бериш керак:

а) агар интеграллар $\int P_n(x)\cdot\sin nxdx$, $\int P_n(x)\cdot e^{ax}dx, \ldots$ кўринишларда бўлса, у ҳолда $u = P_n(x)$, $dv = \sin nxdx$ деб белгилаш керак.

Буни қуйидаги мисолда кўрамиз.

1-мисол. $\int (x^2 + 2x)\cos 2xdx$ ни топинг.

Ечиш.

$$\int (x^2 + 2x)\cos 2xdx \left|\begin{array}{l} u = x^2 + 2x,\ du = (2x+2)dx \\ dv = \cos 2xdx,\ v = \int \cos 2xdx = \frac{1}{2}\sin 2x \end{array}\right| =$$

$$= (x^2 + 2x)\cdot\frac{1}{2}\sin 2x - \int \frac{1}{2}\sin 2x\cdot(2x+2)dx =$$

$$= \frac{1}{2}(x^2 + 2x)\cdot\sin 2x - \int (x+1)\sin 2x\,dx\,\cdot$$

$$\cdot\left|\begin{array}{l} u = x + 1,\ du = dx \\ dv = \sin 2xdx,\ v = \int \sin 2xdx = -\frac{1}{2}\cos 2x \end{array}\right| =$$

$$=\frac{1}{2}(x^2+2x)\sin 2x-\left[(x+1)\left(-\frac{1}{2}\cos 2x\right)-\int-\frac{1}{2}\cos 2x dx\right]=$$

$$=\frac{1}{2}(x^2+2x)\sin 2x+\frac{1}{2}(x+1)\cos 2x-\frac{1}{4}\sin 2x+C\cdot$$

б) агар интеграллар $\int P_n(x)\ln^n x dx$, $\int P_n(x)\arcsin x dx,\ldots$ кўринишларда бўлса, у ҳолда $u=\ln^n x$ ёки $u=\arcsin x$ $dv=P_n(x)dx$ деб белгилаш керак.

2-мисол. $\int x \operatorname{arctg} x dx$ ни топинг.

Ечиш.

$$\int x \operatorname{arctg} x dx \left| \begin{array}{l} u=\operatorname{arctg} x,\ du=\frac{dx}{1+x^2} \\ dv=xdx,\ v=\int xdx=\frac{x^2}{2} \end{array} \right|$$

$$=\frac{x^2}{2}\operatorname{arctg} x-\frac{1}{2}\int\frac{x^2dx}{1+x^2}=\frac{x^2}{2}\operatorname{arctg} x-\frac{1}{2}\int\frac{x^2+1-1}{1+x^2}dx=$$

$$=\frac{x^2}{2}\operatorname{arctg} x-\frac{1}{2}\int dx+\frac{1}{2}\int\frac{dx}{1+x^2}=\frac{x^2}{2}\operatorname{arctg} x-\frac{x}{2}+\frac{1}{2}\operatorname{arctg} x+C.$$

3-мисол. $\int x^2\ln^2 x dx$ ни топинг.

Ечиш.

$$\int x^2\ln^2 x dx \left| \begin{array}{l} u=\ln^2 x,\ du=2\ln x\cdot\frac{1}{x}dx \\ dv=x^2dx,\ v=\frac{x^3}{3} \end{array} \right| =$$

$$=\frac{x^3}{3}\ln^2 x-\int\frac{x^3}{3}2\ln x\frac{1}{x}dx=\frac{x^3}{3}\ln^2 x-\frac{2}{3}\int x^2\ln x dx\cdot$$

$$\cdot\left| \begin{array}{l} u=\ln x,\ du=\frac{1}{x}dx \\ dv=x^2dx,\ v=\frac{x^3}{3} \end{array} \right| =\frac{x^3}{3}\ln^2 x-\frac{2}{3}\left[\frac{x^3}{3}\cdot\ln x-\int\frac{1}{x}\cdot\frac{x^3}{3}dx\right]=$$

$$=\frac{x^3}{3}\ln^2 x-\frac{2}{9}x^3\ln x+\frac{2}{27}x^3+C.$$

в) агар интеграллар $\int a^{nx}\sin mxdx$, $\int e^{nx}\cos kxdx, \ldots$ кўринишларда бўлса, у ҳолда (4.8) формулани икки марта татбиқ этиш натижасида берилган интеграл ҳосил бўлади. Бунда биринчи марта *u* деб кўрсаткичли функцияни белгилаган бўлсак, иккинчи марта (4.8) формулани татбиқ этилганда яна кўрсаткичли функцияни *u* деб белгилаш керак.

4-мисол. $\int e^{3x}\sin xdx$ ни топинг.

Ечиш.

$$\int e^{3x}\sin xdx \left|\begin{array}{l} u=\sin x,\ \ du=\cos xdx \\ dv=e^{3x}dx,\ \ v=\frac{1}{3}e^{3x} \end{array}\right| =$$

$$=\frac{1}{3}e^{3x}\sin x-\frac{1}{3}\int e^{3x}\cos xdx \left|\begin{array}{l} u=\cos x,\ \ du=-\sin xdx \\ dv=e^{3x}dx,\ \ v=\frac{1}{3}e^{3x} \end{array}\right| =$$

$$=\frac{1}{3}e^{3x}\sin x-\frac{1}{3}\left[\frac{1}{3}e^{3x}\cos x-\int\frac{1}{3}e^{3x}\cdot(-\sin x)dx\right]=$$

$$=\frac{1}{3}e^{3x}\sin x-\frac{1}{9}e^{3x}\cos x-\frac{1}{9}\int e^{3x}\sin xdx.$$

Ўнг томондаги охирги интегрални чап қисмига ўтказиб соддалаштирсак, қуйидагига эга бўламиз:

$$\frac{10}{9}\int e^{3x}\sin xdx=\frac{1}{3}e^{3x}\sin x-\frac{1}{9}e^{3x}\cos x+\frac{10}{9}C.$$

Демак,

$$\int e^{3x}\sin xdx=\frac{3}{10}e^{3x}\sin x-\frac{1}{10}e^{3x}\cos x+C.$$

Машқлар

Қуйидаги интегралларни бўлаклаб интеграллаш усули билан топинг:

181. $\int x\sin xdx$. 182. $\int x\ln xdx$.

183. $\int \arcsin xdx$. 184. $\int \ln^2 xdx$.

185. $\int \sqrt{x}\ln x dx$.

186. $\int x\arccos 2x dx$.

187. $\int x^2e^{3x}dx$.

188. $\int \arccos x dx$.

189. $\int (x^2-2x+5)e^{-x}dx$.

190. $\int \frac{x\cos x}{\sin^2 x}dx$.

191. $\int x^3e^{-x^2}dx$.

192. $\int x^2\cdot 2^{-3x}dx$.

193. $\int e^{\sqrt{x}}dx$.

194. $\int \sin(\ln x)\,dx$.

195. $\int xe^{\frac{1}{x}+1}dx$.

196. $\int \ln(1+x^2)\,dx$.

197. $\int x\cos\left(\frac{x}{2}+1\right)dx$.

198. $\int \ln(x-3)\,dx$.

199. $\int e^{3x}\cos x dx$.

200. $\int 2^{2x}\sin 3x dx$.

6-§. Рационал функцияларни интеграллаш

Қуйидаги икки кўпҳаднинг нисбати *каср-рационал функция ёки рационал каср* дейилади:

$$\frac{Q_m(x)}{P_n(x)}=\frac{b_0x^m+b_1x^{m-1}+\ldots+b_m}{a_0x^n+a_1x^{n-1}+\ldots+a_n}, \qquad (4.9)$$

бунда m, n — мусбат бутун сонлар, a_i, $b_j\in R$ ($i=\overline{0,n}$, $j=\overline{0,m}$).

Агар $m<n$ бўлса, у ҳолда (4.9) функция тўғри рационал каср, $m>n$ бўлса, нотўғри рационал каср дейилади.

Ҳар қандай нотўғри касрнинг суратини махражига бўлиш натижасида уни бирор кўпҳад ва тўғри каср йиғиндиси шаклида ёзиш мумкин:

$$\frac{Q_m(x)}{P_n(x)}=M_{m-n}(x)+\frac{Q_1(x)}{P_n(x)}.$$

Масалан, $\frac{x^4+4}{x^2+3x-1}$ нотўғри касрнинг суратини махражига бўлсак, қуйидагига эга бўламиз:

$$\frac{x^4+4}{x^2+3x-1}=x^2-3x+10+\frac{-3x+14}{x^2+3x-1}.$$

Ҳар қандай кўпҳад осон интегралланади ва рационал функцияни интеграллаш тўғри касрни интеграллашга келтирилади. Шунинг учун рационал функцияларнинг $m < n$ шартда интегралини топишни кўрамиз.

Қуйидаги кўринишдаги касрларга *энг содда рационал касрлар* дейилади:

$$1)\ \frac{A}{x-a};\qquad 2)\ \frac{A}{(x-a)^n};\qquad 3)\ \frac{Mx+N}{x^2+px+q};\qquad 4)\ \frac{Mx+N}{(x^2+px+q)^n},$$

бунда A, M, N, p, q — ўзгармас сонлар; n — бутун сон, $p^2-4q<0$.

Биринчи ва иккинчи турдаги касрларнинг аниқмас интеграли осон топилади:

$$\int \frac{Adx}{x-a} = A\ln|x-a| + C,$$

$$\int \frac{Adx}{(x-a)^n} = \frac{A}{(1-n)(x-a)^{n-1}} + C.$$

3) ва 4) кўринишдаги касрларни интеграллаш 4-§ да кўрилган.

Шундай қилиб, ҳар қандай энг содда рационал касрни уни ташкил этувчи элементар функцияларнинг интеграллари каби интеграллаш мумкин экан.

Ҳар қандай ҳақиқий коэффициентли $P_n(x)$ кўпҳадни ҳақиқий сонлар тўпламида қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$P_n(x) = a_0(x-\alpha_1)^{k_1}\dots(x-\alpha_\beta)^{k_\beta}\cdot(x+p_1x+q_1)^{t_1}\dots$$
$$\dots(x^2+p_sx+q_s)^{t_s}, \tag{4.10}$$

бунда $\alpha_1 \dots, \alpha_\beta$ лар $P_n(x)$ кўпҳаднинг $k_1,\dots,k_\beta$ каррали ҳақиқий илдизлари, $P_\gamma^2-4q_\gamma<0$ $(\gamma=1,s)$; $k_1+k_2+\dots$ $\dots+k_\beta+2t_1+\dots+2t_s=n$; $k_1,\dots,k_\beta$, $t_1,\dots t_S$ мусбат бутун сонлар. Агар кўпҳадни (4.10) кўринишда ёзиш мумкин бўлса, (4.9) рационал касрни қуйидаги рационал касрлар йиғиндиси кўринишида ёзиш мумкин:

$$\frac{A_1}{x-\alpha_r} + \frac{A_2}{(x-\alpha_r)^2} + \dots + \frac{A_k}{(x-\alpha_r)^{k_1}}. \tag{4.11}$$

(4.10) кўпҳад t_s каррали жуфт қўшма комплекс сондан иборат илдизларга эга бўлса, у ҳолда (4.9) рационал каср қуйидаги элементар касрлар йиғиндиси кўринишида ёзилади:

$$\frac{M_1x+N_1}{x^2+p_\gamma x+q_\gamma}+\frac{M_2x+N_2}{(x^2+p_\gamma x+q_\gamma)^2}+\ldots+\frac{M_sx+N_s}{(x^2+p_\gamma x+q_\gamma)^{ts}}. \qquad (4.12)$$

Энди (4.11) ва (4.12) даги номаълум A_1, A_2, A_k ва $M_1, M_2 \ldots M_s$, $N_1, N_2, \ldots, N_s$ коэффициентларни топиш учун (4.11) ва (4.12) ни қўшиб умумий махражга келтирамиз, натижада ўзаро тенг бўлган

$$Q_m(x) = Q^{*}_{m-n}(x) \qquad (4.13)$$

$(n-1)$-даражали кўпҳадларга эга бўламиз.

(4.13) дан осонгина номаълум коэффициентлар топилади. Уларни икки усул билан топишни қуйидаги мисолларда кўрсатамиз:

1-мисол. $\int \frac{2x-3}{x(x+1)(x+2)}dx$ ни топинг.

Ечиш. (4.11) формулага асосан элементар касрларнинг йиғиндиси қуйидагича бўлади:

$$\frac{2x-3}{x(x+1)(x+2)}=\frac{A}{x}+\frac{B}{x+1}+\frac{C}{x+2}. \qquad (A)$$

(A) нинг ўнг томонини умумий махражга келтирсак, у ҳолда иккита касрнинг тенглик аломатига кўра

$$2x-3 = A(x+1)(x+2)+B(x+2)x+C(x+1)x \qquad (B)$$

ни ҳосил қиламиз.

(B) нинг иккала қисмидаги x нинг бир хил даражалари олдидаги коэффициентларни тенглаб, қуйидаги системага эга бўламиз:

$$\begin{array}{l|l} x^2 & 0 = A + B + C, \\ x^1 & 2 = 3A + 2B + C, \\ x^0 & -3 = 2A. \end{array}$$

Бундан $A=-\frac{3}{2}$, $B=5$, $C=-\frac{7}{2}$ келиб чиқади.

Бу усул *номаълум коэффициентларни топиш усули* дейилади.

Энди A, B, C номаълум коэффицентларни x нинг махражни нолга айлантирадиган сон қийматларини қўйиш усули билан топишни кўрамиз. Агар (B) тенгликдаги x ўрнига кетма-кет 0, −1, −2 қийматларни қўйсак, натижада A, B, C номаълум коэффициентлар топилади:

$x = 0$: да $2\cdot 0-3=2A \Rightarrow A = -\frac{3}{2}$;

$x = -1$: да $2\cdot(-1)-3 = B(-1+2)(-1) => B = 5$;

$x = -2$: да $2\cdot(-2)-3 = C(-2+1)\cdot(-2) => C=-\frac{7}{2}$;
натижа бир хил чиқади.

Энди бу топилган қийматларни ўрнига қўямиз:

$$\frac{2x-3}{x(x+1)(x+2)}=\frac{3}{2x}+\frac{5}{x+1}-\frac{7}{2(x+2)}.$$

Натижада берилган интеграл қуйидагича топилади:

$$\int\frac{2x-3}{x(x+1)(x+2)}dx=\int\left(\frac{3}{2x}+\frac{5}{x+1}-\frac{7}{2(x+2)}\right)dx=$$

$$=-\frac{3}{2}\ln|x|+5\ln|x+1|-\frac{7}{2}\ln|x+2|+C.$$

2-мисол. $\int\frac{xdx}{(x-2)(x+2)^2}$ ни топинг.

Ечиш. Тўғри касрни энг содда касрлар йиғиндиси кўринишида ёзиш қоидасига кўра:

$$\int\frac{xdx}{(x-2)(x+2)^2}=\int\left(\frac{A}{x-2}+\frac{B}{(x+2)^2}+\frac{C}{x+2}\right)dx\ .$$

Қавс ичидаги касрларни умумий махражга келтирамиз ва унинг суратини x га тенглаймиз:

$$x=A(x+2)^2+B(x-2)+C(x-2)(x+2)\ .$$

$$x=2 \text{ да: } 2=16A => A=\frac{1}{8};$$

$$x=-2 \text{ да: } -2=4B => B=\frac{1}{2}.$$

C номаълумни топиш учун тенгликнинг ўнг томонидаги қавсларни очиб x^2 олдидаги коэффициентлар йиғиндисини нолга тенглаймиз, натижада

$$0 = A + C, \qquad \text{бундан } C = -\frac{1}{8}$$

келиб чиқади. Бу қийматларни ўрнига қўйиб берилган интегрални топамиз:

$$\int \frac{xdx}{(x-2)(x+2)^2} = \int \left(\frac{1}{8(x-2)} + \frac{1}{2(x+2)^2} - \frac{1}{8(x+2)} \right) dx =$$

$$= \frac{1}{2} \ln|x-2| - \frac{1}{2(x+2)} - \frac{1}{8} \ln|x+2| + C.$$

3-мисол. $\int \frac{x^4+3x^2-5}{x^3+2x^2+5x} dx$ ни топинг.

Ечиш. Интеграл остидаги функция нотўғри каср бўлгани учун унинг суратини махражига бўлиб, касрни бутун қисм ва тўғри рационал каср йиғиндиси кўринишида ёзиб оламиз:

$$\frac{x^4+3x^2-5}{x^3+2x^2+5x} = x - 2 + \frac{2x^2+10x-5}{x^3+2x^2+5x}.$$

Энди охирги тўғри касрни энг содда касрлар йиғиндиси кўринишида ёзиб оламиз:

$$\frac{2x^2+10x-5}{x(x^2+2x+5)} = \frac{A}{x} + \frac{Mx+N}{x^2+2x+5}.$$

Бу тенгликнинг ўнг қисмини умумий махражга келтириб, касрларнинг суратларини тенглаймиз:

$$2x^2 + 10x - 5 \equiv A(x^2 + 2x + 5) + Mx^2 + Nx.$$

x нинг бир хил даражалари олдидаги коэффициентларни тенглаймиз:

$$\begin{array}{l|l} x^2 & 2 = A + M, \\ x^1 & 10 = 2A + N, \\ x^0 & -5 = 5A, \end{array}$$

бундан $A = -1$, $M = 3$, $N = 12$.

Натижада берилган интеграл қуйидагича ҳисобланади:

$$\int \frac{x^4+3x^2-5}{x^3+2x^2+5x}\,dx = \int\left(x-2-\frac{1}{x}+\frac{3x+12}{x^2+2x+5}\right)dx =$$

$$= \int (x-2)d(x-2) - \int\frac{dx}{x} + \frac{3}{2}\int\frac{2x+2+6}{x^2+2x+5}\,dx =$$

$$= \frac{(x-2)^2}{2} - \ln|x| + \frac{3}{2}\int\frac{d(x^2+2x+5)}{x^2+2x+5} + \frac{3}{2}\cdot 6\int\frac{dx}{(x+1)^2+1} =$$

$$= \frac{(x-2)^2}{2} - \ln|x| + \frac{3}{2}\ln\left|x^2+2x+5\right| + \frac{9}{2}\operatorname{arctg}\frac{x+1}{2} + C\cdot$$

Машқлар

Қуйидаги интегралларни топинг:

201. $\int\frac{dx}{x^3-x}$.

202. $\int\frac{x-4}{x^2-5x+6}\,dx$.

203. $\int\frac{x^5+x^4-8}{x^3-4x}\,dx$.

204. $\int\frac{x^3+1}{x^3-x^2}\,dx$.

205. $\int\frac{x^2-2x+3}{(x-1)(x^3-4x^2+3x)}\,dx$.

206. $\int\frac{2x^2-3x-3}{(x-1)(x^2-2x+5)}\,dx$.

207. $\int\frac{x^2dx}{x^4-1}$.

208. $\int\frac{2xdx}{(x+1)(x^2+1)^2}$.

209. $\int\frac{4}{x(x^2+4)}\,dx$.

210. $\int\frac{1}{x(x+1)^2}\,dx$.

211. $\int\frac{dx}{x(x^2-1)}$.

212. $\int\frac{dx}{(x-1)(x+2)^2}$.

213. $\int\frac{2x^2+41x-91}{(x-1)(x+3)(x-4)}\,dx$.

214. $\int\frac{13dx}{x(x^2+6x+13)}\,dx$.

7-§. Баъзи иррационал функцияларни интеграллаш

Қуйидаги кўринишдаги интеграллар берилган бўлсин:

$$\int R(x, x^{\alpha}, x^{\beta}, x', \ldots)\,dx\,, \tag{4.14}$$

$$\int R(x,(ax+b)^{\alpha},(ax+b)^{\beta}+(ax+b)^{t},\ldots)\,dx\ , \tag{4.15}$$

$$\int R\left(x,\left(\frac{ax+b}{cx+d}\right)^{\alpha},\left(\frac{ax+b}{cx+d}\right)^{\beta}+\left(\frac{ax+b}{cx+d}\right)^{t},\ldots\right)dx\,. \tag{4.16}$$

Бу ерда $\alpha=\frac{m_1}{n_1}$, $\beta=\frac{m_2}{n_2}$, $t=\frac{m_3}{n_3}$ рационал сонлар бўлиб, k уларнинг умумий махражи бўлса, у ҳолда (4.14) учун $x=t^k$, (4.15) учун эса $\frac{ax+b}{cx+d}=t^k$ алмаштиришлар ёрдамида бу интегралларни топиш рационал функцияни интеграллашга келади. Бундай интегралларни топишни мисолларда кўрамиз.

1-мисол. $\int\frac{\sqrt{x}dx}{\sqrt[4]{x^3}+4}$ ни топинг.

Ечиш. Бу мисолда $k=4$ бўлгани учун юқоридагига кўра берилган интеграл қуйидагича топилади:

$$\int\frac{\sqrt{x}dx}{\sqrt[4]{x^3}+4}\left|\begin{matrix}\sqrt[4]{x}=t,\ \ x=t^4\\ dx=4t^3dt\end{matrix}\right|=4\int\frac{t^2}{t^3+4}t^3dt=4\int\frac{t^5dt}{t^3+4}=$$

$$=4\int\left(t^2-\frac{4t^2}{t^3+4}\right)dt=4\left(\int t^2dt-\frac{4}{3}\int\frac{3t^2}{t^3+4}dt\right)=4\frac{t^3}{3}-\frac{16}{3}\cdot\int\frac{d(t^3+4)}{t^3+4}=$$

$$=\frac{4}{3}t^3-\frac{16}{3}\ln\left|t^3+4\right|+C=\frac{4}{3}\sqrt[4]{x^3}-\frac{16}{3}\ln\left|\sqrt[4]{x^3}+4\right|+C\,.$$

2-мисол. $\int\frac{\sqrt[6]{x+2}}{\sqrt{x+2}+\sqrt[3]{x+2}}dx$ интегрални топинг.

Ечиш. Бу мисолда $k=6$ бўлгани учун интеграл қуйидагича топилади:

$$\int\frac{\sqrt[6]{x+2}}{\sqrt{x+2}+\sqrt[3]{x+2}}dx\left|\begin{matrix}\sqrt[6]{x+2}=t,\ \ x+2=t^6\\ dx=6t^5dt\end{matrix}\right|=\int\frac{t}{t^3+t^2}6t^5dt=$$

$$=6\int\frac{t^6}{t^2(t+1)}dt=6\int\frac{t^4}{t+1}dt=6\int\left(t^3-t^2+t-1+\frac{1}{t+1}\right)dt=$$

$$= \frac{3}{2}t^4 - 2t^3 + 3t^2 - 6t + 6\ln|t+1| + C = \frac{3}{2}\sqrt[3]{(x+2)^2} -$$

$$-2\sqrt{x+2} + 3\sqrt[3]{x+2} - 6\sqrt[6]{x+2} + 6\ln\left|\sqrt[6]{x+2} + 1\right| + C.$$

3-мисол. $\int \frac{2}{(2-x)^2} \cdot \sqrt[3]{\frac{2-x}{2+x}}dx$ ни топинг.

Ечиш. $\sqrt[3]{\frac{2-x}{2+x}} = t$ алмаштиришни бажарамиз, бундан $\frac{2-x}{2+x} = t^3 \Rightarrow x = \frac{2-2t^3}{1+t^3}$, $2 - x = \frac{4t^3}{1+t^3}$ ва $dx = \frac{-12t^2}{(1+t^3)^2}dt$ бўлади.

Демак, $\int \frac{2}{(2-x)^2} \cdot \sqrt[3]{\frac{2-x}{2+x}}dx = -\int \frac{2(1+t^3)t \cdot 12t^2}{16t^3(1+t^3)^2}dt = -\frac{3}{2}\int \frac{dt}{t^3} =$

$$= \frac{3}{4t^2} + C = \frac{3}{4} \cdot \sqrt[3]{\left(\frac{2+x}{2-x}\right)^2} + C.$$

Қуйидаги кўринишдаги интегрални қараймиз:

$$\int \frac{P_n(x)dx}{\sqrt{ax^2+bx+c}}, \tag{4.17}$$

бунда $P_n(x)$ n-даражали кўпҳад. (4.17) кўринишдаги интегрални ҳар доим қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\int \frac{P_n(x)dx}{\sqrt{ax^2+bx+c}} = Q_{n-1}(x)\sqrt{ax^2+bx+c} + \lambda\int \frac{dx}{\sqrt{ax^2+bx+c}}, \tag{4.18}$$

бунда $\lambda \in R$; $Q_{(n-1)}(x)$ эса $(n-1)$ - даражали коэффициентлари номаълум бўлган кўпҳад бўлиб, улар қуйидагича аниқланади. (4.18) тенгликнинг ҳар иккала қисмини дифференциаллаш ёрдамида $Q_{(n-1)}(x)$ кўпҳаднинг номаълум коэффициентлари ва λ сон топилади.

Буни қуйидаги мисолда кўрсатамиз.

4-мисол. $\int \frac{x^4+4x^2}{\sqrt{x^2+4}}dx$ ни топинг.

Ечиш. (4.18) формулага асосан:

$$\int \frac{x^4+4x^2}{\sqrt{x^2+4}}dx = (Ax^3 + Bx^2 + Cx + D)\sqrt{x^2+4} + \lambda\int \frac{dx}{\sqrt{x^2+4}}.$$

Охирги тенгликни дифференциаллаймиз:

$$\frac{x^4+4x^2}{\sqrt{x^2+4}} = (3Ax^2 + 2Bx + C)\sqrt{x^2+4} +$$

$$+(Ax^3 + Bx^2 + Cx + D)\cdot\frac{x}{\sqrt{x^2+4}} + \lambda\cdot\frac{1}{\sqrt{x^2+4}}.$$

Бу тенгликнинг иккала томонини $\sqrt{x^2+4}$ га кўпайтирамиз. У ҳолда $x^4 + 4x^2 = (3Ax^2 + 2Bx + C)\ (x^2+4) + (Ax^3 + Bx^2 + Cx + D)\ x + \lambda$.

Бундан қуйидаги системага эга бўламиз:

$$\begin{array}{l|l} x^4 & 1 = 3A + A, \\ x^3 & 0 = 2B + B, \\ x^2 & 4 = 12A + C + B, \\ x^1 & 0 = 4B + D, \\ x^0 & 0 = 4C + \lambda. \end{array}$$

Бу системанинг ечимини топамиз: $A = \frac{1}{4}$, $B = 0$, $C = \frac{1}{2}$, $D = 0$, $\lambda = -2$. Демак,

$$\int\frac{x^4+4x^2}{\sqrt{x^2+4}}dx = \frac{x^3+2x}{4}\sqrt{x^2+4} - 2\int\frac{dx}{\sqrt{x^2+4}} =$$

$$= \frac{x^3+2x}{4}\sqrt{x^2+4} - 2\ln\left|x + \sqrt{x^2+4}\right| + C.$$

Биномиал дифференциалларни интеграллаш

Ушбу

$$x^m(a + bx^n)^p dx$$

дифференциал ифода биномиал дифференциал деб аталади. Унинг интеграли

$$\int x^m(a + bx^n)^p dx \tag{4.19}$$

берилган бўлсин. Бунда a, b ўзгармас сонлар, m, n, p — рационал сонлар. (4.19) интегрални ҳисоблаш m, n, p рационал сонларга боғлиқлигини рус математиги П.Л.Чебишев кўрсатган. (4.19) интеграл қуйидаги учта

1) p — бутун сон;

2) $\frac{m+1}{n}$ — бутун сон;

3) $\frac{m+1}{n}+p$ — бутун сон

ҳолдагина рационал функцияларнинг интеграли орқали ифодаланади:

1) p бутун сон бўлса, юқорида кўрилган энг содда иррационал функция интегралига эга бўламиз;

2) $\frac{m+1}{n}$ бутун сон бўлса, $a+bx^n=t^s$, $p=\frac{r}{s}$, $s>0$ алмаштириш бажарилади;

3) $\frac{m+1}{n}+p$ бутун сон бўлса, $a+bx^n=t^s x^n$ алмаштириш бажарилади;

Учинчи ҳолга мисол келтирамиз.

5-мисол. $\int x^{-7}(1+x^4)^{-\frac{1}{2}}dx$ ни топинг.

Ечиш. $m=-7, n=4$, $p=-\frac{1}{2}$ ва $\frac{m+1}{n}+p=\frac{-7+1}{4}-\frac{1}{2}=-2$ бутун сон.

Бу ерда 3) ҳолга эгамиз, шунинг учун берилган интегрални қуйидагича топамиз:

$$\int x^{-7}(1+x^4)^{-\frac{1}{2}}dx=\int\frac{dx}{x^7\sqrt{1+x^4}}\left|\begin{array}{l}1+x^4=t^2x^4,\ x=(t^2-1)^{-\frac{1}{4}}\\ dx=-\frac{1}{2}(t^2-1)^{-5/4}dt\end{array}\right|=$$

$$=\int(t^2-1)^{\frac{7}{4}}t^{-1}(t^2-1)^{\frac{1}{2}}\left(-\frac{1}{2}\right)(t^2-1)^{-\frac{5}{4}}tdt=-\frac{1}{2}\int(t^2-1)\,dt=$$

$$=-\frac{1}{6}t^3+\frac{1}{2}t+C\left|t=\frac{\sqrt{1+x^4}}{x^2}\right|=\left(-\frac{1}{6x^6}+\frac{1}{3x^2}\right)\sqrt{1+x^4}+C.$$

Машқлар

Қуйидаги интегралларни топинг:

215. $\frac{dx}{3x-4\sqrt{x}}$.

216. $\int\frac{\sqrt{x}dx}{\sqrt[3]{x^2}-\sqrt[4]{x}}$.

217. $\int \frac{\sqrt{x}dx}{\sqrt[4]{x^3}+1}$.

218. $\int \frac{x^3dx}{\sqrt{x^2+2}}$.

219. $\int \frac{dx}{\sqrt{3x+4}+2\sqrt[4]{3x+4}}$.

220. $\int \frac{4xdx}{\sqrt[3]{(3x-8)^2}-2\sqrt[3]{3x-8}+4}$.

221. $\int \sqrt{\frac{1-x}{1+x}}\frac{dx}{x}$.

222. $\int (x-2)\sqrt{\frac{3+x}{3-x}}\,dx$.

223. $\int x^5\sqrt[3]{(1+x^3)^2}dx$.

224. $\int x\left(1+x^{\frac{2}{3}}\right)^{\frac{1}{2}} dx$.

8-§.Тригонометрик функцияларни интеграллаш

Қуйидаги кўринишдаги интеграл берилган бўлсин:

$$\int R(\sin x, \cos x)\, dx \,. \tag{4.20}$$

Агар (4.20) интегралда $t = \operatorname{tg}\frac{x}{2}$ $(-\pi < x < \pi)$ алмаштириш бажарилса, (4.20) интеграл остидаги $R(\sin x, \cos x)dx$ ифода t ўзгарувчининг рационал функциясига келади. Бу ҳолда

$$\cos x = \frac{1-t^2}{1+t^2},\ \sin x = \frac{2t}{1+t^2},\ dx = \frac{2dt}{1+t^2} \tag{4.21}$$

формулалардан фойдалансак, (4.20) интеграл қуйидаги

$$\int R(\sin x, \cos x)\, dx = \int R\left(\frac{2t}{1+t^2}, \frac{1-t^2}{1+t^2}\right)\cdot\frac{2dt}{1+t^2}$$

кўринишга келади.Бундай алмаштириш *универсал алмаштириш* дейилади. Бу ҳолни қуйидаги мисолларда кўрамиз.

1-мисол. $\int \frac{dx}{1+\sin x+\cos x}$ ни топинг.

Ечиш. $t = \operatorname{tg}\frac{x}{2}$ деб оламиз ва (4.21) тенгликларга кўра:

$$\int \frac{dx}{1+\sin x+\cos x} = \int \frac{\frac{2}{1+t^2}dt}{1+\frac{2t}{1+t^2}+\frac{1-t^2}{1+t^2}} = \int \frac{dt}{1+t} = \ln|1+t| + C =$$

$$= \ln\left|1+\operatorname{tg}\frac{x}{2}\right| + C.$$

Агар қуйидаги $R(-\sin x, -\cos x) = R(\sin x, \cos x)$ тенглик ўринли бўлса, $t = \mathrm{tg}x$ алмаштириш қулай. Бу алмаштиришда тригонометриядан маълум бўлган

$$\sin x = \frac{tgx}{\sqrt{1+tg^2x}} = \frac{t}{\sqrt{1+t^2}},$$

$$\cos x = \frac{1}{\sqrt{1+tg^2x}} = \frac{1}{\sqrt{1+t^2}},$$

$$x = \mathrm{arctg}t, \ dx = \frac{dt}{1+t^2} \qquad (4.22)$$

формулалардан фойдаланилади.

2-мисол. $\int \frac{dx}{3+\sin^2 x}$ ни топинг.

Ечиш: $t = \mathrm{tg}x$ алмаштиришни бажарамиз ва (4.22) тенгликларга кўра топамиз:

$$\int \frac{dx}{3+\sin^2 x} = \int \frac{\frac{1}{1+t^2}dt}{3+\frac{t^2}{1+t^2}} = \int \frac{dt}{3+4t^2} = \frac{1}{2\sqrt{3}}\mathrm{arctg}\frac{2t}{\sqrt{3}} + C =$$

$$= \frac{1}{2\sqrt{3}}\mathrm{arctg}\frac{2\mathrm{tg}x}{\sqrt{3}} + C.$$

3-мисол. $\int \mathrm{tg}^5 2xdx$ ни топинг.

Ечиш. $t = \mathrm{tg}2x$ алмаштиришни бажарамиз. Бунда

$$x = \frac{1}{2}\mathrm{arctg}\,t, \quad dx = \frac{1}{2}\cdot\frac{1}{1+t^2}dt,$$

$$\int \mathrm{tg}^5 2xdx = \int t^5 \cdot \frac{1}{2}\cdot\frac{1}{1+t^2}dt = \frac{1}{2}\int \frac{t^5}{1+t^2}dt =$$

$$= \frac{1}{2}\int\left(t^3 - t + \frac{t}{1+t^2}\right)dt = \frac{1}{8}t^4 - \frac{1}{4}t^2 + \frac{1}{4}\ln\left|1+t^2\right| + C =$$

$$= \frac{1}{8}\mathrm{tg}^4 x - \frac{1}{4}\mathrm{tg}^2 x + \frac{1}{4}\ln\left|1+\mathrm{tg}^2 x\right| + C.$$

Агар интеграллар $\int \sin x \cdot f(\cos x)\,dx$ ёки $\int \cos x \cdot f(\sin x)\,dx$ кўринишда бўлса, у ҳолда

$\cos x = t$ ёки $\sin x = t$

алмаштириш натижасида улар t га боғлиқ рационал функцияга келади.

4-мисол. $\int \frac{\sin^3 x}{\cos^4 x} dx$ ни топинг.

Ечиш. $\cos x = t$ алмаштириш бажарамиз, у ҳолда $dt = -\sin x dx$ ва

$$\int \frac{\sin^3 x}{\cos^4 x} dx = \int \frac{1-\cos^2 x}{\cos^4 x} \sin x dx = \int \frac{1-t^2}{t^4}(-dt) =$$

$$= -\int \frac{1}{t^4} dt + \int \frac{1}{t^2} dt = \frac{1}{3} t^{-3} - \frac{1}{t} + C =$$

$$= \frac{1}{3\cos^3 x} - \frac{1}{\cos x} + C.$$

5-мисол. $\int \frac{\cos 2x dx}{\sqrt[3]{(2+3\sin 2x)^2}}$ ни топинг.

Ечиш. $2+3\sin 2x = t^3$ деб оламиз. У ҳолда $\cos 2x dx = = \frac{1}{2} t^2 dt$ ва берилган интеграл қуйидагича топилади:

$$\int \frac{\cos 2x dx}{\sqrt[3]{(2+3\sin 2x)^2}} = \frac{1}{2} \int \frac{t^2 dt}{\sqrt[3]{t^6}} = \frac{1}{2} \int dt = \frac{1}{2} t + C =$$

$$= \frac{1}{2} \sqrt[3]{(2+3\sin 2x)} + C.$$

Эслатма. $t = \operatorname{tg} \frac{x}{2}$ алмаштиришни юқоридаги ҳамма мисоллар учун қўллаш мумкин.

Машқлар

Қуйидаги интегралларни топинг:

225. $\int \frac{dx}{3+5\cos x}$.

226. $\int \frac{dx}{4-5\sin x}$.

227. $\int \frac{\cos 2x}{\sqrt{3+4\sin 2x}} dx$.

228. $\int \frac{\sin 3x}{\sqrt[3]{(3+2\cos 3x)^2}} dx$.

229. $\int \frac{\sin^2 x dx}{1+\cos^2 x}$.

230. $\int \frac{dx}{3\sin^2 x + 5\cos^2 x}$.

231. $\int \cos^3 x \sin^{10} x dx$.　　232. $\int \frac{dx}{\sin^2 x+3\sin x\cos x+\cos^2 x}$.

233. $\int \sin^4 8x dx$.　　234. $\int \frac{\cos^4 x+\sin^4 x}{\cos^2 x-\sin^2 x}\, dx$.

235. $\int \frac{dx}{\cos x \sin^3 x}$.　　236. $\int \frac{\sin x dx}{\sin x+1}$.

9-§. Биринчи мустақил уй иши

Бу мустақил уй ишининг ҳар бир вариантида 14 та мисол бўлиб, уларнинг интегралларини топиш керак, шунингдек, 1—5-мисолларда натижани дифференциаллаш орқали текшириш керак.

Қуйида вариант мисолларини ечиш намунасини келтирамиз.

Аниқмас интегралларни топинг ва 1—5-мисолларнинг натижасини дифференциаллаш орқали текширинг.

1. $\int \frac{3-2x^4+\sqrt[3]{x^2}}{\sqrt[4]{x}}\, dx$.

Ечиш. Интеграл остидаги ифоданинг суратини махражига бўламиз ва интеграллар жадвалига кўра қуйидагига эга бўламиз:

$$\int \frac{3-2x^4+\sqrt[3]{x^2}}{\sqrt[4]{x}} dx = 3\int x^{-\frac{1}{4}} dx - 2\int x^{\frac{15}{4}} dx + \int x^{\frac{5}{12}} dx =$$

$$= 4x^{\frac{3}{4}} - \frac{8}{19} x^{\frac{19}{4}} + \frac{12}{17} x^{\frac{17}{12}} + C = 4\sqrt[4]{x^3} - \frac{8}{19}\sqrt[4]{x^{19}} + \frac{12}{17}\sqrt[12]{x^{17}} + C.$$

Натижани текширамиз:

$$\left(4\sqrt[4]{x^3} - \frac{8}{19}\sqrt[4]{x^{19}} + \frac{12}{17}\sqrt[12]{x^{17}} + C\right)' =$$

$$= 4\cdot\frac{3}{4} x^{-\frac{1}{4}} - \frac{8}{19}\cdot\frac{19}{4} x^{\frac{15}{4}} + \frac{12}{17}\cdot\frac{17}{12} x^{\frac{5}{12}} = 3x^{-\frac{1}{4}} - 2x^{\frac{15}{4}} + x^{\frac{5}{12}}.$$

2. $\int \frac{dx}{\sqrt[3]{(4-8x)^2}}$.

Ечиш.

$$\int \frac{dx}{\sqrt[3]{(4-8x)^2}} = \int (4-8x)^{-\frac{2}{3}}dx \left| \begin{aligned} &d(4-8x) = -8dx \\ &dx = -\tfrac{1}{8}d(4-8x) \end{aligned} \right| =$$

$$= -\frac{1}{8}\int (4-8x)^{-\frac{2}{3}}d(4-8x) = -\frac{1}{8}\cdot\frac{(4-8x)^{-\frac{2}{3}+1}}{-\frac{2}{3}+1} + C =$$

$$= -\frac{3}{8}(4-8x)^{-\frac{1}{3}} + C.$$

Натижани текширамиз:

$$\left(-\frac{3}{8}(4-8x)^{\frac{1}{3}} + C\right)' = -\frac{3}{8}\cdot\frac{1}{3}(4-8x)^{\frac{1}{3}-1}\cdot(-8) =$$

$$= (4-8x)^{-\frac{2}{3}} = \frac{1}{(4-8x)^{2/3}} = \frac{1}{\sqrt[3]{(4-8x)^2}}.$$

3. $\int \frac{dx}{5-6x}$.

Ечиш.

$$\int \frac{dx}{5-6x} \left| \begin{aligned} &d(5-6x) = -6dx \\ &dx = -\tfrac{1}{6}d(5-6x) \end{aligned} \right| = -\frac{1}{6}\int \frac{d(5-6x)}{5-6x} = -\frac{1}{6}\cdot\ln|5-6x| + C.$$

Натижани текширамиз:

$$\left(-\frac{1}{6}\cdot\ln|5-6x| + C\right)' = -\frac{1}{6}\cdot\frac{1}{5-6x}\cdot(-6) = \frac{1}{5-6x}.$$

4. $\int \cos(2-5x)\,dx$.

Ечиш.

$$\int \cos(2-5x)\,dx \left| \begin{aligned} &d(2-5x) = -5dx \\ &dx = -\tfrac{1}{5}d(2-5x) \end{aligned} \right| =$$

$$= -\frac{1}{5}\int \cos(2-5x)\cdot d(2-5x) = -\frac{1}{5}\sin(2-5x) + C.$$

Натижани текширамиз:

$$\left(-\frac{1}{5}\sin(2-5x)+C\right)' = -\frac{1}{5}\cos(2-5x)\cdot(-5) = \cos(2-5x)\cdot$$

5. $\int\frac{3dx}{\sqrt{4x^2-3}}$.

Ечиш.

$$\int\frac{3dx}{\sqrt{4x^2-3}} = \frac{3}{2}\int\frac{2dx}{\sqrt{(2x)^2-\left(\sqrt{3^2}\right)}} = \frac{3}{2}\int\frac{d(2x)}{\sqrt{(2x)^2-\left(\sqrt{3^2}\right)}} =$$

$$= \frac{3}{2}\ln\left|2x+\sqrt{4x^2-3}\right|+C.$$

Натижани текширамиз:

$$\left(\frac{3}{2}\ln\left|2x+\sqrt{4x^2-3}\right|+C\right)' = \frac{3}{2}\cdot\frac{2+\frac{8x}{2\sqrt{4x^2-3}}}{2x+\sqrt{4x^2-3}} =$$

$$= \frac{3}{2}\cdot\frac{2\left(\sqrt{4x^2-3}+2x\right)}{\left(2x+\sqrt{4x^2-3}\right)\cdot\sqrt{4x^2-3}} = \frac{3}{\sqrt{4x^2-3}}.$$

6. $\int\frac{7x}{3x^2+4}\,dx\cdot$

Ечиш. Интеграл остидаги функциянинг (касрнинг) шаклини шундай алмаштирамизки, натижада суратида махражининг ҳосиласи ҳосил бўлсин:

$$\int\frac{7x}{3x^2+4}\,dx = \frac{7}{6}\int\frac{6x}{3x^2+4}\,dx = \frac{7}{6}\int\frac{d(3x^2+4)}{3x^2+4} = \frac{7}{6}\ln\left|3x^2+4\right|+C\cdot$$

7. $\int\frac{dx}{\sqrt{6-5x^2}}$.

Ечиш.

$$\int\frac{dx}{\sqrt{6-5x^2}} = \int\frac{\sqrt{5}dx}{\sqrt{5}\cdot\sqrt{(\sqrt{6})^2-(\sqrt{5}\cdot x)^2}} = \frac{1}{\sqrt{5}}\int\frac{d(\sqrt{5}x)}{\sqrt{(\sqrt{6})^2-(\sqrt{5}x)^2}} =$$

$$= \frac{1}{\sqrt{5}}\arcsin\frac{\sqrt{5}x}{\sqrt{6}}+C.$$

8. $\int e^{5-4x}dx\cdot$

Ечиш.

$$\int e^{5-4x}dx\left|\begin{matrix} d(5-4x)=-4dx \\ dx=-\frac{1}{4}d(5-4x) \end{matrix}\right|=-\frac{1}{4}\int e^{5-4x}d(5-4x)=$$

$$=-\frac{1}{4}e^{5-4x}+C.$$

9. $\int\frac{\sqrt[7]{\ln^3(x+2)}}{x+2}\,dx$.

Ечиш.

$$\int\frac{\sqrt[7]{\ln^3(x+2)}}{x+2}\,dx=\int\ln^{\frac{3}{7}}(x+2)\;d(\ln(x+2))=$$

$$=\frac{7}{10}\ln^{\frac{10}{7}}(x+2)+C=\frac{7}{10}\sqrt[7]{\ln^{10}(x+2)}+C.$$

10. $\int\frac{\cos3xdx}{\sqrt[5]{\sin3x-4}}$.

Ечиш.

$$\int\frac{\cos3xdx}{\sqrt[5]{\sin3x-4}}=\frac{1}{3}\int(\sin3x-4)^{-\frac{1}{5}}\cos3xdx=$$

$$=\frac{1}{3}\int(\sin3x-4)^{-\frac{1}{5}}d(\sin3x-4)=\frac{1}{3}\cdot\frac{5}{4}(\sin3x-4)^{\frac{4}{5}}+C=$$

$$=\frac{5}{12}\sqrt[5]{(\sin3x-4)^4}+C.$$

11. $\int\frac{dx}{\sin^2 4x\cdot\sqrt[3]{\mathrm{ctg}^2 4x}}$.

Ечиш.

$$\int\frac{dx}{\sin^2 4x\cdot\sqrt[3]{\mathrm{ctg}^2 4x}}=\int-\left(\frac{1}{4}\right)\mathrm{ctg}^{-\frac{2}{3}}4x\cdot\left(-\frac{4}{\sin^2 4x}dx\right)=$$

$$=-\frac{1}{4}\int\mathrm{ctg}^{-\frac{2}{3}}4xd(\mathrm{ctg}4x)=-\frac{3}{4}\mathrm{ctg}^{\frac{1}{3}}4x+C=-\frac{3}{4}\sqrt[3]{\mathrm{ctg}4x}+C.$$

12. $\int \frac{\sqrt[3]{\mathrm{arctg}^5 2x}}{1+4x^2}\,dx$.

Ечиш.

$$\int \frac{\sqrt[3]{\mathrm{arctg}^5 2x}}{1+4x^2}\,dx = \frac{1}{2}\int \mathrm{arctg}^{\frac{5}{3}} 2x\left(\frac{2}{1+4x^2}\right)dx =$$

$$= \frac{1}{2}\int \mathrm{arctg}^{\frac{5}{3}} 2x\,d(\mathrm{arctg}2x) = \frac{1}{2}\cdot\frac{3}{8}\mathrm{arctg}^{\frac{8}{3}} 2x + C =$$

$$= \frac{3}{16}\sqrt[3]{\mathrm{arctg}^8 2x} + C.$$

13. $\int e^{3\cos x+2}\sin x\,dx$.

Ечиш.

$$\int e^{3\cos x+2}\sin x\,dx = -\frac{1}{3}\int e^{3\cos x+2}d(3\cos x+2) = -\frac{1}{3}e^{3\cos x+2} + C.$$

14. $\int \frac{3x+10}{6x^2-4}\,dx$.

Ечиш.

$$\int \frac{3x+10}{6x^2-4}\,dx = \int \frac{3x}{6x^2-4}\,dx + 10\int \frac{dx}{6x^2-4} = \frac{1}{4}\int \frac{12x}{6x^2-4}\,dx +$$

$$+\frac{10}{\sqrt{6}}\int \frac{d(\sqrt{6}\cdot x)}{(\sqrt{6}x)^2-2^2} = \frac{1}{4}\ln\left|6x^2-4\right| + \frac{5}{2\sqrt{6}}\ln\left|\frac{\sqrt{6}x-2}{\sqrt{6}x+2}\right| + C.$$

1-вариант

1. $\int \frac{\sqrt[6]{x^5}-5x^2+3}{x}\,dx$.
2. $\int \sqrt{5-4x}\,dx$.
3. $\int \frac{dx}{3x+4}$.
4. $\int \sin(3-4x)\,dx$.
5. $\int \frac{dx}{\sqrt{5x^2+3}}$.
6. $\int \frac{x}{2x^2-7}\,dx$.
7. $\int \frac{dx}{3x^2-7}$.
8. $\int e^{2x-10}dx$.
9. $\int \frac{\sqrt{\ln^5(x+1)}}{x+1}\,dx$.
10. $\int \frac{\cos x\,dx}{\sqrt{(\sin x-4)^3}}$.
11. $\int \frac{\sqrt[5]{\mathrm{ctg}3x}}{\sin^2 3x}\,dx$.
12. $\int \frac{\arccos^2 2x}{\sqrt{1-4x^2}}\,dx$.
13. $\int e^{5x^2-3}x\,dx$.
14. $\int \frac{x-1}{5-2x^2}\,dx$.

2-вариант

1\. $\int\left(x\sqrt{x}-\frac{1}{\sqrt{x^3}}+1\right)dx$. 2. $\int\sqrt[3]{(2-x)^2}\,dx$. 3. $\int\frac{dx}{6x+1}$.

4\. $\int\sin(9x+7)\,dx$. 5. $\int\frac{dx}{\sqrt{4-7x^2}}$. 6. $\int\frac{x}{3x^2+8}\,dx$.

7\. $\int\frac{dx}{3x^2+7}$. 8. $\int e^{4-7x}dx$. 9. $\int\frac{\ln(3x+5)}{3x+5}\,dx$.

10\. $\int\frac{\cos 6x}{\sin^4 6x}\,dx$. 11. $\int\frac{\mathrm{tg}^4 7x}{\cos^2 7x}\,dx$. 12. $\int\frac{\mathrm{arctg}^7 3x}{1+9x^2}\,dx$.

13\. $\int e^{1-4x^2}x\,dx$. 14. $\int\frac{2x+3}{1-3x^2}\,dx$.

3-вариант

1\. $\int\left(x^2-\frac{\sqrt[3]{x}}{x}-3\right)dx$. 2. $\int\sqrt[4]{(3+5x)^3}\,dx$. 3. $\int\frac{dx}{7x-3}$.

4\. $\int\cos(10x-3)\,dx$. 5. $\int\frac{\sqrt{5}dx}{\sqrt{3-4x^2}}$. 6. $\int\frac{2x}{3x^2-7}\,dx$.

7\. $\int\frac{dx}{6x^2-7}$. 8. $\int e^{8x+1}dx$. 9. $\int\frac{\ln^5(x+9)}{x+9}\,dx$.

10\. $\int\frac{\sin 2x}{\sqrt[3]{\cos x^4 2x}}\,dx$. 11. $\int\frac{\mathrm{ctg}^5 6x}{\sin^2 6x}\,dx$. 12. $\int\frac{\arccos 4x}{\sqrt{1-16x^2}}\,dx$.

13\. $\int e^{3x^2+4}x\,dx$. 14. $\int\frac{2x+3}{5x^2+2}\,dx$.

4-вариант

1\. $\int\frac{\sqrt[3]{x^2}-2x^5+3}{x}\,dx$. 2. $\int\sqrt{3+2x}\,dx$. 3. $\int\frac{dx}{2x+9}$.

4\. $\int\sin(9x-1)\,dx$. 5. $\int\frac{dx}{\sqrt{2x^2-9}}$. 6. $\int\frac{2x}{\sqrt{2x^2+5}}\,dx$.

7\. $\int\frac{dx}{7x^2+6}$. 8. $\int e^{2x+3}dx$. 9. $\int\frac{dx}{(x+4)\ln^5(x+4)}$.

10. $\int \frac{\sin 4x}{\sqrt[3]{\cos 4x}}\,dx$. 11. $\int \frac{\sqrt[6]{\operatorname{tg}^5 4x}}{\cos^2 4x}\,dx$. 12. $\int \frac{\arcsin^4 x}{\sqrt{1-x^2}}\,dx$.

13. $\int e^{\sin x+1}\cos x dx$. 14. $\int \frac{x-3}{4x^2+1}\,dx$.

5-вариант

1. $\int\left(\frac{\sqrt[3]{x}}{x}+2x^3-4\right)dx$. 2. $\int\sqrt{3-4x}dx$. 3. $\int\frac{dx}{2x+7}$.

4. $\int\cos(8x-4)\ dx$. 5. $\int\frac{dx}{2x^2+7}$. 6. $\int\frac{x}{\sqrt{7-3x^2}}\,dx$.

7. $\int\frac{dx}{\sqrt{7-3x^2}}$. 8. $\int e^{7+3x}dx$. 9. $\int\frac{\sqrt{\ln^5(x+6)}}{x+6}\,dx$.

10. $\int\sin^5 4x\cos 4x dx$. 11. $\int\frac{\operatorname{ctg}^4 3x}{\sin^2 3x}\,dx$. 12. $\int\frac{\arcsin^2 2x}{\sqrt{1-4x^2}}\,dx$.

13. $\int e^{4-x^2}x dx$. 14. $\int\frac{x-3}{1-4x^2}\,dx$.

6-вариант

1. $\int\frac{\sqrt{x^3}-3x^2+2}{x}\,dx$. 2. $\int\sqrt[3]{4-2x}dx$. 3. $\int\frac{dx}{5-2x}$.

4. $\int\sin(8x-5)dx$. 5. $\int\frac{dx}{\sqrt{3x^2+1}}$. 6. $\int\frac{x}{2x^2+9}\,dx$.

7. $\int\frac{dx}{6x^2+1}$. 8. $\int e^{5-x}dx$. 9. $\int\frac{\ln^3(x-8)}{x-8}\,dx$.

10. $\int\sin^4 8x\cos 8x dx$. 11. $\int\frac{dx}{\cos^2 x\sqrt{\operatorname{tg}^2 x}}$. 12. $\int\frac{dx}{\sqrt{1-25x^2}\arcsin 5x}$.

13. $\int e^{3x^3}x^2 dx$. 14. $\int\frac{3x-2}{x^2-8}\,dx$.

7-вариант

1. $\int\left(2x^3-3\sqrt{x^3}+\frac{4}{x}\right)dx$. 2. $\int\sqrt[4]{2-5x}dx$. 3. $\int\frac{dx}{7-3x}$.

4. $\int \cos(3x-7)\,dx$ · 5. $\int \frac{dx}{\sqrt{3x^2+2}}$. 6. $\int \frac{5x}{\sqrt{3-5x^2}}\,dx$.

7. $\int \frac{dx}{\sqrt{5x^2-1}}$. 8. $\int e^{4-5x}dx$ · 9. $\int \frac{dx}{(x+3)\ln^4(x+3)}$.

10. $\int \sqrt{\cos^3 2x}\sin 2x dx$. 11. $\int \frac{\operatorname{tg}^6 2x}{\cos^2 2x}\,dx$ · 12. $\int \frac{\operatorname{arctg}^8 3x}{1+9x^2}\,dx$.

13. $\int \frac{x^4dx}{e^{x^5}+1}$. 14. $\int \frac{x-5}{8-4x^2}\,dx$.

8-вариант

1. $\int \frac{2x^4-\sqrt{x^3}+5}{x^2}\,dx$. 2. $\int \sqrt[5]{(6-5x)^2}\,dx$. 3. $\int \frac{dx}{2+7x}$.

4. $\int \sin(7-4x)\,dx$. 5. $\int \frac{\sqrt{2}dx}{\sqrt{7-2x^2}}$. 6. $\int \frac{x}{\sqrt{3x^2+8}}\,dx$.

7. $\int \frac{dx}{3x^2-5}$. 8. $\int e^{3-8x}dx$. 9. $\int \frac{\sqrt[3]{\ln^4(x-5)}}{x-5}\,dx$.

10. $\int \frac{\cos 6x}{\sin^7 6x}\,dx$. 11. $\int \frac{\sqrt{\operatorname{ctg}^5 x}}{\sin^2 x}\,dx$. 12. $\int \frac{\arccos^2 7x}{\sqrt{1-49x^2}}\,dx$.

13. $\int \frac{x}{e^{x^2}-3}\,dx$. 14. $\int \frac{x+4}{7x^2+3}\,dx$.

9-вариант

1. $\int \frac{3x^2-\sqrt{x^5}+7}{x^3}\,dx$ · 2. $\int \sqrt{5-4x}dx$. 3. $\int \frac{dx}{1+6x}$.

4. $\int \cos(7x+3)dx$. 5. $\int \frac{\sqrt{14}dx}{2x^2-7}$. 6. $\int \frac{5x}{\sqrt{5x^2+3}}\,dx$.

7. $\int \frac{dx}{\sqrt{2-3x^2}}$. 8. $\int e^{2-4x}dx$. 9. $\int \frac{\sqrt{\ln^2(x+3)}}{x+3}\,dx$.

10. $\int \sin^6 3x\cos 3x dx$. 11. $\int \frac{\sqrt[5]{\operatorname{ctg}^2 x}}{\sin^2 x}\,dx$ · 12. $\int \frac{\sqrt[5]{\operatorname{arctg}^3 x}}{1+x^2}\,dx$ ·

13. $\int \frac{x}{e^{2x^2}+5}\,dx$. 14. $\int \frac{3x+2}{\sqrt{2x^2-1}}\,dx$.

10-вариант

1. $\int \frac{3x^4 - \sqrt[3]{x^2} + 1}{x^2}\, dx$. 2. $\int \sqrt[3]{5-2x}\,dx$. 3. $\int \frac{dx}{1-7x}$.

4. $\int \sin(7x+1)\, dx$. 5. $\int \frac{dx}{8x^2+9}$. 6. $\int \frac{x}{3x^2-6}\, dx$.

7. $\int \frac{dx}{\sqrt{8-3x^2}}$. 8. $\int e^{2-6x}dx$. 9. $\int \frac{\ln^5(x-7)}{x-7}dx$.

10. $\int \sqrt{\cos 7x}\sin 7x dx$. 11. $\int \frac{\operatorname{tg}^7 4x}{\cos^2 4x}\, dx$. 12. $\int \frac{\operatorname{arcctg}^3 8x}{1+64x^2}\, dx$.

13. $\int e^{4-5x^2} x dx$. 14. $\int \frac{x-5}{\sqrt{4-9x^2}}\, dx$.

11-вариант

1. $\int \left(\sqrt[3]{x^2} - \frac{2}{x^3} + 4\right) dx$. 2. $\int \frac{dx}{(2+x)^3}$. 3. $\int \frac{dx}{6+5x}$.

4. $\int \cos(5x-6)\, dx$. 5. $\int \frac{dx}{3x^2-2}$. 6. $\int \frac{x}{5x^2+1}\, dx$.

7. $\int \frac{dx}{\sqrt{3x^2+8}}$. 8. $\int e^{3x+1}dx$. 9. $\int \frac{\sqrt[3]{\ln(x+7)}}{x+7}\, dx$.

10. $\int \frac{\sin 5x dx}{\cos^4 5x}$. 11. $\int \frac{\sqrt{\operatorname{ctg}^3 x}}{\sin^2 x}\, dx$. 12. $\int \frac{\sqrt{\operatorname{arctg}^5 3x}}{1+9x^2}\, dx$.

13. $\int \frac{xdx}{e^{2x^2+1}}$. 14. $\int \frac{x-1}{7x^2+4}\, dx$.

12-вариант

1. $\int \frac{\sqrt{x} - 2x^3 + 6}{x}\, dx$. 2. $\int \frac{dx}{\sqrt[3]{3+x}}$. 3. $\int \frac{dx}{6-3x}$.

4. $\int \cos(3x-7)\, dx$. 5. $\int \frac{dx}{4x^2+3}$. 6. $\int \frac{5x}{5x^2-3}\, dx$.

7. $\int \frac{dx}{\sqrt{3x^2+2}}$. 8. $\int e^{3x-4}dx$. 9. $\int \frac{\ln^3(x-5)}{x-5}\, dx$.

10. $\int \frac{\cos 5x}{\sqrt{\sin^3 5x}}\, dx$. 11. $\int \frac{dx}{\cos^2 x\sqrt{\mathrm{tg}^{3x}}}$. 12. $\int \frac{\sqrt[3]{\arcsin x}}{\sqrt{1-x^2}}\, dx$.

13. $\int \frac{xdx}{e^{x^2+3}}$. 14. $\int \frac{1-2x}{5x^2-1}\, dx$.

13-вариант

1. $\int \frac{\sqrt[3]{x}-2x^2+4}{x^2}\, dx$. 2. $\int \frac{dx}{\sqrt{(3-x)^5}}$. 3. $\int \frac{dx}{5+4x}$.

4. $\int \cos(5x-8)dx$. 5. $\int \frac{dx}{\sqrt{4x^2+3}}$. 6. $\int \frac{x}{2x^2-7}\, dx$.

7. $\int \frac{dx}{2x^2+7}$. 8. $\int e^{2-5x} dx$. 9. $\int \frac{dx}{(x+5)\ln^3(x+5)}$.

10. $\int \sin^3 5x \cos 5x dx$. 11. $\int \frac{dx}{\sin^2 x \mathrm{ctg}^5 x}$. 12. $\int \frac{\arccos^2 3x}{\sqrt{1-9x^2}}\, dx$.

13. $\int \frac{x^2}{e^{x^3}+1}\, dx$. 14. $\int \frac{2x+1}{5x^2+1}\, dx$.

14-вариант

1. $\int \left(\sqrt{x} - \frac{3x^2}{\sqrt{x^3}} + 2\right) dx$. 2. $\int \sqrt[3]{1+3x}dx$. 3. $\int \frac{dx}{3-5x}$.

4. $\int \sin(3x+6)\, dx$. 5. $\int \frac{dx}{\sqrt{3-4x^2}}$. 6. $\int \frac{9x}{\sqrt{1-9x^2}}\, dx$.

7. $\int \frac{dx}{4x^2-3}$. 8. $\int e^{1-4x} dx$. 9. $\int \frac{dx}{(x+3)\ln^4(x+3)}$.

10. $\int \frac{\sin 4x dx}{\sqrt[3]{\cos^2 4x}}$. 11. $\int \frac{\mathrm{ctg}^5 2x}{\sin^2 2x}\, dx$. 12. $\int \frac{\mathrm{arcctg}^3 2x}{1+4x^2}\, dx$.

13. $\int e^{\sin x} \cos x dx$. 14. $\int \frac{x+3}{\sqrt{x^2+4}}\, dx$.

15-вариант

1. $\int \left(\sqrt[3]{x} - \frac{4}{x^5} + 2\right) dx$. 2. $\int \sqrt[4]{1+3x}dx$. 3. $\int \frac{dx}{5+3x}$.

4. $\int \sin(5-3x)\,dx$. 5. $\int \frac{dx}{\sqrt{9-8x^2}}$. 6. $\int \frac{3x}{9x^2+2}\,dx$.

7. $\int \frac{dx}{3x^2+1}$. 8. $\int e^{3-5x}dx$. 9. $\int \frac{\ln^4(3x+1)}{3x+1}\,dx$.

10. $\int \sqrt{\cos^3 2x}\,\sin 2x dx$. 11. $\int \frac{\mathrm{tg}^3 4x}{\cos^2 4x}\,dx$. 12. $\int \frac{\sqrt[3]{\arccos^2 x}}{\sqrt{1-x^2}}\,dx$.

13. $\int e^{2x^3-1}x^2dx$. 14. $\int \frac{3x-2}{2x^2+7}\,dx$.

16-вариант

1. $\int \frac{\sqrt[7]{x^6}-2x^2+3}{x}\,dx$. 2. $\int \sqrt[3]{3-2x}dx$. 3. $\int \frac{dx}{3-2x}$.

4. $\int \sin(5x-3)\,dx$. 5. $\int \frac{dx}{4x^2-3}$. 6. $\int \frac{5x}{\sqrt{7x^2-1}}\,dx$.

7. $\int \frac{dx}{\sqrt{8x^2-9}}$. 8. $\int e^{4-3x}dx$. 9. $\int \frac{dx}{(x+3)\sqrt{\ln(x+3)}}$.

10. $\int \sqrt[3]{\cos 2x}\cdot \sin 2x dx$. 11. $\int \frac{\sqrt[2]{\mathrm{tg} 5x}}{\cos^2 5x}\,dx$. 12. $\int \frac{\sqrt[5]{\arccos^2 3x}}{\sqrt{1-9x^2}}\,dx$.

13. $\int \frac{\sin x}{e^{\cos x}}\,dx$. 14. $\int \frac{5+x}{3x^2+1}\,dx$.

17-вариант

1. $\int \left(\frac{\sqrt[3]{x}}{x}-\frac{2}{x^3}+1\right)dx$. 2. $\int \frac{dx}{\sqrt[3]{2-5x}}$. 3. $\int \frac{dx}{5x-3}$.

4. $\int \cos(3x+5)\,dx$. 5. $\int \frac{dx}{8x^2-9}$. 6. $\int \frac{3x}{\sqrt{9x^2+5}}\,dx$.

7. $\int \frac{dx}{\sqrt{5-4x^2}}$. 8. $\int e^{5-2x}dx$. 9. $\int \frac{\sqrt{\ln^7(x+4)}}{x+4}\,dx$.

10. $\int \sin^3 4x \cos 4x dx$. 11. $\int \frac{\mathrm{tg}^3 2x}{\cos^2 2x}\,dx$. 12. $\int \frac{\mathrm{arcctg}^8 3x}{1+9x^2}\,dx$.

13. $\int \frac{x^2}{e^{x^3+1}}\,dx$. 14. $\int \frac{x-5}{8-4x^2}\,dx$.

18-вариант

1. $\int\left(\frac{2x^2}{\sqrt[3]{x^2}}-\frac{5}{x}+6\right)dx$. 2. $\int\frac{dx}{\sqrt[3]{(3-4x)^2}}$. 3. $\int\frac{dx}{4-7x}$.

4. $\int\cos(2+5x)\,dx$. 5. $\int\frac{dx}{4x^2+7}$. 6. $\int\frac{2x}{5x^2-3}\,dx$.

7. $\int\frac{dx}{\sqrt{1-3x^2}}$. 8. $\int e^{6x-1}dx$. 9. $\int\frac{dx}{(x+1)\cdot\sqrt[3]{\ln(x+1)}}$.

10. $\int\frac{\cos 4x}{\sin^3 4x}\,dx$. 11. $\int\frac{\sqrt{\mathrm{ctg}^5 4x}}{\sin^2 x}\,dx$. 12. $\int\frac{\arccos^2 7x}{\sqrt{1-49x^2}}\,dx$.

13. $\int\frac{x}{e^{x^2+3}}\,dx$. 14. $\int\frac{x+4}{7x^2+3}\,dx$.

19-вариант

1. $\int\left(\frac{\sqrt[3]{x^2}}{x}-\frac{7}{x^3}+5\right)dx$. 2. $\int\frac{dx}{\sqrt[3]{(1-4x)^2}}$. 3. $\int\frac{dx}{5-3x}$.

4. $\int\cos(3-4x)\,dx$. 5. $\int\frac{2dx}{4+3x^2}$. 6. $\int\frac{x}{3x^2-2}\,dx$.

7. $\int\frac{dx}{\sqrt{4x^2+5}}$. 8. $\int e^{4x+5}dx$. 9. $\int\frac{\sqrt{\ln^3(x+1)}}{x+1}\,dx$.

10. $\int\frac{\sin 5x}{\sqrt{\cos 5x}}\,dx$. 11. $\int\frac{\sqrt[5]{\mathrm{ctg}^2 x}}{\sin^2 x}\,dx$. 12. $\int\frac{\sqrt[3]{\mathrm{arcctg}^2 x}}{1+x^2}\,dx$.

13. $\int\frac{x}{e^{2x^2+1}}\,dx$. 14. $\int\frac{3x+2}{\sqrt{2x^2-1}}\,dx$.

20-вариант

1. $\int\left(\frac{5x^2}{\sqrt{x}}-\sqrt[3]{x^2}+2\right)dx$. 2. $\int\frac{dx}{\sqrt[3]{5+3x}}$. 3. $\int\frac{dx}{4x-2}$.

4. $\int\cos(4x+3)\,dx$. 5. $\int\frac{2dx}{3x^2-2}$. 6. $\int\frac{7x}{7x^2+1}\,dx$.

7. $\int \frac{dx}{3x^2-2}$. 8. $\int e^{4x+3}dx$. 9. $\int \frac{\sqrt[7]{\ln^2(x+1)}}{x+1}dx$.

10. $\int \frac{\sin 3x}{\cos^2 3x}dx$. 11. $\int \frac{\mathrm{tg}^7 3x}{\cos^2 3x}dx$. 12. $\int \frac{\mathrm{arcctg}^4 8x}{1+64x^2}dx$.

13. $\int e^{4-5x^2}xdx$. 14. $\int \frac{x-5}{\sqrt{4-9x^2}}dx$.

21-вариант

1. $\int \frac{2x^2+3\sqrt{x}-1}{2x}dx$. 2. $\int \sqrt[4]{1+x}dx$. 3. $\int \frac{dx}{2+3x}$.

4. $\int \cos(3-4x)\,dx$. 5. $\int \frac{dx}{4x^2+3}$. 6. $\int \frac{x}{\sqrt{5-4x^2}}dx$.

7. $\int \frac{dx}{4x^2-5}$. 8. $\int e^{2+4x}dx$. 9. $\int \frac{\sqrt[3]{\ln^2(1-x)}}{x-1}dx$.

10. $\int \frac{\cos 3x}{\sin^3 3x}dx$. 11. $\int \frac{dx}{\cos^2 x\sqrt{\mathrm{tg}^3 x}}$. 12. $\int \frac{\sqrt[3]{\arcsin x}}{\sqrt{1-x^2}}dx$.

13. $\int \frac{x}{e^{3x^2-3}}dx$. 14. $\int \frac{1-2x}{5x^2-1}dx$.

22-вариант

1. $\int \frac{\sqrt[3]{x}+4x^2-5}{2x^2}dx$. 2. $\int \sqrt[3]{(1+x)^2}dx$. 3. $\int \frac{dx}{4-5x}$.

4. $\int \sin(6-7x)\,dx$. 5. $\int \frac{dx}{9x^2+3}$. 6. $\int \frac{3x}{4x^2+1}dx$.

7. $\int \frac{dx}{\sqrt{7x^2-3}}$. 8. $\int e^{3-5x}dx$. 9. $\int \frac{dx}{(1-x)\cdot\sqrt[3]{\mathrm{in}^2(1-x)}}$.

10. $\int \frac{\sin 3x}{\cos^4 3x}dx$. 11. $\int \frac{dx}{\sin^2 x\mathrm{ctg}^4 x}$. 12. $\int \frac{\arccos^2 3x}{\sqrt{1-9x^2}}dx$.

13. $\int e^{\sin x}\cos xdx$. 14. $\int \frac{3x+1}{5x^2+1}dx$.

23-вариант

1. $\int \frac{2\sqrt{x}-x^2+3}{\sqrt[3]{x}}\,dx$.
2. $\int \frac{dx}{\sqrt{1+2x}}$.
3. $\int \frac{dx}{1-5x}$.
4. $\int \cos(3-4x)\,dx$.
5. $\int \frac{9dx}{\sqrt{9x^2-3}}$.
6. $\int \frac{4x}{\sqrt{3-4x^2}}\,dx$.
7. $\int \frac{dx}{5x^2+2}$.
8. $\int e^{2x+1}dx$.
9. $\int \frac{dx}{(1-x)\sqrt{\ln^3(1-x)}}$.
10. $\int \frac{\sin 2x}{\sqrt[3]{\cos 2x}}\,dx$.
11. $\int \frac{\mathrm{ctg}^5 2x}{\sin^2 2x}\,dx$.
12. $\int \frac{\mathrm{arctg}^3 2x}{1+4x^2}\,dx$.
13. $\int e^{\cos x}\sin x dx$.
14. $\int \frac{x+3}{\sqrt{x^2+4}}\,dx$.

24-вариант

1. $\int \frac{\sqrt[6]{x}-2x^2+5}{x^2}\,dx$.
2. $\int \frac{dx}{\sqrt{(1-2x)^3}}$.
3. $\int \frac{dx}{3+5x}$.
4. $\int \cos(3+5x)\,dx$.
5. $\int \frac{dx}{\sqrt{3-9x^2}}$.
6. $\int \frac{2x}{\sqrt{8x^2-9}}\,dx$.
7. $\int \frac{dx}{2x^2+5}$.
8. $\int e^{7x-2}dx$.
9. $\int \frac{\ln^3(1-x)}{1-x}\,dx$.
10. $\int \frac{\sin x}{\cos^5 x}\,dx$.
11. $\int \frac{\mathrm{tg}^3 4x}{\cos^2 4x}\,dx$.
12. $\int \frac{\sqrt[3]{\arccos^2 x}}{\sqrt{1+x^2}}\,dx$.
13. $\int e^{2x^3-1}x^2dx$.
14. $\int \frac{3x-2}{2x^2+9}\,dx$.

25-вариант

1. $\int \frac{4x^3-\sqrt{x}+4}{\sqrt{x}}\,dx$.
2. $\int \frac{dx}{\sqrt[5]{2+x}}$.
3. $\int \frac{dx}{2-3x}$.
4. $\int \sin(4-7x)\,dx$.
5. $\int \frac{dx}{7x^2-4}$.
6. $\int \frac{4x}{\sqrt{4x^2+3}}\,dx$.

7. $\int \frac{dx}{\sqrt{7x^2+1}}$. 8. $\int e^{3x-5}dx$. 9. $\int \frac{\sqrt{\ln(2x-1)}}{2x-1}dx$.

10. $\int \sin^7 2x \cos 2x dx$. 11. $\int \frac{\sqrt[3]{\mathrm{tg}^5 5x}}{\cos^2 5x}dx$. 12. $\int \frac{dx}{(1+x^2)\mathrm{arctg}^3 x}$.

13. $\int \frac{\sin x}{e^{\cos x}}dx$. 14. $\int \frac{5-x}{3x^2+1}dx$.

10-§.Иккинчи мустақил уй иши

Бу мустақил уй ишининг ҳар бир вариантида 10 та мисол бўлиб, уларда берилган интегралларни ҳисоблаш керак.

Қуйида вариант мисолларини ечиш намунасини келтирамиз.

Аниқмас интегралларни топинг:

1. $\int \frac{3-7x}{4x^2+5}dx$.

Ечиш.

$$\int \frac{3-7x}{4x^2+5}dx = 3\int \frac{dx}{(2x)^2+(\sqrt{5})^2} - 7\int \frac{xdx}{4x^2+5} = \frac{3}{2}\int \frac{d(2x)}{(2x)^2+(\sqrt{5})^2} - \frac{7}{8}$$

$$\int \frac{d(4x^2+5)}{4x^2+5} = \frac{3}{2}\cdot\frac{1}{\sqrt{5}}\mathrm{arctg}\frac{2x}{\sqrt{5}} - \frac{7}{8}\ln(4x^2+5)+C.$$

2. $\int \frac{dx}{e^{3x}(2-e^{-3x})}$.

Ечиш.

$$\int \frac{dx}{e^{3x}(2-e^{-3x})}\left|\begin{matrix} t = 2-e^{-3x} & \\ dt = 3e^{-3x}dx & \frac{dt}{3} = \frac{dx}{e^{3x}} \end{matrix}\right| =$$

$$= \frac{1}{3}\int \frac{dt}{t} = \frac{1}{3}\ln|t| + C = \frac{1}{3}\ln\left|2-e^{-3x}\right| + C.$$

3. $\int \frac{3x^5-4x}{x^2+1}dx$.

Ечиш. Интеграл остидаги функция нотўғри каср бўлгани учун, унинг суратини махражига бўлиб, касрнинг бутун қисми ва каср қисмини топамиз. Натижада алгебраик йиғиндининг интегралига эга бўламиз:

$$\begin{array}{r|l}
3x^5 - 4x & x^2 + 1 \\
\hline
3x^5 + 3x^3 & 3x^3 - 3x \\
\cline{1-1}
-3x^3 - 4x & \\
-3x^3 - 3x & \\
\cline{1-1}
-x. &
\end{array}$$

$$\int \frac{3x^5-4x}{x^2+1}\,dx = \int\left(3x^3 - 3x - \frac{x}{x^2+1}\right)dx =$$

$$= \frac{3}{4}x^4 - \frac{3}{2}x^2 - \frac{1}{2}\ln(x^2+1) + C.$$

4. $\int \cos^3(7x+2)\,dx$.

Ечиш.

$\cos^2(7x+2) = 1 - \sin^2(7x+2)$ тригонометрик айниятдан фойдаланамиз:

$$\int \cos^3(7x+2)\,dx = \int \cos^2(7x+2)\cos(7x+2)\,dx =$$

$$= \frac{1}{7}\int (1 - \sin^2(7x+2))\,d(\sin(7x+2)) =$$

$$= \frac{1}{7}\int d(\sin(7x+2) - \frac{1}{7}\int \sin^2(7x+2)\,d(\sin(7x+2)) =$$

$$= \frac{1}{7}\sin(7x+2) - \frac{1}{21}\sin^3(7x+2) + C.$$

5. $\int \operatorname{ctg}^4 5x dx$.

Ечиш.

$\operatorname{ctg}^2 5x = \frac{1}{\sin^2 5x} - 1$ бўлгани учун берилган интегрални қуйидаги кўринишда ёзиб оламиз.

$$\int \operatorname{ctg}^4 5x dx = \int \operatorname{ctg}^2 5x\left(\frac{1}{\sin^2 5x} - 1\right)dx =$$

$$= \int \operatorname{ctg}^2 5x \cdot \frac{1}{\sin^2 5x}\,dx - \int \operatorname{ctg}^2 5x dx =$$

$$= -\frac{1}{5}\int \mathrm{ctg}^2 5x\left(-\frac{5}{\sin^2 5x}\right)dx - \int\left(\frac{1}{\sin^2 5x} - 1\right)dx =$$

$$= -\frac{1}{5}\int \mathrm{ctg}^2 5x d(\mathrm{ctg}5x) - \frac{1}{5}\int\frac{5dx}{\sin^2 5x} + \int dx =$$

$$= -\frac{1}{5}\cdot\frac{1}{3}\mathrm{ctg}^3 5x + \frac{1}{5}\mathrm{ctg}5x + x + C =$$

$$= -\frac{1}{15}\mathrm{ctg}^3 5x + \frac{1}{5}\mathrm{ctg}5x + x + C.$$

6. $\int \sin\frac{7}{2}x\sin\frac{3}{2}xdx$.

Ечиш.

$$\int \sin\frac{7}{2}x\sin\frac{3}{2}xdx = \frac{1}{2}\int(\cos 2x - \cos 5x)dx =$$

$$= \frac{1}{2}\int\cos 2xdx - \frac{1}{2}\int\cos 5xdx =$$

$$= \frac{1}{4}\int\cos 2xd(2x) - \frac{1}{10}\int\cos 5xd(5x) = \frac{1}{4}\sin 2x - \frac{1}{10}\sin 5x + C.$$

7. $\int\frac{dx}{6x^2-3x+2}$.

Ечиш. Интеграл остидаги функциянинг махражидан тўлиқ квадрат ажратамиз ва интеграллаймиз:

$$\int\frac{dx}{6x^2-3x+2} = \frac{1}{6}\int\frac{dx}{x^2-\frac{1}{2}x+\frac{1}{3}} = \frac{1}{6}\int\frac{dx}{\left(x-\frac{1}{4}\right)^2+\frac{1}{3}-\frac{1}{16}} =$$

$$= \frac{1}{16}\int\frac{dx}{\left(x-\frac{1}{4}\right)^2+\left(\frac{\sqrt{13}}{4\sqrt{3}}\right)^2} = \frac{4\sqrt{13}}{6\sqrt{3}}\mathrm{arctg}\frac{x-\frac{1}{4}}{\frac{\sqrt{13}}{4\sqrt{3}}} + C =$$

$$= \frac{2\sqrt{3}}{3\sqrt{13}}\mathrm{arctg}\frac{(4x-1)\sqrt{3}}{\sqrt{13}} + C.$$

8. $\int \frac{3x-6}{2-5x-x^2}\,dx$.

Ечиш. Интеграл остидаги функциянинг суратидан махражининг ҳосиласини ажратиб оламиз:

$$\int \frac{3x-6}{2-5x-x^2}\,dx = -\frac{3}{2}\int \frac{-2x+4-5+5}{2-5x-x^2}\,dx =$$

$$= -\frac{3}{2}\int \frac{-2x-5}{2-5x-x^2}\,dx - \frac{3}{2}\cdot 9\int \frac{dx}{2-5x-x^2} =$$

$$= -\frac{3}{2}\int \frac{d(2-5x-x^2)}{2-5x-x^2} + \frac{27}{2}\int \frac{dx}{\left(x-\frac{5}{2}\right)^2-\left(\frac{\sqrt{33}}{2}\right)^2} =$$

$$u'v + uv' + uv\mathrm{tg}x = \frac{1}{\cos x}, \quad (v' + v\mathrm{tg}x)u + u'v = \frac{1}{\cos x}.$$

$v' + v\mathrm{tg}x = 0$ тенгламанинг хусусий ечимини топамиз:

$$dv + v\mathrm{tg}x dx = 0, \quad \frac{dv}{v} + \mathrm{tg}x dx = 0,$$

$$\int \frac{dv}{v} + \int \mathrm{tg}x dx = 0, \quad \ln|v| - \ln|\cos x| = \ln C_1 .$$

$C_1 = 1$ деб тенгламанинг $v = \cos x$ хусусий ечимни оламиз. Сўнгра $u'v = \frac{1}{\cos x}$ (бунда $v = \cos x$) тенгламанинг умумий ечимини излаймиз:

$$u' = \frac{1}{\cos^2 x}, \quad u = \int \frac{dx}{\cos^2 x} + C = \operatorname{tg} x + C.$$

Берилган тенгламанинг умумий ечими:

$$y = uv = (\operatorname{tg} x + C)\cos x.$$

Ундан $y(\pi) = 1$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимни ажратиб оламиз: $1 = (0 + C) \cdot (-1)$, бундан $C = -1$. Бу қийматни умумий ечимга қўйиб, берилган тенгламанинг хусусий ечимини топамиз:

$$y = (\operatorname{tg} x - 1)\cos x = \sin x - \cos x.$$

Ушбу

$$y' + P(x)y = Q(x)y^n \tag{7.19}$$

дифференциал тенглама (бунда $n = \text{const} \in R$, $n \neq 0$, $n \neq 1$), шунингдек, бирор алгебраик алмаштиришлар ёрдамида (7.19) кўринишга келтириладиган исталган тенглама *Бернулли тенгламаси* дейилади.

$z(x)$ янги функцияни $z = y^{n-1}$ формула ёрдамида алмаштирилса, у ҳолда Бернулли тенгламаси шу функцияга нисбатан чизиқли тенгламага келтирилади:

$$z' + (1 - n)P(x)z = (1 - n)Q(x). \tag{7.20}$$

Юқоридаги усуллардан фойдаланиб, (7.20) тенгламанинг $z = z(x, c)$ ечимини топамиз. Сўнгра $y = z^{\frac{1}{1-n}}$ топилади.

Бернулли тенгламасининг ечимини $y = u(x) \cdot v(x)$ Бернулли алмаштириши ёрдамида ҳам топиш мумкин. Буни мисолда кўрсатамиз.

4-мисол. Ушбу $y' + 2e^x y = 2e^x\sqrt{y}$ Бернулли тенгламасининг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Берилган тенгламада $n = \frac{1}{2}$ бўлгани учун $z = y^{1-n} = \sqrt{y}$ алмаштиришни бажарамиз. (7.20) тенгламага кўра $z' + e^x z = e^x$ тенгламани ҳосил қиламиз, унинг умумий ечими (7.15) формулага асосан қуйидаги кўринишда бўлади:

$$z = e^{-\int e^{x}dx}\left(\int e^{x}\cdot e^{\int e^{x}dx}dx + C\right) = e^{-e^{x}}\left(\int e^{x}e^{e^{x}}\,dx + C\right) =$$

$$= e^{-e^{x}}\left(\int e^{e^{x}}\,dxe^{x} + C\right) = e^{-e^{x}}\left(e^{e^{x}} + C\right) = 1 + Ce^{-e^{x}}.$$

Берилган тенгламанинг умумий ечими:

$$y = z^{2} = \left(1 + Ce^{-e^{x}}\right)^{2}.$$

5-мисол. Ушбу $xy' + y = xy^2\ln x$ дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Тенгламанинг иккала қисмини $x \neq 0$ га бўламиз. Натижада $n = 2$ бўлган Бернулли тенгламасига эга бўламиз. Уни Бернулли алмаштириши ($y = uv$, $y' = u'v + uv'$) усули билан ечамиз:

$$x(u'v + uv') + uv = x(uv)^2\ln x.$$

$xv' + v = 0$ тенгламанинг хусусий ечими $v = x^{-1}$ осонгина топилади. Энди $xvu' = xu^2v^2\ln x$ тенгламанинг умумий ечимини топиш керак.

$v = x^{-1}$ қийматни ўрнига қўйиб, $u' = u^2 \cdot \frac{\ln x}{x}$ тенгламани ҳосил қиламиз.

Охирги тенгламадаги ўзгарувчиларни ажратамиз ва уни интеграллаймиз:

$$\frac{du}{u^2} = \ln x\,\frac{dx}{x}, \qquad \int\frac{du}{u^2} = \int\ln x\,\frac{dx}{x},$$

$$-\frac{1}{u} = \frac{\ln^2 x}{2} + \frac{C}{2}, \qquad u = -\frac{2}{C + \ln^2 x}.$$

Демак, берилган тенгламанинг умумий ечими:

$$y = uv = -\frac{2}{x(C + \ln^2 x)}.$$

Машқлар

342. Қуйидаги дифференциал тенгламаларнинг турини аниқланг ва уларни ечиш йўлларини кўрсатинг:

а) $xy' + 2\sqrt{xy} = y$; б) $y'\cos x = \frac{y}{\ln y}$;

в) $y' = \frac{y}{2x\ln y + y - x}$; г) $(1 + e^{2x})y^2dy - e^x dx = 0$;

д) $y' = e^{2x} - e^x y$; е) $xy' + y - y^2 = 0$;

ж) $2x\cos^2 ydx + (2y - x^2\sin 2y)dy = 0$;

з) $y^2 + x^2y' = xyy'$.

343. Ушбу дифференциал тенгламаларнинг умумий ечимини топинг:

а) $y' + \frac{y}{x} = 1 + 2\ln x$;

б) $y' + 4xy = 2x^{-x^2}y$;

в) $(2y - x^2\sin 2y)y' + 2x\cos^2 y = 0$;

г) $(x^2 - xy)y' + y^2 = 0$;

д) $y' - \frac{y}{x-3} = \frac{y}{x-3}$;

е) $xdy = (e^{-x} - y)dx$.

344. Ушбу дифференциал тенгламаларнинг берилган бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг.

а) $2xydx + (y - x^2)dy = 0,\ y(-2) = 4$;

б) $y' = 2y - x + e^x,\ y(0) = -1$;

в) $y' + 3y = e^{2x}y^2,\ y(0) = 1$,

г) $y' + y\mathrm{tg}x = \frac{1}{\cos x},\ y(\pi) = 5$;

д) $y^2dx = \left(x + ye^{-\frac{1}{y}}\right)dy,\ y(0) = -3$;

е) $y' - 7y = e^{3x}y^2,\ y(0) = 2$.

4-§. Тўлиқ дифференциалли тенглама

Агар D соҳада $P(x,y)$, $Q(x,y)$ функциялар аниқланган ва

$$\frac{dP(x,y)}{dy}=\frac{dQ(x,y)}{dx} \qquad (7.21)$$

тенгсизлик бажарилса,

$$P(x,y)dx + Q(x,y)dy = 0 \qquad (7.22)$$

тенглама ечими мавжуд бўлади. (7.22) кўринишдаги тенглама *тўлиқ дифференциалли* тенглама дейилади.

(7.22) тенгламанинг умумий интеграли қуйидаги формулаларнинг бири билан аниқланади:

$$\int_{x_0}^{x} P(x,y_0)\,dx+\int_{y_0}^{y} Q(x,y)\,dy=C, \qquad (7.23)$$

$$\int_{x_0}^{x} P(x,y)\,dx+\int_{y_0}^{y} Q(x_0,y)\,dy=C, \qquad (7.24)$$

бунда $M_0(x_0,y_0)\in D$.

Мисол. $(x^2+y-4)dx+(x+y+e^y)dy=0$ тенгламанинг умумий интегралини топинг.

Ечиш. $P=x^2+y-4$, $Q=x+y+e^y$ деб белгилаб оламиз

$$\frac{dP}{dy}=1,\ \frac{dQ}{dx}=1$$

бўлгани учун (7.21) шарт бажарилади ва берилган тенглама тўлиқ дифференциалли тенглама бўлади. Унинг умумий интегралини (7.23) ёки (7.24) формуладаги $x_0=0$, $y_0=0$ деб топиш мумкин.

Танлаб олинган x_0, y_0 нинг бу қийматларида $P(x,y)$, $Q(x,y)$ функциялар ва унинг хусусий ҳосилалари аниқланган, яъни $M_0(0,0)\in D$. (7.23) формулага асосан қуйидагига эга бўламиз:

$$\int_{0}^{x}(x^2+0-4)\,dx+\int_{0}^{y}(x+y+e^y)\,dy=C,$$

$$\frac{x^3}{3}-4x+xy+\frac{y^2}{2}+e^y-1=C.$$

(7.24) формулага асосан:

$$\int_0^x (x^2 + y - 4)\, dx + \int_0^y (0 + y + e^y)\, dy = C,$$

$$\frac{x^3}{3} + xy - 4x + \frac{y^2}{2} + e^y - 1 = C,$$

яъни аниқланган умумий интеграл билан бир хил натижага эга бўлдик.

Машқлар

345. Қуйидаги дифференциал тенгламаларнинг умумий интегралини топинг:

а) $(e^y + y + \sin y)dx + (e^y + x + x\cos y)dy = 0$;

б) $\left(2x + e^{\frac{x}{y}}\right)dx + \left(1 - \frac{1}{y}\right)e^{\frac{x}{y}}dy = 0$;

в) $y' = \frac{y-3x^2}{4y-x}$;

г) $(3x^2y + \sin x)dx + (x^3 - \cos y)dy = 0$.

346. Қуйидаги дифференциал тенгламаларнинг хусусий ечимларини топинг:

а) $e^{-y}dx + (2y - xe^{-y})dy = 0,\ y(-3) = 0$;

б) $xdx + ydy = \frac{xdy-ydx}{x^2+y^2},\ y(1) = 1$;

в) $x + ye^x + (y + e^x)y' = 0,\ y(0) = 4$;

г) $(2x + y + 3x^2\sin y)dx + (x + x^3\cos y + 2y)dy = 0,\ y(0) = 2$.

347. $A(1;0)$ нуқтадан ўтувчи шундай эгри чизиқнинг тенгламасини тузингки, унинг исталган уринмасининг ординаталар ўқидан ажратган кесмаси уриниш нуқтасининг абсциссасига тенг бўлсин.

348. $A(2;1)$ нуқтадан ўтувчи шундай эгри чизиқнинг тенгламасини тузингки, унинг ҳар қандай нуқтасига ўтказилган уринманинг бурчак коэффициенти уриниш нуқтасининг радиус-вектори бурчак коэффициентининг квадратига тенг бўлсин.

349. Радийнинг емирилиш тезлиги унинг мавжуд миқдорига пропорционалдир. Агар 1600 йилдан сўнг бошланғич миқдорнинг ярмиси қолиши маълум бўлса, неча йилдан сўнг 1 кг радийдан 650 г қолишини ҳисобланг.

350. Тандирдан олинган нон 20 мин. ичида 100° дан 60° гача совиди. Атрофдаги ҳавонинг температураси 25° га тенг. Ноннинг совиш тезлигини нон температураси ва унинг атрофидаги ҳавонинг температураси айирмасига пропорционал деб ҳисоблаб, нон қанча вақт ичида 30° гача совишини аниқланг.

5-§.Тартибини пасайтириш мумкин бўлган юқори тартибли дифференциал тенгламалар

Тартибини пасайтириш мумкин бўлган юқори тартибли дифференциал тенгламаларнинг баъзи турларини кўриб чиқамиз.

I. $$y^{(n)} = f(x) \tag{7.25}$$

кўринишдаги тенгламанинг умумий ечими n марта интеграллаш усули билан топилади. Унинг иккала қисмини dx га кўпайтириб интегралласак, $(n—1)$-тартибли тенгламага эга бўламиз:

$$y^{(n-1)} = \int y^{(n)}dx = \int f(x)\,dx = \varphi_1(x) + \bar{C}_1.$$

Бу ишни такрорласак (n-2)-тартибли тенгламага эга бўламиз:

$$y^{(n-2)} = \int y^{(n-1)}dx = \int (\varphi_1(x) + \bar{C}_1)\,dx =$$

$$= \int \varphi_1(x)\,dx + \int \bar{C}_1 dx = \varphi_2(x) + \bar{C}_1 x + \bar{C}_2.$$

n марта интеграллаб (7.25) тенгламанинг умумий ечимини ҳосил қиламиз:

$$y = \varphi_n(x) + C_1x^{n-1} + C_2x^{n-2} + \ldots + C_{n-1}x + C_n, \tag{7.26}$$

бунда $C_i(i = \overline{1,n})$ — ихтиёрий ўзгармас сонлар бўлиб, улар $\bar{C}_1, \bar{C}_2, \ldots, \bar{C}_n$ ихтиёрий ўзгармас сонлар билан аниқланади.

1-мисол. Ушбу $y^{IV} = \frac{8}{(x-3)^5}$ дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Берилган тенгламанинг иккала қисмини dx га кўпайтириб, учинчи тартибли тенгламага эга бўламиз:

$$y''' = \int y^{IV}dx = \int \frac{8dx}{(x-3)^5} = -\frac{2}{(x-3)^4} + \bar{C}_1.$$

Бу тенгликни яна уч марта интегралласак, берилган тенгламанинг умумий ечимига эга бўламиз:

$$y'' = \int y'''dx = \int\left(-\frac{2}{(x-3)^4} + C_1\right)dx = \frac{2}{3(x-3)^3} + \bar{C}_1x + \bar{C}_2$$

$$y' = \int y''dx = \int\left(\frac{2}{3(x-3)^2} + \bar{C}_1x + \bar{C}_2\right)dx =$$

$$= -\frac{1}{3(x-3)^2} + \frac{1}{2}\bar{C}_1x^2 + \bar{C}_2x + \bar{C}_3,$$

$$y = \int y'dx = \int\left(-\frac{1}{3(x-3)^2} + \frac{1}{2}\bar{C}_1x^2 + \bar{C}_2x + \bar{C}_3\right)dx =$$

$$= \frac{1}{3(x-3)} + \frac{1}{6}\bar{C}_1x^3 + \frac{1}{2}\bar{C}_2x^2 + \bar{C}_3x + \bar{C}_4 =$$

$$= \frac{1}{3(x-3)} + C_1x^3 + C_2x^2 + C_3x + C_4,$$

бунда $C_1 = \frac{1}{6}\bar{C}$, $C_2 = \frac{1}{2}\bar{C}_2$, $C_3 = \bar{C}_3$, $C_4 = \bar{C}$.

II. n-тартибли дифференциал тенгламада изланаётган y функция ва унинг $k(1 \le k \le n)$ тартибгача ҳосиласи иштирок этмасин, яъни

$$F(x, y^{(k)}, y^{(k+1)}, \ldots, y^{(n)}) = 0\,. \tag{7.27}$$

$z(x)$ номаълум функцияни $z = y^{(k)}$ формула бўйича киритамиз ва $y^{(k+1)} = z'$, $y^{(k+1)} = z''$,...,$y^{(n)} = z^{(n-k)}$ ларни эътиборга олиб, $z(x)$ функцияга нисбатан $(n$-$k)$-тартибли

$$F(x, z, z', z'', \ldots, z^{(n-k)}) = 0 \tag{7.28}$$

дифференциал тенгламага эга бўламиз, яъни (7.27) тенгламанинг тартиби k га пасайтирилади. Агар (7.28) тенгламанинг умумий ечимини $z = \varphi(x, C_1, C_2, \ldots, C_{n-k})$ кўринишда аниқлаш мумкин бўлса, қуйидаги дифференциал тенгламага эга бўламиз:

$$z=y^{(k)}=\varphi(x,\ C_1,\ C_2,...,C_{n-k}).$$

Бу (7.25) кўринишдаги тенгламадан иборат бўлиб, унинг ечими k марта интеграллаш ёрдамида топилади. Хусусий ҳолда, агар $n = 2$, $k = 1$ бўлса, (7.28) тенглама биринчи тартибли тенглама бўлади.

2-мисол. Ушбу $xy'' = y'\ln\frac{y'}{x}$ дифференциал тенгламанинг $y(1) = e$, $y'(1) = e^2$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи ечимини топинг.

Ечиш. Берилган тенгламада y қатнашмагани ва $n = 2$, $k = 1$ бўлгани учун у II тур кўринишдаги тенгламадир. $z = y'$ деб бу тенгламанинг тартибини биттага пасайтирамиз. У ҳолда $z' = y''$ ва берилган тенглама изланаётган z функцияга нисбатан биринчи тартибли бир жинсли дифференциал тенглама кўринишига келади:

$$xz' = z\ln\left(\frac{z}{x}\right).$$

Уни ечиш учун $z = x\cdot u(x)$, $z' = u + xu'$ алмаштиришни бажарсак, тенглама кўриниши қуйидагича бўлади:

$$u + xu' = u\ln u.$$

Бу тенгламада ўзгарувчиларни ажратамиз ва интеграллаймиз:

$$\frac{du}{u(\ln u-1)} = \frac{dx}{x},\quad \ln|\ln u - 1| = \ln x + \ln C_1,$$

$$\ln u - 1 = C_1x,\quad u = e^{1+C_1x},\quad z = xe^{1+C_1x}.$$

$z = y'$ бўлгани учун, охирги тенглама биринчи тартибли дифференциал тенглама бўлади ва y бир марта интеграллаш ёрдамида ечилади:

$$z = y' = xe^{1+C_1x},\quad y = \int xe^{1+C_1x}dx = \frac{1}{C_1}\int xd(e^{1+C_1x}) =$$

$$= \frac{1}{C_1}\left(xe^{1+C_1x} - \int e^{1+C_1x}dx\right) = \frac{C_1x-1}{C_1^2}e^{1+C_1x} + C_2.$$

Берилган тенгламанинг умумий ечимини топдик. $y(1) = e$, $y'(y) = e^2$ бошланғич шартлардан фойдаланиб C_1 ва C_2 ихтиёрий ўзгармасларнинг қийматини аниқлаймиз:

$$\begin{cases} e = \dfrac{C_1 - 1}{C_1^2} e^{1+C_1} + C_2, \\ e^2 = e^{1+C_1}. \end{cases}$$

Бундан $C_1 = 1$, $C_2 = e$.

Демак, берилган тенгламанинг хусусий ечими
$y = (x - 1)\, e^{1+x} + e$ бўлади.

3-мисол. Ушбу $y''' \cdot \mathrm{ctg}x + y'' = 2$ тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Берилган тенглама учун $n = 3$, $k = 2$, демак, берилган тенглама II тур кўринишдаги тенгламадир. $z = y'$ янги функция киритамиз ва берилган тенгламадан $z'\mathrm{ctg}x + z = 2$ *чизиқли тенгламани ҳосил қиламиз.* Уни қуйидаги кўринишда ёзиб оламиз:

$$z' + z\,\mathrm{tg}x = 2\mathrm{tg}x\,.$$

Унинг умумий ечимини (7.15) формулага асосан топамиз:

$$z = e^{-\int \mathrm{tg}x dx}\left(\int 2\mathrm{tg}x \cdot e^{\int \mathrm{tg}x dx} dx + C_1\right) =$$

$$= e^{\ln|\cos x|} \cdot \left(2\int \mathrm{tg}x \cdot e^{-\ln|\cos x|} dx + C_1\right) =$$

$$= |\cos x| \cdot \left(2\int \frac{\mathrm{tg}x}{|\cos x|} dx + C_1\right) = 2\cos x \int \frac{\sin x}{\cos^2 x} dx + C_1 \cos x =$$

$$= 2\cos x \cdot \frac{1}{\cos x} + C_1 \cos x = 2 + C_1 \cos x\,.$$

$z - y''$ бўлгани учун I тур дифференциал тенглама кўринишга эга бўламиз. *Уни қуйидагича ёзамиз:*

$$y'' = 2 + C_1 \cos x, \quad y' = \int (2 + C_1 \cos x)\, dx = 2x + C_1 \sin x + C_2,$$

$$y = \int (2x + C_1 \sin x + C_2)\, dx = x^2 - C_1 \cos x + C_2 x + C_3\,.$$

Демак, умумий ечим $y = x^2 - C_1 \cos x + C_2 x + C_3$ бўлади.

III. Эркли ўзгарувчи x ошкор қатнашмайдиган қуйидаги n-тартибли дифференциал тенгламани кўрамиз:

$$F(y, y', y'', \ldots, y^{(n)}) = 0\,. \qquad (7.29)$$

Бу ҳолда $P(y) = y'$ (бунда y нинг аргументи деб қаралади) янги функция киритиш тенгламанинг тартибини бир бирликка пасайтиришга имкон беради. Бунинг учун $y', y'', \ldots, y^{(n)}$ ларни аргументи y бўлган янги функциянинг ҳосилалари орқали ифодалаш керак. Мураккаб функцияни дифференциаллаш қоидасига кўра:

$$y' = \frac{dy}{dx} = P,\quad y'' = \frac{dP}{dx} = \frac{dP}{dy}\cdot\frac{dy}{dx} = P\frac{dP}{dy},$$

$$y''' = \frac{dy''}{dx} = \frac{d}{dx}\left(P\frac{dP}{dy}\right) = \frac{dP}{dx}\cdot\frac{dP}{dx} + P\frac{d^2P}{dxdy} =$$
$$= P\left(\frac{dP}{dy}\right)^2 + P^2\frac{d^2P}{dy^2} \tag{7.30}$$

ва ҳоказо. Бажарилган ҳисоблашлардан кўриниб турибдики, $y^{(k)}$ ҳосила тартиби $k-1$ дан катта бўлмаган P функциянинг y га нисбатан ҳосилалари орқали ифодаланади. Натижада (7.30) тенгламаларни эътиборга олсак, (7.29) тенглама қуйидаги кўринишни олади:

$$\Phi\left(y, P, \frac{dP}{dy}, \frac{d^2P}{dy^2}, \ldots, \frac{d^{(n-1)}P}{dy^{(n-1)}}\right) = 0. \tag{7.31}$$

Агар (7.31) тенглама

$$P = \varphi(y, C_1, C_2, \ldots, C_{n-1})$$

умумий ечимга эга бўлса, $P = \frac{dy}{dx}$ ни эътиборга олиб (7.29) тенгламанинг умумий ечимини топиш охирги тенгламада ўзгарувчиларни ажратиш ва уни ечишга келтирилади:

$$\int\frac{dy}{\varphi(y, C_1, C_2, \ldots, C_{n-1})} = \int dx,\quad \Phi(y, C_1, C_2, \ldots, C_{n-1}) = x + C_n.$$

Агар (7.29) тенгламада $n = 2$ бўлса, (7.31) тенглама биринчи тартибли тенглама бўлади.

4-мисол. Ушбу $y''' - \frac{(y'')^2}{y'} = 6(y')^2 y$ тенгламанинг $y(2) = 0$, $y'(2) = 1$, $y''(2) = 0$ бошланғич шартларни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг.

Ечиш. Берилган тенглама (7.29) кўринишдаги тенглама, бунда $n = 3$. (7.30) тенгликларни эътиборга олиб, янги $P(y)$ функцияни киритамиз ва $P(y)$ функцияни топамиз:

$$P^2\frac{d^2P}{dy^2}+P\left(\frac{dP}{dy}\right)^2-\frac{\left(P\frac{dP}{dy}\right)^2}{P}=6P^2y,$$

$$P^2\left(\frac{d^2P}{dy^2}-6y\right)=0,\ (P\neq 0),$$

бундан $\frac{d^2P}{dy^2}=6y$. Бу I тур тенглама бўлиб, унинг ечими икки марта интеграллаш ёрдамида топилади:

$$\frac{dP}{dy}=\int 6y dy=3y^2+C_1,\ P=\int (3y^2+C_1)\,dy=y^3+C_1y+C_2,$$

$$P=y'=y^3+C_1y+C_2.$$

$y'(2)=P(0)=1,\ y''(2)=P(0)\frac{dP(0)}{dy}=0$ бошланғич шартлардан фойдаланиб, $C_1=0,\ C_2=1$ ларни топамиз. Энди $y'=y^3+1$ тенгламани интеграллаймиз:

$$\frac{dy}{dx}=y^3+1,\ \frac{dy}{y^3+1}=dx,\ \int\frac{dy}{y^3+1}=\int dx,$$

$$\frac{1}{\sqrt{3}}\operatorname{arctg}\frac{2y-1}{\sqrt{3}}+\frac{1}{3}\ln\frac{|y+1|}{\sqrt{y^2-y+1}}=x+C_3.$$

Энди $y(2)=0$ шартдан фойдаланамиз: $C_3=-2-\frac{\pi}{6\sqrt{3}}$. Демак, изланаётган хусусий ечим:

$$x=\frac{1}{\sqrt{3}}\operatorname{arctg}\frac{2y-1}{\sqrt{3}}+\frac{1}{3}\ln\frac{|y+1|}{\sqrt{y^2-y+1}}+2+\frac{\pi}{6\sqrt{3}}.$$

Машқлар

351. Қуйидаги тенгламаларнинг умумий ечимини топинг:

а) $y''' = x^2-\sin x$;

б) $y^{IV}=\frac{y'''}{x}$;

в) $yy''=y'^2$;

г) $x^2y'''=y''^2$;

д) $xy'' - y' = x^2e^x$;

е) $xy'' + y' = y'^2$;

352. Қуйидаги тенгламаларнинг берилган бошланғич шартларни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг:

а) $y'' = \frac{\ln x}{x^2}$, $y(1) = 3$, $y'(1) = 1$;

б) $xy''' - y'' = x^2 + 1$, $y(-1) = 0$, $y'(-1) = 1$;

в) $y'' = e^{2y}$, $y(0) = 0$, $y'(0) = 1$;

г) $2y'^2 = (y - 1)y''$, $y(0) = 0$, $y'(0) = 1$;

д) $y^3y'' + 1 = 0$, $y(1) = 1$, $y'(1) = 0$;

е) $2y'' = 3y^2$, $y(2) = 1$, $y'(2) = -1$.

353. Тўғри чизиқли ҳаракат қилаётган моддий нуқтанинг тезланиши вақтга боғлиқ бўлиб, у $a(t) = 6t - 2$ формула ёрдамида ифодаланади. Агар вақтнинг бошланғич моменти $t = 0$ да тезлик $v = 1$ м/сек, йўл эса $S = 0$ бўлса, нуқтанинг ҳаракат қонунини топинг.

354. Йўлнинг горизонтал қисмида $v = 90$ км\соат тезлик билан ҳаракатланаётган автомобилга вақтнинг бирор моментида тормоз берилди. Агар ҳаракатга қаршилик автомобил оғирлигининг 0,3 қисмига тенг бўлса, тормоз берилгандан кейин ўтган вақтни ва босиб ўтилган йўлни топинг.

6-§. Юқори тартибли чизиқли дифференциал тенгламалар

Умумий ҳол. Ушбу

$$y^{(n)} + a_1(x)y^{(n-1)} + a_2(x)y^{(n-2)} + \ldots + a_n(x)y = f(x) \qquad (7.32)$$

кўринишдаги (бунда $a_i(x)$ $(i = \overline{1,n})$, $f(x)$ — бирор D соҳада берилган функциялар) тенглама *n-тартибли чизиқли бир жинсли бўлмаган дифференциал тенглама* дейилади. Агар (7.32) нинг ўнг томони D соҳада $f(x) \equiv 0$ бўлса,

$$y^{(n)}+a_1(x)y^{(n-1)}+a_2(x)y^{(n-2)}+\ldots+a_n(x)y=0 \quad (7.33)$$

тенгламага эга бўламиз. (7.33) тенглама *n-тартибли чизиқли бир жинсли дифференциал тенглама* дейилади.

Агар $a_i(x)$, $f(x)$ функциялар D соҳадаги $(a;b)$ интервалда узлуксиз бўлса, (7.32), (7.33) кўринишдаги исталган тенгламалар учун $y(x_0)=y_0, y'(x_0)=y'_0, \ldots, y^{(n-1)}(x_0)=y_0^{(n-1)}$, $x_0\in(a;b)$ бошланғич шартларни қаноатлантирувчи ягона ечим мавжудлиги ҳақидаги теорема ўринли бўлади.

(7.32) ва (7.33) тенгламаларнинг умумий ва хусусий ечимларини топишда $y_1(x), y_2(x), \ldots, y_n(x)$ функцияларнинг чизиқли боғлиқлиги ва чизиқли эрклилиги муҳим рол ўйнайди.

Агар ҳеч бўлмаганда биттаси нолдан фарқли $\mu_1,\mu_2,\ldots,\mu_n$ сонлар мавжуд бўлсаки, бирор $(a;b)$ интервалга тегишли барча x лар учун

$$\sum_{i=1}^{n}\mu_i y_i(x)\equiv 0 \quad (7.34)$$

тенглик ўринли бўлса, $y_1, y_2, \ldots, y_n$ функциялар $(a;b)$ интервалда *чизиқли боғлик* дейилади.

Агар (7.34) тенглик $(a;b)$ интервалга тегишли барча x лар учун фақат $\mu_i=0$ да бажарилса, $y_i(x)$ функциялар шу интервалда *чизиқли эркли* дейилади. Ушбу

$$W(y_1,y_2,\ldots,y_n)=\begin{vmatrix} y_1 & y_2 & \cdots & y_n \\ y'_1 & y'_2 & \cdots & y'_n \\ \cdots & \cdots & \cdots & \cdots \\ y_1^{(n-1)} & y_2^{(n-1)} & \cdots & y_n^{(n-1)} \end{vmatrix} \quad (7.35)$$

детерминант Вронский детерминанти (ёки вронскиан) дейилади.

Функцияларнинг чизиқли боғлиқ ва чизиқли эркли бўлиши аломати.

Агар $y_i(x)$ $(i=\overline{1,n})$ функциялар системаси (яъни $(a;b)$ интервалда $(n$-1)-тартибли ҳосиласигача узлуксиз бўлган функциялар) $(a;b)$ интервалда чизиқли боғлиқ бўлса, у ҳолда $(a;b)$да $W\not\equiv 0$ бўлади.

Агар $W\not\equiv 0$ бўлса, у ҳолда $y_i(x)$ функциялари чизиқли эркли бўлади.

Масалан, $1, x, x^2, \ldots, x^{n-1}$ функциялар учун $W \not\equiv 0$, шунинг учун улар чизиқли эркли бўлади.

n та чизиқли эркли $y_1(x), y_2(x), \ldots, y_n(x)$ ечимлар тўплами (7.33) тенгламанинг *фундаментал ечимлар системаси* дейилади. Бунинг ёрдамида (7.33) бир жинсли тенгламанинг умумий ечими аниқланади.

1-теорема. *Агар $y_1, y_2, \ldots, y_n$ функциялар (7.33) тенгламанинг фундаментал ечимлари системасини ташкил этса, у ҳолда*

$$\bar{y} = C_1y_1 + C_2y_2 + \ldots + C_ny_n = \sum_{i=1}^{n} C_iy_i(x) \qquad (7.36)$$

функция (7.33) тенгламанинг умумий ечими бўлади (бунда C_i — ихтиёрий ўзгармас сон).

1-мисол. e^x, e^{-x}, e^{2x} функциялар $y''' - 2y'' - y' + 2y = 0$ тенгламанинг фундаментал ечимлар системаси бўлишини кўрсатинг ва унинг умумий ечимини ёзинг.

Ечиш. $y_1 = e^x$, $y_2 = e^{-x}$, $y_3 = e^{2x}$ функцияларни ва уларнинг ҳосилаларини берилган тенгламага қўйиш натижасида, улар тенгламанинг ечими эканлиги аниқланади.

Унинг вронскиани (7.35) қуйидаги кўринишда бўлади:

$$W(e^x, e^{-x}, e^{2x}) = \begin{vmatrix} e^x & e^{-x} & e^{2x} \\ e^x & -e^{-x} & 2e^{2x} \\ e^x & e^{-x} & 4e^{2x} \end{vmatrix} =$$

$$= e^x \cdot e^{-x} \cdot e^{2x} \begin{vmatrix} 1 & 1 & 1 \\ 1 & -1 & 1 \\ 1 & 1 & 4 \end{vmatrix} = -6e^{2x} \neq 0.$$

Демак, e^x, e^{-x}, e^{2x} лар чизиқли эркли ва берилган тенгламанинг фундаментал ечимлар системасини ташкил этади. Унинг умумий ечими (7.36) формулага асосан

$$y = C_1e^x + C_2e^{-x} + C_3e^{2x}$$

кўринишда бўлади.

2-теорема ((7.32) тенглама умумий ечимининг кўриниши ҳақида). *(7.32) чизиқли бир жинсли бўлмаган тенглама умумий ечимининг кўриниши $y = \bar{y} + y^*$ каби бўлиб, бунда $\bar{y}$*

— унга мос (7.33) бир жинсли тенгламанинг ((7.36) кўринишдаги) умумий ечим, y^* — (7.32) тенгламанинг бирорта хусусий ечими.

Бундай тенгламаларни ечишни мисолда кўрсатамиз.

2-мисол. Бирорта хусусий ечими $y^* = x + 1$ функциядан иборат бўлган $y''' - 2y'' - y' + 2y = 2x + 1$ тенгламанинг умумий ечимини ёзинг.

Ечиш. 1-мисолда бир жинсли тенгламанинг $\bar{y}$ умумий ечими аниқланган эди. Шунга кўра берилган тенгламанинг умумий ечими

$$y = \bar{y} + y^* = C_1e^xC_2e^{-x} + C_3e^{2x} + x + 1$$

кўринишдаги функция бўлади.

Агар (7.33) тенгламанинг фундаментал ечимлар системаси маълум бўлса, у ҳолда (7.32) тенгламанинг хусусий ечими y^* ни ихтиёрий ўзгармасларни вариациялаш усули (Лагранж усули) билан топиш мумкин. Бу усулда y^* қуйидаги кўринишда изланади:

$$y^* = C_1(x)y_1(x) + C_2(x)y_2(x) + \ldots + C_n(x)y_n(x). \qquad (7.37)$$

Бунда $y_i(x)$ (7.33) тенгламанинг фундаментал ечимлар системасини ташкил этади, $C_i(x)$ номаълум функциялар эса қуйидаги системадан аниқланади:

$$\left.\begin{array}{l} C_1'y_1 + C_2'y_2 + \ldots + C_n'y_n = 0, \\ C_1'y_1' + C_2'y_2' + \ldots + C_n'y_n' = 0, \\ \ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots \\ C_1'y_1^{(n-1)} + C_2'y_2^{(n-1)} + \ldots + C_n'y_n^{(n-1)} = f(x). \end{array}\right\} \qquad (7.38)$$

Бу система C_i' ларга нисбатан чизиқли алгебраик тенгламалар системасидан иборатдир. Системанинг детерминанти Вронский детрминантидан иборат бўлиб, у нолдан фарқли. Шунинг учун (7.38) система $C_i' = \varphi_i(x)$ ягона ечимга эга бўлади. Охирги тенглик биринчи тартибли дифференциал тенглама бўлгани учун уни интеграллаб $C_i(x) = \int \varphi_i(x)\,dx$ ни топамиз.

Демак, (7.32) тенгламанинг хусусий ечими

$$y^* = y_1\int\varphi_1(x)\,dx + y_2\int\varphi_2(x)\,dx + \ldots + y_n\int\varphi_n(x)\,dx \qquad (7.39)$$

кўринишда бўлади.

1-изоҳ. (7.39) формула ёрдамида интегралларни топишда n та ўзгармаслар ҳосил бўлади. Уларни нолга тенг деб олиш мумкин.

3-мисол. Ушбу $y''' - 2y'' - y' + 2y = \frac{e^{2x}}{e^x+1}$ тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Бир жинсли тенгламанинг умумий ечими 1-мисолдан маълум:

$$\bar{y} = C_1 e^x + C_2 e^{-x} + C_3 e^{2x} .$$

Берилган тенгламанинг хусусий ечими y^* ни Лагранж усули билан топамиз. (7.37) формулага асосан:

$$y^* = C_1(x)e^x + C_2(x)e^{-x} + C_3(x)e^{2x} .$$

(7.38) система бу ҳол учун қуйидаги кўринишни олади:

$$\left.\begin{aligned} C_1{}' e^x + C_2{}' e^{-x} + C_3{}' e^{2x} &= 0, \\ C_1{}' e^x - C_2{}' e^{-x} + 2C_3{}' e^{2x} &= 0, \\ C_1{}' e^x + C_2{}' e^{-x} + 4C_3{}' e^{2x} &= \frac{e^{2x}}{e^x+1}. \end{aligned}\right\}$$

Унинг детерминанти $W = -6e^{2x} \neq 0$. Системани Крамер формуласи ёрдамида ечиб, қуйидагиларни топамиз:

$$C_1{}' = -\frac{1}{2}\cdot\frac{e^x}{e^x+1}, \quad C_2{}' = \frac{1}{6}\cdot\frac{e^{3x}}{e^x+1}, \quad C_3{}' = \frac{1}{3}\cdot\frac{1}{e^x+1} .$$

Бу ифодаларни интеграллаймиз:

$$C_1 = -\frac{1}{2}\int\frac{e^x dx}{e^x+1} = -\frac{1}{2}\int\frac{d(e^x+1)}{e^x+1} = -\frac{1}{2}\ln(e^x+1),$$

$$C_2 = \frac{1}{6}\int\frac{e^{3x}dx}{e^x+1} = \frac{1}{6}\int\frac{e^{2x}d(e^x)}{e^x+1} = \frac{1}{6}\int\left(e^x - 1 + \frac{1}{e^x+1}\right)d(e^x) =$$

$$= \frac{1}{6}\left(\frac{e^{2x}}{2} - e^x + \ln(e^x+1)\right),$$

$$C_3 = \frac{1}{3}\int\frac{dx}{e^x+1} = \frac{1}{3}\int\frac{e^x+1-e^x}{e^x+1}dx = \frac{1}{3}\int\left(1 - \frac{e^x}{e^x+1}\right)dx =$$

$$= \frac{1}{3}\left(x - \int\frac{d(e^x+1)}{e^x+1}\right) = \frac{1}{3}(x - \ln(e^x+1)) .$$

Тенгламанинг хусусий ечими:

$$y^* = -\frac{1}{2}e^x \ln(e^x+1) + \frac{1}{6}e^{-x}\left(\frac{1}{2}e^{2x} - e^x + \ln(e^x+1)\right) +$$

$$+\frac{1}{3}e^{2x}(x - \ln(e^x+1)) = \frac{1}{12}e^x - \frac{1}{6} + \frac{1}{3}xe^{2x} +$$

$$+\left(\frac{1}{6}e^{-x} - \frac{1}{2}e^x - \frac{1}{3}e^{2x}\right)\ln(e^x+1).$$

Берилган тенгламаниг умумий ечими:

$$y = \bar{y} + y^* = C_1x + C_2e^{-x} + C_3e^{2x} + \frac{1}{12}(4xe^{2x} + e^x - 2) +$$

$$+\frac{1}{6}(e^{-x} - 3e^x - 2e^{2x})\ln(e^x+1).$$

2-изоҳ. (7.33) тенгламанинг фундаментал ечимлар системасини топиш мумкин бўлмаса, (7.32) тенгламанинг хусусий ечими y^* ни ва умумий ечимини топиш мумкин эмас. (7.32) тенгламаларни ечишнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд бўлмаса, фақат хусусий ҳолда, яъни (7.32) тенгламадаги ҳамма $a_i(x)$ коэффициентлар ўзгармас сонлар бўлгандагина фундаментал ечимлар системасини ва (7.32) тенгламанинг умумий ечимини топиш усули мавжудлигини эслатиб ўтамиз.

Ўзгармас коэффициентли чизиқли дифференциал тенглама. (7.32) ва (7.34) тенгламаларга $a_i(x) = P_i = \text{const}$, $P_i \in R$ ни қўямиз:

$$y^{(n)} + P_1y^{(n-1)} + P_2y^{(n-2)} + \ldots + P_{n-1}y' + P_ny = f(x), \qquad (7.40)$$

$$y^{(n)} + P_1y^{(n-1)} + P_2y^{(n-1)} + \ldots + P_{n-1}y' + P_ny = 0, \qquad (7.41)$$

(7.41) тенгламанинг фундаментал ечимлар системасини фақат алгебраик усулдан фойдаланиб қуйидагича топиш мумкин.

(7.41) тенгламага асосланиб

$$\lambda^n + P_1\lambda^{n-1} + \ldots + P_{n-1}\lambda + P_n = 0 \qquad (7.42)$$

алгебраик тенглама тузамиз. (7.42) тенглама (7.41) тенгламанинг *характеристик* тенгламаси дейилади. У n та илдизга эга бўлиб, улар ичида содда ҳақиқий, каррали илдизлар ва комплекс қўшма содда илдизлар бўлиши мумкин.

Агар (7.42) характеристик тенгламанинг ҳамма λ_i илдизлари содда ва ҳақиқий бўлса, у ҳолда (7.41) тенгламанинг фундаментал ечимлар системаси қуйидагича бўлади:

$$e^{\lambda_1 x},\ e^{\lambda_2 x},\ \ldots,\ e^{\lambda_n x}. \tag{7.43}$$

(7.42) характеристик тенгламанинг k та каррали λ илдизи ҳақиқий бўлса, у ҳолда унга мос (7.41) тенглама k та чизиқли эркли ечимга эга бўлиб, унинг кўриниши қуйидагича бўлади:

$$y_1 = e^{\lambda x},\ y_2 = xe^{\lambda x},\ \ldots,\ y_n = x^{k-1}e^{\lambda x}. \tag{7.44}$$

(7.42) характеристик тенгламанинг m та каррали, иккита $\alpha \pm i\beta$ комплекс қўшма илдизлар учун (7.41) тенглама $2m$ та чизиқли эркли ечимга эга бўлиб, унинг кўриниши қуйидагича бўлади:

$$\begin{aligned} &\bar{y}_1 = e^{\alpha x}\cos\beta x,\ \ \bar{y}_2 = e^{\alpha x}\sin\beta x,\\ &\bar{y}_3 = xe^{\alpha x}\cos\beta x,\ \ \bar{y}_4 = xe^{\alpha x}\sin\beta x,\\ &\bar{y}_5 = x^2e^{\alpha x}\cos\beta x,\ \ \bar{y}_6 = x^2e^{\alpha x}\sin\beta x,\\ &\text{-----------------------------}\\ &\bar{y}_{2m-1} = x^{m-1}e^{\alpha x}\cos\beta x,\ \ \bar{y}_{2m} = x^{m-1}e^{\alpha x}\sin\beta x. \end{aligned} \tag{7.45}$$

Кўрилган умумий мулоҳазалардан кўриниб турибдики, (7.42) характеристик тенглама n та илдизга, мос равишда бир жинсли (7.41) тенглама n та чизиқли эркли ечимга эга ва улар фундаментал ечимлар системасини ташкил этади. Улар ёрдамида ва (7.36) формула асосида (7.41) тенгламанинг умумий ечими топилади.

4-мисол. *Ушбу*

$$y^{IV} - 16y = 0$$

ўзгармас коэффициентли тўртинчи тартибли чизиқли бир жинсли дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. *Берилган тенглама учун характеристик тенглама тузамиз ва унинг илдизларини топамиз:*

$$\lambda^4 - 16 = 0,\ (\lambda^2 - 4)(\lambda^2 + 4) = 0,\ \lambda^2 = 4,\ \lambda_{1,2} = \pm 2,$$

$$\lambda^2 = -4,\ \lambda_{3,4} = \pm 2i.$$

Иккита ҳақиқий ва иккита комплекс қўшма ($a = 0$, $b = 2$) сонлардан иборат тўртта содда илдизлар ҳосил қилдик. (7.43), (7.45) хусусий ечимлардан фундаментал ечимлар системасини ҳосил қиламиз:

$$y_1 = e^{2x},\ y_2 = e^{-2x},\ y_3 = e^{0x}\cos 2x = \cos 2x,$$
$$y_4 = e^{0x}\sin 2x = \sin 2x.$$

(7.36) формулага асосан берилган тенгламанинг умумий ечими

$$\bar{y} = C_1 e^{2x} + C_2 e^{-2x} + C_3 \cos 2x + C_4 \sin 2x$$

кўринишда бўлади.

Агар (7.41) тенгламада $n = 2$ бўлса, у ҳолда ўзгармас коэффициентли иккинчи тартибли чизиқли бир жинсли дифференциал тенглама ҳосил қиламиз:

$$y'' + P_1 y' + P_2 y = 0\,. \qquad (7.46)$$

(7.46) тенгламанинг характеристик тенгламаси

$$\lambda^2 + P_1\lambda + P_2 = 0 \qquad (7.47)$$

ва унинг илдизлари:

1) ҳақиқий ва ҳар хил: $\lambda_1 \neq \lambda_2$;

2) ҳақиқий ва бир бирига тенг: $\lambda_1 = \lambda_2$;

3) комплекс қўшма: $\lambda_{1,2} = \alpha \pm \beta i$ илдизларги эга бўлиши мумкин.

Уларга мос қуйидаги фундаментал ечимлар системаси ва (7.46) тенгламанинг умумий ечими тўғри келади:

1) $y_1 = e^{\lambda_1 x},\ y_2 = e^{\lambda_2 x};\ \bar{y} = C_1 e^{\lambda_1 x} + C_2 e^{\lambda_2 x}$;

2) $y_1 = e^{\lambda x},\ y_2 = xe^{\lambda x};\ \bar{y} = C_1 e^{\lambda x} + C_2 x e^{\lambda x} = e^{\lambda x}(C_1 + C_2 x)$;

3) $y^1 = e^{\alpha x}\cos\beta x,\ y^2 = e^{\alpha x}\sin\beta x;\ \bar{y} = e^{\alpha x}(C_1 \cos\beta x + C_2 \sin\beta x)$.

5-мисол. Ушбу тенгламаларнинг умумий ечимини топинг:

а) $y'' - 15y' + 26y = 0$;

б) $y'' + 6y' + 9y = 0$;

в) $y'' - 2e' + 10y = 0$.

Ечиш. Ҳар бир ҳол учун характеристик тенглама тузамиз, унинг илдизларини, фундаментал ечимлар системасини ва умумий ечимини топамиз:

а) $\lambda^2 - 15\lambda + 26 = 0,\ \lambda_1 = 2,\ \lambda_2 = 13$;

$y_1 = e^{2x},\ y_2 = e^{13x}$;

$\bar{y} = C_1 e^{2x} + C_2 e^{13x}$;

б) $\lambda^2 + 6\lambda + 9 = 0,\ \lambda_1 = \lambda_2 = -3$;

$y_1 = e^{-3x},\ y_2 = xe^{-3x}$;

$\bar{y} = e^{-3x}(C_1 + C_2 x)$;

в) $\lambda^2 - 2\lambda + 10 = 0,\ \lambda_{1,2} = 1 \pm 3i$;

$y_1 = e^x \cos 3x,\ y_2 = e^x \sin 3x$;

$\bar{y} = e^x (C_1 \cos 3x + C_2 \sin 3x)$.

Шундай қилиб, ўзгармас коэффицентли чизиқли тенгламани ечиш учун:

1) унинг фундаментал ечимлар системасини топиш;

2) (7.41) бир жинсли тенгламанинг y умумий ечимини тузиш;

3) Лагранж усули билан (7.40) тенгламанинг y^* хусусий ечимини топиш;

4) $\bar{y} = y + y^*$ формула ёрдамида (7.40) тенгламанинг умумий ечимини топиш керак.

(7.40) тенгламанинг ўнг қисми $f(x)$ кўп ҳолларда муҳандислик ишларида қўлланиладиган алоҳида кўринишларга эга бўлади:

$$f(x) = e^{ax}(P_r(x)\cos bx + Q_s(x)\sin bx), \qquad (7.48)$$

бунда $P_r(x)$, $Q_s(x)$ — мос ҳолда r ва s даражали кўпҳад; a, b — бирор ўзгармас сонлар. $f(x)$ функциянинг хусусий ҳоллари қуйидагича бўлиши мумкин:

$$f(x) = P_r(x)e^{ax} \quad (b = 0); \qquad (7.49)$$

$$f(x) = P_r(x)\cos bx + Q_s(x)\sin bx \quad (a = 0); \qquad (7.50)$$

$$f(x) = e^{ax}(A\cos bx + B\sin bx) \quad (A = const,\ B = const); \quad (7.51)$$

$$f(x) = A\cos bx + B\sin bx\ (a = 0,\ P_r(x) = A,\ Q_s(x) = B); \quad (7.52)$$

$$f(x) = P_r(x) \quad (a = 0,\ b = 0)\,. \qquad (7.53)$$

Бу ҳамма ҳоллар учун, шунингдек, умумий ҳол учун ((7.48) формулага қаранг) (7.40) тенгламанинг y^* хусусий ечими ўнг қисмининг тузилишига қараб топилиши исбот қилинган.

$f(x)$ функциянинг умумий ҳоли учун хусусий ечим

$$y^* = x^k e^{ax}(\bar{P}_m(x)\cos bx + \bar{Q}_m(x)\sin bx) \qquad (7.54)$$

формула билан аниқланади, бунда $\bar{P}_m(x)$, $\bar{Q}_m(x)$ — даражаси $m = \max\{r,s\}$ бўлган кўпҳад; k эса (7.42) характеристик тенгламанинг $z = a + bi$ илдизлар сонига мос келувчи сонга тенг. Шундай қилиб, агар $\lambda_i (i = \overline{1,n})$ илдизлар ичида z сони бўлмаса, $k = 0$; агар битта илдиз z сони бўлса, у ҳолда $k = 1$; агар илдизлар ичида икки каррали илдиз z сони бўлса, у ҳолда $k = 2$ ва ҳоказо.

Демак, (7.54) формула ёрдамида фақат $P_m(x)$ ва $Q_m(x)$ кўпҳаднинг коэффициентлари маълум бўлган y^* хусусий ечимининг тузилишини бирдан ёзиш мумкин экан.

(7.40) тенгламага y^* хусусий ечимни ва унинг ҳосилаларини қўйиб чап ва ўнг қисмидаги ўхшаш ҳадлари олдидаги коэффициентларни тенглаб, ноъмалум коэффициентларни ҳисоблаш учун керакли бўлган сондаги чизиқли алгебраик тенгламаларни ҳосил қиламиз.

Демак, y^* тузилишини ((7.54) формулага қаранг) билган ҳолда, элементар амаллар ёрдамида (яъни дифференциаллаш ва чизиқли алгебраик тенгламалар системасини ечиш) интеграллаш амалини бажармасдан, (7.40) тенгламанинг хусусий y^* ечимини топиш мумкин экан.

6-мисол. Ушбу $y^{IV} - 3y^{III} = 9x^2$ тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Тенгламанинг характеристик тенгламасини тузамиз, унинг илдизларини, фундаментал ечимлар системасини ва бир жинсли тенгламага мос $\bar{y}$ умумий ечимни топамиз:

$$\lambda^4 - \lambda^3 = 0,\ \lambda^2(\lambda^2 - 3) = 0,\ \lambda_1 = \lambda_2 = 0,\ \lambda_{3,4} = \pm\sqrt{3}\ ;$$

$$y_1 = e^{0x} = 1,\ y_2 = xe^{0x} = x,\ y_3 = e^{\sqrt{3}x},\ y_4 = e^{-\sqrt{3}x}\ ;$$

$$\bar{y} = C_1 + C_2 x + C_3 e^{\sqrt{3}x} + C_4 e^{-\sqrt{3}x}\,.$$

Берилган тенгламанинг ўнг қисми (7.53) хусусий хол кўринишда, шунинг учун $z = 0$. Характеристик тенгламанинг $\lambda_1 = \lambda_2 = 0$ каррали илдизи $z = 0$ билан бир хил, бундан $k = 2$ эканлиги келиб чиқади. (7.54) формулаға асосан y^* хусусий ечим

$$y^* = x^2(Ax^2 + Bx + C) = Ax^4 + Bx^3 + Cx^2$$

кўринишда бўлади. Ҳисоблашни осонлаштириш учун y^*, y^{*I}, y^{*II}, y^{*III}, y^{*IV} ифодаларни алоҳида сатрларга ёзамиз ва вертикал чизиқнинг чап томонига тенгламадаги уларнинг олдидаги мос коэффициентларни ёзамиз. Бу ифодаларни коэффициентларга кўпайтириб қўшамиз ва ўхшаш ҳадларни ихчамлаймиз:

$$\begin{array}{r|l} 0 & y^* = Ax^4 + Bx^3 + Cx^2, \\ 0 & y^{*I} = 4Ax^3 + 3Bx^2 + 2Cx, \\ -3 & y^{*II} = 12Ax^2 + 6Bx + 2Cx, \\ 0 & y^{*III} = 24A + 6B, \\ 1 & y^{*IV} = 24A, \end{array}$$

$$y^{*IV} - 3y^{*II} = -36Ax^2 - 18Bx - 6C + 24A \equiv 9x^2.$$

Охирги тенгликнинг чап ва ўнг қисмидаги x нинг бир хил даражалари олдидаги коэффициентларни тенглаб, A, B, Cларни аниқлаш учун қуйидаги алгебраик тенгламалар системасини ҳосил қиламиз:

$$\left.\begin{array}{r|l} x^2 & -36A = 9, \\ x^1 & -18B = 0, \\ x^0 & -6C + 24A = 0 \end{array}\right\}$$

бундан $A = -\frac{1}{4}$, $B = 0$, $C = -1$.

Демак,

$$y^* = x^2\left(-\frac{1}{4}x^2 - 1\right).$$

Берилган тенгламанинг умумий ечими

$$y = \bar{y} + y^* = C_1 + C_2x + C_3e^{\sqrt{3}x} + C_4e^{-\sqrt{3}x} - \frac{1}{4}x^4 - x^2$$

функциядан иборат бўлади.

7-мисол. Ушбу $y''-7y'+6y=(x-2)e^x$ тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. $\lambda^2-7\lambda+6=0$ характеристик тенглама илдизлари $\lambda_1=1$, $\lambda_2=6$ бўлгани учун $y''-7y'+6y=0$ бир жинсли тенгламанинг умумий ечими

$$\bar{y}=C_1e^x+C_2e^{6x}$$

функциядан иборат бўлади.

Берилган тенгламанинг ўнг қисми (7.49) кўринишдаги функциядан иборат, бунда $a=1$; $b=0$;

$P_1(x)=x-2$; $z=1$, z характеристик тенгламанинг илдизи бўлгани учун $k=1$ ва берилган тенгламанинг хусусий ечими

$$y^*=xe^x(Ax+B)=e^x(Ax^2+Bx)$$

формула билан аниқланади. Сўнгра 6-мисолдаги каби давом этамиз:

$$\begin{array}{r|l} 6 & y^*=e^x(Ax^2+Bx), \\ -7 & y^{*\prime}=e^x(Ax^2+Bx)+e^x(2Ax+B), \\ 1 & y^{*\prime\prime}=e^x(Ax^2+(2A+B)x+B)+e^x(2Ax+2A+B), \end{array}$$

$$y^{*\prime\prime}-7y^{*\prime}+6y^*=$$

$$=e^x((6A-7A+A)x^2+(6B-7B-14A+2A+B+2A)x-$$

$$-7B+2A+2B\equiv e^x(x-2).$$

Охирги тенгликнинг иккала қисмини $e^x\neq0$ га бўламиз ва x нинг чап ва ўнг қисмдаги бир хил даражалари олдидаги коэффициентларни тенглаймиз:

$$\begin{array}{r|l} x^2 & 0=0, \\ x^1 & -10A=1, \\ x^0 & 2A-5B=-2, \end{array}$$

бундан $A=-\frac{1}{10}$, $B=\frac{9}{25}$;

$$y^*=e^x\left(-\frac{1}{10}x^2+\frac{9}{25}x\right).$$

Берилган тенгламанинг умумиий ечими

$$y = \bar{y} + y^* = C_1e^x + C_2e^{6x} + e^x\left(-\frac{1}{10}x^2 + \frac{9}{25}x\right)$$

дан иборат бўлади.

Агар (7.40) тенгламада $f(x) = f_1(x) + f_2(x)$ бўлса, у ҳолда ўнг томони мос равишда $f_1(x)$ ва $f_2(x)$ бўлган (7.40) кўринишдаги

$$y^{(n)} + P_1y^{(n-1)} + \ldots + P_ny = f_1(x), \qquad (7.55)$$

$$y^{(n)} + P_1y^{(n-1)} + \ldots + P_ny = f_2(x) \qquad (7.56)$$

иккита тенгламанинг хусусий ечимлари y_1^* ва y_2^* бўлади.

Ўнг томони $f(x)$ бўлган (7.40) тенгламанинг ечими $y^* = y_1^* + y_2^*$ функция бўлади.

$f_1(x)$ ва $f_2(x)$ функциялар (7.49)—(7.53) кўринишдаги функциялар бўлиши мумкин. У ҳолда (7.48) формула ёрдамида (7.55) ва (7.56) тенгламаларнинг y_1^* ва y_2^* хусусий ечимлари топилади. Бундан ташқари $f_1(x)$ юқорида кўрилган тур фукциялари бўлиб, $f_2(x)$ умуман кўрилмаган функция бўлсин. Бу ҳолда (7.40) тенгламанинг y^* хусусий ечимини Лагранж усули билан топиш мумкин ёки (7.55) тенгламани ечиш учун (7.48) формуладан фойдаланиб, (7.56) тенгламанинг ечимини Лагранж усулини татбиқ этиб топиш лозим.

8-мисол. Ушбу

$$y'' + y = x\sin x + \cos 2x \qquad (A)$$

тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. $\lambda^2 + 1 = 0$ характеристик тенгламанинг илдизлари $\lambda_1 = i$, $\lambda_2 = -i$, у ҳолда $y'' + y = 0$ бир жинсли тенгламанинг умумий ечими

$$\bar{y} = C_1\cos x + C_2\sin x$$

функция билан аниқланади. Берилган тенгламанинг ўнг қисми (7.50) ва (7.52) кўринишдаги иккита функциянинг йиғиндисидан иборат: $f_1(x) = x\sin x$, $f_2(x) = \cos 2x$. Шунинг учун (7.54) формуладан фойдаланиб

$$y'' + y = x\sin x \qquad (B)$$

тенгламанинг y_1^{*} хусусий ечимини ва

$$y''+y=\cos 2x \tag{C}$$

тенгламанинг y_2^{*} хусусий ечимини топамиз. (B) тенглама учун $a=0$, $b=0$, $z=i=\lambda_{1,2}$ бўлгани учун $k=1$ ва

$$y_1^{*}=x((Ax+B)\cos x+(Cx+D)\sin x)$$

кўринишда бўлади. Номаълум A, B, C, D коэффициентларни юқорида кўрилган схема асосида ҳисоблаймиз ва y_1^{*} ни топамиз:

$$\begin{array}{c|l}
1 & y_1^{*}=(Ax^2+Bx)\cos x+(Cx^2+Dx)\sin x, \\
0 & y_1^{*\prime}=(2Ax+B)\cos x-(Ax^2+Bx)\sin x+(2Cx+D)\sin x+(Cx^2+ \\
 & +Dx)\cos x=(Cx^2+2Ax+Dx+B)\cos x+(-Ax^2-Bx+2Cx+D)\sin x,\partial \\
1 & y_1^{*\prime\prime}=(2Cx+2A+D)\cos x-(Cx^2+2Ax+Dx+B)\sin x+ \\
 & +(-2Ax-B+2C)\sin x+(-Ax^2-Bx+2Cx+D)\cos x,
\end{array}$$

- -

$$y_1^{*\prime\prime}+y_1^{*}=(Ax^2+Bx+2Cx+2A+D-Ax^2-Bx+2Cx+D)\cos x+$$
$$+(Cx^2+Dx-Cx^2-2Ax-Dx-2Ax-B+2C)\sin x\equiv x\sin x.$$

Охирги тенгликнинг чап ва ўнг қисмидаги ўхшаш ҳадлар олдидаги коэффициентларни тенглаб, номаълум A, B, C, D ларни топамиз:

$$\left.\begin{array}{r|l}
x\cos x & 4C=0, \\
\cos x & 2A+2D=0, \\
x\sin x & -4A=1, \\
\sin x & -2B=2C=0,
\end{array}\right\}$$

бундан $A=-\frac{1}{4}$, $B=0$, $C=0$, $D=\frac{1}{4}\cdot$

Демак,

$$y^{*}=x\left(-\frac{1}{4}x\cos x+\frac{1}{4}\sin x\right)=\frac{1}{4}x(\sin x-x\cos x).$$

(C) тенглама учун $a=0$, $b=2$, $z=2i$ бўлгани учун $k=0$ ва

$$y_2^{*}=M\cos 2x+N\sin 2x$$

бўлади. M ва N номаълумларни топамиз:

$$\begin{array}{c|l} 1 & y_2^* = M\cos 2x + N\sin 2x, \\ 0 & y_2^{*}{}' = -2M\sin 2x + 2N\cos 2x, \\ 1 & y_2^{*}{}'' = -4M\cos 2x - 4N\sin 2x, \end{array}$$

$$y_2^{*}{}'' + y_2^* = -3M\cos 2x - 3N\sin 2x \equiv \cos 2x,$$

бундан $-3M = 1$, $-3N = 0$ бўлгани учун

$$y_2^* = -\frac{1}{3}\cos 2x .$$

Натижада

$$y^* = y_1^* + y_2^* = \frac{1}{4}x(\sin x + \cos x) - \frac{1}{3}\cos 2x$$

ва берилган (A) тенгламанинг умумий ечими

$$y = \bar{y} + y^* = C_1\cos x + C_2\sin x + $$
$$+\frac{1}{4}x(\sin x - x\cos x) - \frac{1}{3}\cos 2x$$

функциядан иборат бўлади.

9-мисол. Ушбу $y'' - 2y' + 5y = 3e^x + e^x \mathrm{tg} 2x$ тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. $y'' - 2y' + 5y = 0$ бир жинсли тенгламанинг умумий ечимини топамиз.

Унга мос $\lambda^2 - 2\lambda + 5 = 0$ характеристик тенгламани тузамиз. У $\lambda_1 = 1 + 2i$, $\lambda_2 = 1 - 2i$ илдизларга эга.

Тенгламанинг умумий ечими

$$\bar{y} = e^x\left(C_1\cos 2x + C_2\sin 2x\right)$$

дан иборат бўлади.

Берилган тенгламанинг ўнг қисми иккита функциянинг йиғиндисидан иборат. Улардан биринчиси $f_1(x) = 3e^x$ (7.48) кўринишдаги функциядан иборат бўлиб, у учун $P_r(x) = 3$, $a = 1$, $b = 0$, $z = 1 \neq \lambda_{1,2}$, $k = 0$ бўлади. $y'' - 2y + 5y = 3e^x$ тенгламанинг y_1^* хусусий ечими $y_1^* = Ae^x$ кўринишда бўлади. Ноъмалум A коэффициент қуйидаги тенгликдан топилади:

$$(A - 2A + 5A)e^x = 3e^x, \ A = \frac{3}{4}, \ y_1^* = \frac{3}{4}e^x .$$

Иккинчи $f_2(x) = e^x \text{tg} 2x$ функция юқорида кўрилган функцияларнинг бирортасига ўхшамайди, шунинг учун $y'' - 3y' + 5y = e^x \text{tg} 2x$ тенгламанинг y_2^* хусусий ечимини ихтиёрий ўзгармасларни вариациялаш (Лагранж усули) усули ёрдамида қидириш керак.

(7.37) формулага асосан:

$$y_2^* = e^x (C_1(x) \cos x + C_2(x) \sin x) .$$

Бу ҳолда (7.38) система иккита тенгламадан тузилган бўлади ($y_1 = e^x \cos 2x$, $y_2 = e^x \sin 2x$):

$$\left.\begin{aligned} &C_1' e^x \cos 2x + C_2' e^x \sin 2x = 0, \\ &C_1' e^x (\cos 2x - 2\sin 2x) + C_2' e^x (\sin 2x + 2\cos 2x) = e^x \text{tg} 2x. \end{aligned}\right\}$$

Бу тенгламалар системасини e^x га қисқартирамиз:

$$\left.\begin{aligned} &C_1' \cos 2x + C_2' \sin 2x = 0, \\ &C_1' (\cos 2x - 2\sin 2x) + C_2' (\sin 2x + 2\cos 2x) = \text{tg} 2x. \end{aligned}\right\}$$

Охирги системанинг детерминанти (вронскиани)ни ҳисоблаймиз:

$$W = \begin{vmatrix} \cos 2x & \sin 2x \\ \cos 2x - 2\sin 2x & \sin 2x + 2\cos 2x \end{vmatrix} = 2 .$$

C_1', C_2' ларни Крамер формуласига кўра топамиз:

$$C_1' = \frac{1}{2} \begin{vmatrix} 0 & \sin 2x \\ \text{tg} 2x & \sin 2x + 2\cos 2x \end{vmatrix} = -\frac{1}{2} \sin 2x \text{tg} 2x ,$$

$$C_2' = \frac{1}{2} \begin{vmatrix} \cos 2x & 0 \\ \cos 2x - 2\sin 2x & \text{tg} 2x \end{vmatrix} = \frac{1}{2} \sin 2x .$$

Энди ҳосил қилинган тенгликларни интеграллаймиз:

$$C_1 = -\frac{1}{2} \int \sin 2x \text{tg} 2x dx = -\frac{1}{2} \int \frac{\sin^2 2x}{\cos 2x} dx = -\frac{1}{2} \int \frac{1 - \cos^2 2x}{\cos 2x} dx =$$

$$= -\frac{1}{2} \int \frac{dx}{\cos 2x} + \frac{1}{2} \int \cos 2x dx = \frac{1}{4} \ln \left| \text{tg} \left(\frac{\pi}{4} - x \right) \right| + \frac{1}{4} \sin 2x ,$$

$$C_2 = \frac{1}{2} \int \sin 2x dx = -\frac{1}{4} \cos 2x .$$

Демак,

$$y_2^* = e^x\left(\frac{1}{4}\ln\left|\operatorname{tg}\left(\frac{\pi}{4}-x\right)\right|\cos 2x + \frac{1}{4}\sin 2x\cos 2x -\right.$$

$$\left.-\frac{1}{4}\sin 2x\cos 2x\right) = \frac{1}{4}e^x\ln\left|\operatorname{tg}\left(\frac{\pi}{4}-x\right)\right|\cos 2x\cdot$$

Шундай қилиб, берилган тенгламанинг хусусий ечими қуйидаги кўринишда бўлади:

$$y^* = y_1^* + y_2^* = \frac{3}{4}e^x + \frac{1}{4}e^x\ln\left|\operatorname{tg}\left(\frac{\pi}{4}-x\right)\right|\cos 2x =$$

$$= \frac{1}{4}e^x\left(3+\ln\left|\operatorname{tg}\left(\frac{\pi}{4}-x\right)\right|\cos 2x\right).$$

Умумий ечим эса қуйидаги функциядан иборат бўлади:

$$y = \bar{y} + y^* = e^x(C_1\cos 2x + C_2\sin 2x) +$$

$$+\frac{1}{4}e^x\left(3+\ln\left|\operatorname{tg}\left(\frac{\pi}{4}-x\right)\right|\cos 2x\right).$$

Машқлар

355. Қуйидаги чизиқли бир жинсли иккинчи тартибли дифференциал тенгламаларнинг фундаментал ечимлар системасини ва умумий ечимини топинг:

а) $y''+5y'+6y=0$; б) $y''-2y'-4y=0$;

в) $y''-7y'+6y=0$; г) $y''+6y'+9y=0$;

д) $y''-6y'+18y=0$; е) $y''-25y=0$;

ж) $y''+2y'-15y=0$; з) $y''+2y'+y=0$;

и) $y''+36y=0$; к) $y''-2y'+5y=0$.

356. Қуйидаги чизиқли бир жинсли юқори тартибли дифференциал тенгламаларнинг фундаментал ечимлар системасини ва умумий ечимини топинг:

а) $y''+9y'=0$; б) $y^{III}+3y'-y=0$;

в) $4y^{III}-3y'+5y=0$; г) $y^{III}-5y''+16y'-12y=0$;

д) $y^{IV}-8y''+16y=0$; е) $y^{IV}-8y''+7y=0$;

ж) $y^{V}-6y^{IV}+9y^{III}=0$; з) $y^{VI}-3y^{V}+3y^{IV}=0$.

357. Қуйидаги бир жинсли бўлмаган дифференциал тенгламаларнинг берилган бошланғич шартларни қаноатлантирувчи хусусий ечимларини топинг:

а) $y''-3y'+2y=e^{3x}(x^2+x),\ y(0)=1,\ y'(0)=-2$;

б) $y^{III}-y'=2x,\ y(0)=0,\ y'(0)=y''(0)=2$;

в) $y^{IV}-y=8e^x,\ y(0)=-1,\ y'(0)=0,\ y''(0)=1,\ y'''(0)=0$;

г) $y''-2y'+2y=4e^x\cos x,\ y(\pi)=\pi e^{\pi},\ y'(\pi)=2\pi$;

д) $y''+4y=4(\sin 2x+\cos 2x),\ y(\pi)=y'(\pi)=2\pi$;

е) $y''-2y'=2e^x,\ y(1)=-1,\ y'(1)=0$;

ж) $y''+4y=x,\ y(0)=1,\ y'(0)=\frac{\pi}{2}$;

з) $y''-6y'+9y=10\sin x,\ y(0)=-0{,}6,\ y'(0)=0{,}8$.

358. Қуйидаги бир жинсли бўлмаган дифференциал тенгламаларнинг хусусий ечимини топинг:

а) $y''-8y'+16y=e^{4x}(1-x)$;

б) $y''-3y'=e^{3x}-28$;

в) $y''+16y=x\sin 4x$;

г) $y^{III}+y''=2x+e^{-x}$;

д) $y''-4y'=2\cos^2 4x$;

е) $y^{IV}-y=3xe^x+\sin x$;

ж) $y''-7y'=(x-1)^2$;

з) $y^{IV}+y''=x^2+2x$;

и) $y''-4y'+13y=e^{2x}(x^2\cos 3x+\sin 3x)$;

к) $y^{V}-y^{IV}=2xe^x-4$.

359. Қуйидаги бир жинсли бўлмаган дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топинг:

а) $y''+4y=\cos^2 x$; б) $y''+5y'+6y=e^{-x}+e^{-2x}$;

в) $4y''-y=x^3-24x$; г) $y^{III}+y^{II}=6x+e^{-x}$;

д) $y''+4y=\frac{1}{\sin^2 x}$; е) $y^{III}+y^{I}=\mathrm{tg}x$;
ж) $y''+4y'+4y=e^{-2x}\ln x$; з) $y''+y+\mathrm{ctg}^2x=0$;
и) $y''-2y'+y=\frac{e^x}{x^2+1}$; к) $y''-3y'=3x^3+x^2$.

7-§. Дифференциал тенгламалар системаси ҳақида тушунча

Ушбу

$$\left.\begin{aligned} y_1' &= f_1(x,y_1,y_2,\dots,y_n),\\ y_2' &= f_2(x,y_1,y_2,\dots,y_n),\\ &\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\\ y_n' &= f_n(x,y_1,y_2,\dots,y_n) \end{aligned}\right\} \qquad (7.57)$$

кўринишдаги система биринчи тартибли n та *дифференциал тенгламаларнинг нормал шаклдаги системаси* ёки *нормал система* дейилади.

Бунда $f_i(i=\overline{1,n})$ функция бирор $(n+1)$ ўлчовли D соҳада аниқланган, $x,y_1,y_2,\dots,y_n$ — ўзгарувчилар, $y_1(x)$, $y_2(x),\dots,y_n(x)$ лар изланаётган функциялар.

Нормал система тенгламаларининг ўнг қисмида изланаётган функцияларнинг ҳосилалари бўлмайди.

(7.57) системанинг $(a;b)$ интервалдаги *ечими* деб $(a;b)$ интервалда узлуксиз дифференциалланувчи ва бу системанинг ҳар бир тенгламасини қаноатлантирадиган $y_1=y_1(x)$, $y_2=y_2(x),\dots,y_n=y_n(x)$ ечимлар тўпламига айтилади.

Биринчи тартибли дифференциал тенгламалар системаси учун Коши масаласи қуйидагича ифодаланади.

Ушбу

$$y_1(x_0)=y_{10},\ y_2(x_0)=y_{20},\dots,y_n(x_0)=y_{n0} \qquad (7.58)$$

бошланғич шартларни қаноатлантирувчи (7.57) системанинг $y_1=y_1(x)$, $y_2=y_2(x),\dots,y_n=y_n(x)$ ечимларини топиш лозим, бунда $y_{10},y_{20},\dots,y_{n0}$ — берилган сонлар; $x_0\in(a;b)$.

Теорема (Кошининг мавжудлик ва ечимининг ягоналиги масаласи). *Агар* $f_i(i = \overline{1, n})$ *функциялар* $(x_0, y_{10}, y_{20}, \dots, y_{n0}) \in D$ *нуқта атрофида узлуксиз ҳамда* $\frac{df_i}{dy_i}$ $(i = \overline{1, n})$ *узлуксиз хусусий ҳосилаларга эга бўлса, у ҳолда* (7.57) *системанинг* (7.58) *бошланғич шартни қаноатлантирувчи ягона ечими мавжуд бўлади.*

(7.57) системанинг *умумий ечими* деб n та ихтиёрий ўзгармас $C_1, C_2, \dots, C_n$ сонларга боғлиқ бўлган n та $y_i = \varphi_i(x, C_1, C_2, \dots, C_n)$ $(i = \overline{1, n})$ функциялар тўпламига айтилади ва у қуйидаги шартларни қаноатлантириши керак:

1) $x, C_1, C_2, \dots, C_n$ ўзгарувчиларнинг бирор ўзгариш соҳасида φ_i функциялар аниқланган ва узлуксиз $\frac{d\varphi_i}{dx}$ хусусий ҳосилаларга эга бўлиши керак;

2) C_i нинг ихтиёрий қийматларида φ_i функциялар тўплами (7.57) системанинг ечими бўлиши керак;

3) D соҳадаги ихтиёрий (7.58) бошланғич шартда Коши теоремасининг шартини қаноатлантирадиган шундай ихтиёрий ўзгармас $C_{10}, C_{20}, \dots, C_{n0}$ қийматларни топиш мумкинки, улар учун $y_{i0} = \varphi_i(x_0, C_{10}, C_{20}, \dots, C_{n0})$ тенглик ўринли бўлади.

(7.57) системанинг умумий ечимидан ихтиёрий ўзгармасларнинг мумкин бўлган баъзи қийматларида ҳосил бўладиган ечимлар *хусусий ечимлар* дейилади.

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси (7.57) системанинг хусусий ҳоли бўлган

$$\left.\begin{array}{l} y_1' = a_{11}(x)y_1 + a_{21}(x)y_2 + \dots + a_{n1}(x)y_n + f_1(x), \\ y_2' = a_{21}(x)y_1 + a_{22}(x)y_2 + \dots + a_{n2}(x)y_n + f_2(x). \\ \dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots \\ y_n' = a_{n1}(x)y_1 + a_{n2}(x)y_2 + \dots + a_{nn}(x)y_n + f_n(x) \end{array}\right\} \qquad (7.59)$$

кўринишдаги *чизиқли дифференциал тенгламалар системаси* учун ҳам ўринли, бунда $a_{ij}(x)$, $f_i(x)$ $(i, j = \overline{1, n})$ функциялар бирор $(a;b)$ интервалда узлуксиз деб олинади. Агар ҳамма $f_i(x) \equiv 0$ бўлса, у ҳолда (7.59) система *бир жинсли*, акс ҳолда *бир жинсли бўлмаган* система дейилади. Агар $a_{ij}(x) = \text{const}$ бўлса, у ҳолда (7.59) система *ўзгармас коэффициентли система* дейилади. Бундай системаларни интеграллаш усуллари мавжуд. Улардан иккитасини кўрамиз.

1-усул. (7.59) системада $a_{ij}(x) = \text{const}$ бўлсин. Бу системанинг ушбу

$$\begin{vmatrix} a_{11}-\lambda & a_{12} & \dots & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22}-\lambda & \dots & a_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ a_{n1} & a_{n2} & \dots & a_{nn}-\lambda \end{vmatrix} = 0 \qquad (7.60)$$

характеристик тенгламасини тузамиз. (7.60) тенглик λ га нисбатан n-даражали алгебраик тенгламадан иборат бўлиб, у n та илдизга эга бўлади. Қуйидаги ҳоллардан бири бўлиши мумкин.

1. (7.60) характеристик тенгламанинг илдизлари ҳақиқий ва ҳар хил. Уларни $\lambda_1, \lambda_2, \dots, \lambda_n$ билан белгилаймиз. Маълумки, ҳар бир λ_i $(i = \overline{1,n})$ илдиз учун унга мос

$$y_1^{(i)} = \alpha_1^{(i)} e^{\lambda_i x},\ y_2^{(i)} = \alpha_2^{(i)} e^{\lambda_i x},\ \dots,\ y_n^{(i)} = \alpha_n^{(i)} e^{\lambda_i x} \qquad (7.61)$$

кўринишдаги хусусий ечимларга эга бўлади, бундаги $\alpha_1^{(i)}, \alpha_2^{(i)}, \dots, \alpha_n^{(i)}$ коэффициентлар

$$\left.\begin{aligned} &(a_{11}-\lambda_i)\alpha_1^{(i)} + a_{12}\alpha_2^{(i)} + \dots + a_{1n}\alpha_n^{(i)} = 0, \\ &a_{21}\alpha_1^{(i)} + (a_{22}-\lambda_i)\alpha_2^{(i)} + \dots + a_{2n}\alpha_n^{(i)} = 0, \\ &\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots \\ &a_{n1}\alpha_1^{(i)} + a_{n2}\alpha_2^{(i)} + \dots + (a_{nn}-\lambda_i)\alpha_n^{(i)} = 0 \end{aligned}\right\} \qquad (7.62)$$

чизиқли алгебраик тенгламалар системасидан аниқланади.

Ҳамма (7.61) кўринишдаги хусусий ечимлар фундаментал ечимлар системасини ташкил қилади.

(7.59) системада $a_{ij}(x) = \text{const}$, $f_i(x) \equiv 0$ бўлган ҳол учун бир жинсли системанинг умумий ечими (7.61) ечимларнинг чизиқли комбинациясидан иборат қуйидаги функциялар тўпламидан иборат бўлади:

$$I = \frac{E}{R}\left[1 - e^{-\frac{R}{L}(t-t_0)}\right], \quad t \geq t_0 .$$

I ни t нинг функцияси деб графигини ясанг. Бу ҳолда горизонтал асимптотанинг мавжудлигига қандай физикавий талқин бериш мумкин? R қаршилик катталиги ўзгарганда график кўриниши қандай ўзгаради? L ўзгарганда-чи? E ўзгарганда-чи?

Жавоб. Асимптотанинг мавжудлиги вақт ортиши билан ток ўзининг барқарорлашган $I_\infty = \frac{E}{R}$ қийматига яқинлаша бориб, деярли доимий (ўзгармас) бўлиб қолиши билан талқин қилинади. Занжирнинг I_∞ эса актив (омик) қаршилигидан аниқланади

2.11. f частотали бирор асбобнинг кўрсатишлари x ва $x + h$ оралиқларида ётади. Кичик h ларда бу частота қуйидагиларга тенг бўлади:

а) $f = \frac{1}{\sigma\sqrt{2\pi}} e^{-\frac{(x-m)^2}{2\sigma^2}} \cdot h$ Гausснинг нормал қонуни (параметрлари m, σ бўлган);

б) $f = \frac{h}{\pi\left[1+(x-m)^2\right]}$ (Коши қонуни).

f ни x нинг функцияси деб графигини ясанг. Бу ҳолларда асбобларнинг энг тез-тез учрайдиган кўрсатишлари қандай? m параметрнинг қийматлари ўзгарганда графикларнинг кўриниши қандай ўзгаради?

2.12. Сўнувчи $I(t) = I_0 e^{-kt}\cos(\omega t + \varphi)$ (ω — частота, φ — бошланғич фаза, k — сўниш декременти) токнинг графигини ясанг. Токнинг сўнишини $|I(t)| \le 0,05 I_0$ ҳолда амалий жиҳатдан рўй берган деб, $k = 1$, $\omega = 2, \varphi = \frac{\pi}{4}$ ҳол учун T нинг қайси қийматидан бошлаб тақрибан сўниш рўй беришини баҳоланг.

Ечиш. $e^{-T} \le 0,05$ дан: $T \ge \ln 20 \approx 3$. Амалий жиҳатдан $T = 3$ деб олиш мумкин.

2.13. Актив қаршилик бўлмаган занжир манбадан қабул қилгичга бериладиган қувват максимуми (вақт бўйича)

$$W = \frac{E^2}{2z_0\left[1+\cos(\varphi-\varphi_0)\right]}$$

ифода билан аниқланади, бу ерда $E, z_0, \varphi, \varphi_0$ — занжирнинг турли характеристикалари (E – ЭЮК; z_0 — бу ҳолда манба қаршилиги; φ ва φ_0 — мос ҳолда манба ва нагрузка қаршиликларининг аргументлари).

W ни φ нинг функцияси деб графигини ясанг.

Нагрузка ва манба қаршиликлари аргументлари тенг бўлганда бериладиган қувват максимуми энг кичик бўлишини кўрсатинг. Бу аргументлар орасида қандай муносабат бўлганда бу максимум энг катта бўлади?

Бу натижалар қандай талқин этилади?

Кўрсатма. $W(\varphi_{\max}) = W_{\max} = \infty$, бу ерда $\varphi_{\max} - \varphi_0 = \pi$. Ҳар иккала хулоса ($W_{\min}$ ва $W_{\max}$ га нисбатан) актив (омик) қаршилик йўқ деган фараз орқали тушунтирилади. Масалан, бу ҳолда (манба ва нагрузка қаршиликларининг аргументлари тенглигини ҳисобга олиб) бўлганда (қаршиликлар қарама-қарши фазада бўлганда) занжирнинг умумий қаршилиги 0 га тенг бўлади, берилаётган қувват чексиз бўлади.

2.14. Бирор (Ван-дер-Поль системасида) механик система тебранишларининг амплитудаси ўзгариш қонуни қуйидагича ифодаланади:

$$\rho = \frac{2}{\sqrt{1+Ce^{-\mu t}}},$$

бу ерда C — бошланғич шартларга боғлиқ бўлган ўзгармас; μ — система параметри. ρ ни t нинг функцияси деб графигини ясанг.

2.15. Стержен ўқи билан φ бурчак ташкил этувчи ва r масофада стержен йўналишдаги магнит майдонининг кучланганлиги $H = \frac{ml}{\mu r^3}\sqrt{1+3\cos^2\varphi}$ га тенг, бу ерда

m — магнит массаси;

l — стерженнинг узунлиги ($l< r$);

μ — муҳитнинг магнит сингдирувчанлиги.

H ни φ нинг $\left(-\frac{\pi}{2} \le \varphi \le \frac{\pi}{2}\right)$ функцияси деб графигини ясанг.

2.16. Адиабатик жараёнда газнинг p босими ва T температураси орасидаги боғланиш $\rho T^{\frac{\chi}{1-\chi}} = C(= \text{const})$ тенглик билан берилади, бу ерда $\chi > 1$ — адиабата кўрсаткичи.

ρ ни T нинг функцияси деб графигини ясанг. $\chi > 1$ нинг турли қийматларига мос келувчи графиклар ўзаро қандай жойлашган?

2.17. Ўзгарувчан ток занжиридаги ток ва кучланиш орасидаги фаза сурилиши қуйидаги тенглик билан аниқланади:

$$\operatorname{tg}\varphi = \frac{\omega L - \frac{1}{\omega C}}{R},$$

бу ерда R — занжирнинг актив (омик) қаршилиги; L — индуктивлик; C — сиғим, ω — бурчак частотаси.

φ ни:

а) L нинг функцияси деб;

в) C нинг функцияси деб;

с) ω нинг функцияси деб графигини ясанг.

Учала функциянинг монотонлигини изоҳлаб беринг.

2.18. Синус-кучланиш ўзгартиргичининг (киришдаги кучланиш u бўлганда чиқишда $V = \sin u$ кучланиш ҳосил қилади) киришига 2π даврга эга бўлган даврий кучланиш



76-*чизма.*

берилган. Бу кучланиш $-\pi \leq t \leq \pi$ да $u(t) = t^2$ га тенг. V ни t нинг функцияси деб графигини ясанг.

2.19. Косинус-кучланиш ўзгартиргичининг ($V = \cos u$) киришига $u = 0{,}5\sin(2t + 1)$ кучланиш берилган. Чиқиш кучланиши $V = V(t)$ нинг графигини ясанг.

2.20. Ўзгартиргич-квадратор ($V = 2u^2$) киришига $u = 2(1 - e^{-t})$ кучланиш берилган. $V(t)$ нинг графигини ясанг.

2.21. Агар $F(u)$ ва $f(t)$ функциялар 76-чизмадаги графиклар билан берилган бўлса, у ҳолда кучланиш ўзгартиргичнинг ($V = F(u)$) киришига $u = f(t)$ кучланиш берилганда унинг чиқишдаги кучланиш графигини ясанг.

3. Лимитлар

3.1. 77-чизмадаги учта чизма тасвирланган занжир (r_1, r_2 ва ҳ.к. қаршиликлардан тузилган занжир) нинг умумий қаршилиги R ни топинг.

R нинг қиймати:

а) r_2 қаршилик чексиз кичиклашганда;

б) r_2 қаршилик чексиз катталашганда нимага интилишини топинг.

Жавобларни физик жиҳатдан аниқ бўлган хулосалар билан таққосланг.



77-чизма.

Ечиш.

1) $\frac{1}{r_1}+\frac{1}{r_2}=\frac{1}{R}$, бу ердан $R=\frac{r_1r_2}{r_1+r_2}$; а) 0; б) r_1 (2.4-масала билан таққосланг);

2) $\frac{1}{r_1+r_2}+\frac{1}{r_3}=\frac{1}{R}$, бу ердан $R=\frac{(r_1+r_2)r_3}{r_1+r_2+r_3}$; а) $\frac{r_1r_3}{r_1+r_2}$; б) r_3;

3) $\frac{r_1r_3}{r_1+r_2}+r_3=R$; а) r_3; б) r_1+r_3.

3.2. Массаси m га тенг моддий нуқта иккита қарама-қарши йўналган ўзгарувчан $F_1=k\sqrt{4+t^2}$ ва $F_2=k\sqrt{1+t^2}$ кучлар таъсирида ҳаракат қилади. Вақт ўзгариши билан ҳаракат текис ҳаракатга яқин бўла боришини, яъни бу нуқтанинг тезланиши нолга чексиз яқинлашиб боришини исбот қилинг.

Ечиш.

$$\lim_{t\to+x}\frac{|F_1-F_2|}{m}=\lim_{t\to+x}\frac{k\sqrt{4+t^2}-k\sqrt{1+t^2}}{m}=\lim_{t\to+x}\frac{3}{\sqrt{4+t^2}+\sqrt{1+t^2}}=0.$$

3.3. Трубинанинг ишчи ғилдираклари ҳаракати $\ln y=-k^2x^2+\ln y_0$ тенглама билан ифодаланади, бу ерда y — айланиш ўқидан x масофада ғилдирак қалинлиги; $x=0$ да $y=y_0$.

$\lim\limits_{x\to\infty}\frac{y}{y_0}$ ни топинг.

Ечиш. $\ln y = -k^2x^2 + \ln y_0$ дан:

$$\frac{y}{y_0} = e^{-k^2x^2} \text{ ва } \lim_{x\to\infty}\frac{y}{y_0} = 0 .$$

3.4. Ярим чексиз ($0 \le x < +\infty$) қувур бўйлаб газ концентрацияси (зичлиги) нинг вақт ўтиши билан ($0 < t < +\infty$) тақсимланиши (бунда вақтнинг бошланғич ($t = 0$) пайтида бутун газ массаси M қувур қирқими (кесим юзининг бирлиги) $x = 0$ да тўпланган бўлса)

$$c(x,t) = \frac{M}{\sqrt{\pi D t}}\, e^{-\frac{x^2}{4Dt}}$$

кўринишда бўлади, бу ерда x — қирқимгача масофа; D — диффузия коэффициенти.

Қуйидаги ҳолларнинг ҳар бирида бу концентрация қандай қийматга яқинлашишини топинг:

а) t вақтнинг жуда кичик ва чексиз ўсган қийматларида қувурнинг исталган нуқтасида;

б) $x \to \infty$ да вақтнинг исталган пайтида. Олинган натижаларни тушунтириб беринг;

Жавоб: а) $\lim_{t\to\infty} c(x,t) = 0$; $\lim_{t\to+0} c(x,t) = \begin{cases} 0, & x \ne 0, \\ \infty, & x = 0. \end{cases}$

Биринчи тенглик газ қувур бўйлаб тарқалгани сабабли концентрация пасайишини билдиради; иккинчиси — бошланғич пайтда қувурнинг кесилган қирқим (торец) жойида газ йўқлигини билдиради; $c(0,+0) = \infty$ тенглик $x = 0$ қирқимда жойлашганда «нуқтавий» M массаси борлиги тўғрисидаги фаразга мос келади.

б) $\lim_{x\to\infty} c(x,t) = 0$ $(t \ne 0)$ вақтнинг исталган пайтида узоқлашган сари газ концентрацияси камайиб боришини билдиради.

3.5. Бирор кимёвий жараён шундай ўтаётган бўлсинки, бунда оралиқлар кетма-кетлиги $[i\tau, (i+1)\tau]$, $i = 0, 1, 2, \ldots$ даги ҳар қайси τ вақт оралиғи давомида модда кўпайиш миқдори (кичик τ ларда) бу оралиқ бошида бўлган модда миқдорига ва оралиқ катталигига пропорционал бўлсин. Вақтнинг бошланғич пайтида модда миқдори Q_0 бўлсин деб фараз қилиб, t вақт (оралиғи) ўтгандан сўнг модда миқдори $Q_1^{(n)}$ ни топинг, бунда модда миқдори ўсиши t вақт оралиғининг ҳар бир n-қисмида $\tau = \frac{t}{n}$ содир бўлади деб олинг. $Q = \lim\limits_{n\to\infty} Q_t^{(n)}$ ни топинг.

Ечиш. $T = \tau$ да: $Q_1 = Q_0 + kQ_0\tau = Q_0(1 + k\tau) = Q_0\left(1 + \frac{kt}{n}\right)$, бу ерда k — пропорционаллик коэффициенти.

Худди шундай, $T = 2\tau$ да: $Q_2 = Q_1\left(1 + \frac{kt}{n}\right) = Q_0\left(1 + \frac{kt}{n}\right)^2$; $T = 3\tau$ да: $Q_3 = Q_2\left(1 + \frac{kt}{n}\right) = Q_0\left(1 + \frac{kt}{n}\right)^3$ ва ҳ.к.

$T = n\tau = t$ да: $Q_n = Q_{n-1}\left(1 + \frac{kt}{n}\right) = Q_0\left(1 + \frac{kt}{n}\right)^n$;

$\lim\limits_{n\to\infty} Q_n(t) = \lim\limits_{n\to\infty} Q_0\left(1 + \frac{kt}{n}\right)^n = Q_0e^{kt}$ — моддалар кўпайиши қонунига эга бўлдик.

3.6. Мамлакат аҳолисининг сони йилига 2% ўсади. 100 йил ичида у тахминан неча баравар ўсади. Жавобни 0,01 гача аниқликда ҳисобланг.

Ечиш. Агар мазкур мамлакатдаги дастлабки жами аҳоли сонини A деб белгиласак, у бир йилдан кейин $A + (A/100) \cdot 2 = (1 + 1/50) \cdot A$ га тенг бўлади. Икки йилдан кейин $A(1 + 1/50)^2$ га тенг бўлади. 100 йилдан сўнг эса $A(1 + 1/50)^{100}$ дан иборат бўлади, яъни $\left[(1 + 1/50)^{50}\right]^2$ марта ўсади. Агар $\lim\limits_{n\to\infty}\left(1 + \frac{1}{n}\right)^n = e$ эканини ҳисобга олсак, $(1 + 1/50)^{50} = e = 2{,}72$ деб ёзишимиз мумкин. Демак, мамлакат аҳолиси 100 йил ичида тахминан $e^2 = 7{,}39$ марта ўсади.

3.7. Ўзгармас ЭЮК E, индуктивлик L ва R қаршиликдан иборат занжирда токнинг ўзгариш қонуни занжир уланганда қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$I = I_0e^{-\frac{R}{L}t} - \frac{E}{R}\left(1 - e^{-\frac{R}{L}t}\right),$$

бу ерда I_0 — вақтнинг $t = 0$ бошланғич пайтдаги ток кучи;

а) вақт ортиши билан бу ток қандай барқарор қийматга яқинлашишини топинг;

б) $I_0 = 0$ бўлсин. Индуктивлик катта ($L > RT$) бўлганда $0 \leq t \leq T$ вақт оралиғида ток нимага тенг?

Олинган натижаларни изоҳлаб беринг.

Кўрсатма. $0 \le t \le T$ да, яъни индуктивлик катта бўлганда (ёки кичик T ларда) ток тақрибан чизиқлидир.

Жавоб.

а) $\lim\limits_{t\to+\infty} I(t) = \frac{E}{R}$; б) $I(t) \sim \frac{E}{R}\left(+\frac{R}{L}t\right) = \frac{E}{L}t$.



78-чизма.

3.8. Топографияда r радиусли айлана ёйи ABC нинг $f = |BD|$ қаноти (сегмент баландлиги) узунлигининг бу ёйнинг ярмиси AB_1B нинг қаноти $f_1 = |B_1D_1|$ га нисбатини топиш зарурати туғилади (78-чизма). Агар марказий бурчак AOB жуда кичик бўлса, бу нисбатнинг тақрибий қийматини топинг.

Ечиш.

$$f = |BD| = |BO| - |DO| = r - r\cos\frac{\alpha}{2} = r\left(1 - \cos\frac{\alpha}{2}\right) \sim r\frac{\alpha^2}{8} ;$$

$$f_1 = |B_1D_1| = |B_1O| - |D_1O_1| = r - r\cos\frac{\alpha}{4} = r\left(1 - \cos\frac{\alpha}{4}\right) \sim r\frac{\alpha^2}{32} ;$$

$$\lim_{\alpha\to0}\frac{f_1}{f} = \frac{r\frac{\alpha^2}{32}}{r\frac{\alpha^2}{8}} = \frac{1}{4} .$$

3.9. Ёруғликнинг синдириш коэффициенти n_1 бўлган муҳитдан синдириш коэффициенти n_2 бўлган муҳитга нормал (яъни иккита муҳит чегарасига тик) тушишда ёруғликнинг синиш коэффициенти (яъни қайтган ёруғлик интенсивлиги I_r нинг тушувчи ёруғлик интенсивлиги I_0 га нисбати) қуйидагига тенг:

$$r = \frac{I_r}{I_0} = \left(\frac{n_1 - n_2}{n_1 + n_2}\right)^2 .$$

Ушбу

а) $n_1 \approx n_2$,

б) $n_2 < n_1$ ҳоллар учун синиш коэффициенти r учун тақрибий формулаларни топинг.

Ечиш. а) $r \approx \frac{1}{4n_1^2}\left(n_1 - n_2\right)^2$;

$$б)\ r = \left(\frac{1-\frac{n_2}{n_1}}{1+\frac{n_2}{n_1}}\right)^2 = \left(1 - \frac{n_2}{n_1}\right)^2\left(1 + \frac{n_2}{n_1}\right)^{-2} \approx$$

$$\approx \left(1 - \frac{2n_2}{n_1}\right)\left(1 - \frac{2n_2}{n_1}\right) \approx 1 - \frac{4n_2}{n_1}.$$

3.10. Индуктивлиги L, конденсатор сиғими C ва қаршилиги R бўлган тебраниш контурида заряд тебранишларининг бошланғич амплитудаси (конденсатор қатламларидаги заряд ўзгаришининг $Q = Q(t)$ функцияси)

$$A_0 = \frac{Q_0}{\sqrt{1-R^2C/4L}}$$

га тенг, бу ерда $Q_0 = Q(0)$ – конденсатор қатламларидаги бошланғич заряд

Индуктивлик жуда катта ($L > CR^2$) бўлганда A_0 нинг тақрибий қийматини топинг.

Жавоб: $A_0 \approx Q_0 + \frac{Q_0R^2C}{8L}$.

3.11. Етарлича узунликка эга l узунликдаги коксиал кабел индуктивлиги

$$L = \frac{\mu_0\mu}{2\pi} l \ln\frac{R_2}{R_1}$$

га тенг (СИ ўлчов бирликларида), бу ерда R_1 ва R_2 — ички ва ташқи цилиндрлар радиуслари,

μ_0 — магнит доимийси;

μ — муҳитнинг нисбий магнит сингдирувчанлиги.

Юпқа қатлам, яъни $R_2 \approx R_1$ бўлган ҳол учун L нинг тақрибий (чизиқлаштирилган) қийматини топинг.

Ечиш.

$$L = \frac{\mu_0\mu}{2\pi} l \ln\left(1 + \frac{R_2 - R_1}{R_1}\right) \sim \frac{\mu_0\mu}{2\pi} \cdot \frac{l(R_2 - R_1)}{R_1}.$$

3.12. Антенналар назариясида қуйидаги боғланиш (муносабат) учрайди:

$$L = L_0 \frac{\mathrm{tg}(\pi l/\lambda)}{2\pi l/\lambda},$$

бу ерда L — тўлқинни узайтиришда антеннанинг динамик ўзиндукцияси;

L_0 — статик ўзиндукция;

l — антеннанинг иш берувчи узунлиги;

λ — антеннанинг тўлқин узунлиги.

Тўлқин узунлиги λ ортиши билан L ўзиндукция нимага яқинлашишини (интилишини) топинг.

Жавоб: $\lim\limits_{\lambda\to\infty} L = \frac{L_0}{2}$.

3.13. Бошқариш системасининг силжиб турадиган бажарувчи элементи тезланиши $a = k\frac{f(I_1)}{g(I_2)}$ га тенг, бу ерда I_1— бу системадаги иккита ғалтакдан биринчисидаги, I_2 — иккинчисидаги ток;

$f(I)$, $g(I)$ — берилган системани характерловчи функциялар. Қуйидаги ҳолларда $t = \tau_1, t = \tau_2$ моментлар учун a тезланишнинг қийматини топинг ($k = 1$ деб олинг):

а) $f(I) = 2I$, $g(I) = I$, $I_1 = \sin t$, $I_2 = 2t - 2$, $\tau_1 = 0$, $t_2 = 1$;

б) $f(I) = I^2$, $g(I) = 1 + I$, $I_1 = \sin t$, $I_2 = -\cos t$, $\tau_1 = 0$, $\tau_2 = \frac{\pi}{2}$;

в) $f(I) = I^3$, $g(I) = I$, $I^{\prime}=t^2 - t$, $I_2 = 4\mathrm{tg}(t-1) - 4\sin(t-1)$, $\tau = 1$;

г) $f(I) = \sqrt[5]{1+I} - 1$, $g(I) = \sqrt[3]{1+I} - 1$, $I_1 = 2\sin\pi t$, $I_2 = \sin\pi t$, $\tau = 1$;

д) $f(I) = 2I$, $g(I) = \ln I$, $I_1 = 0,5(e^{2t} - 1)$, $I_2 = 1 + \sin t$, $\tau = 0$;

Кўрсатма.

а) $a(t) = \frac{f(I_1(t))}{g(I_2(t))}$ функция $t = \tau_1$ узлуксиз бўлгани учун:

$$a(\tau_1) = \frac{f(I_1(\tau_1))}{g(I_2(\tau_1))} = \frac{(2\sin\pi t)_{t=0}}{2(t-1)_{t=0}} = 0,$$

$$a(\tau_2) = \lim_{t\to\tau} \frac{f(I_1)}{g(I_2)} = \lim_{t\to 1} \frac{(2\sin\pi t)}{2(t-1)} = -\pi;$$

б) 2,1; в) 0,5; г) 1,2; д) 2.

3.14. Лампали генераторлар назариясида генераторнинг ФИК токнинг “кертиш бурчаги» θ орқали қуйидаги формула билан ифодаланиши исбот қилинган:

$$\eta = \frac{2\theta - \sin 2\theta}{4(\sin\theta - \theta\cos\theta)} \cdot \xi,$$

бу ерда ξ — кучланишларда фойдаланиладиган коэффициент.

«Кертиш бурчаги» чексиз камайганда генераторнинг ФИК кучланишлардан фойдаланиш коэффициентига яқинлашишини кўрсатинг.

Ечиш. Лопиталь қоидасидан фойдаланамиз:

$$\lim_{\theta\to 0} \eta = \lim_{\theta\to 0} \frac{2\theta - \sin 2\theta}{4(\sin\theta - \theta\cos\theta)} \cdot \xi = \lim_{\theta\to 0} \frac{2}{4(\cos\theta - \cos\theta + \theta\sin\theta)} \cdot \xi =$$

$$= \lim_{\theta\to 0} \frac{4\sin^2\theta}{4\theta\sin\theta} \cdot \xi = \lim_{\theta\to 0} \frac{\sin\theta}{\theta} \cdot \xi = \lim_{\theta\to 0} \frac{\cos\theta}{1} \cdot \xi = \xi.$$

Бу натижани, шунингдек, Тейлор формуласидан фойдаланиб топиш ҳам мумкин.

3.15. Қуйидаги $I(t)$ токнинг $t \geq 0$ ҳолларда барқарорлашган *қийматини (яъни, вақт ўтиши билан ток чексиз* яқинлашиб келадиган қийматни) топинг:

а) $I(t) = 2 + 0,5 \cdot e^{-2t}(\cos 3t - 2\sin 3t)$;

б) $I(t) = I_0 \frac{t^2+2t+1}{2t^2+t+4}$; в) $I(t) = I_0 \frac{2t+\sin t}{4t-\sin t}$;

г) $I(t) = 3t\left(\sqrt{t^2+1} - t\right)$; д) $I(t) = I_0 \frac{\sqrt{1+\frac{1}{t}}-1}{\sqrt[3]{1+\frac{1}{t}}-1}$;

е) $I(t) = I_0 t\left(e^{\frac{1}{t}} - 1\right)$; ж) $I(t) = I_0 \ln\frac{t+2}{t+1}$.

Жавоб. а) 2; б) $0,5I_0$; в) $0,5I_0$; г) 1,5; д) $1,5I_0$; е) 1; ж) I_0.

3.16. Электрон лампа (триод)га иккита: мусбат ишорали $u_1(t)$ ва манфий ишорали $u_2(t)$ кучланиш берилади. Қуйидаги ҳолларнинг ҳар бирида вақт ўтиши билан лампанинг очилиши рўй беришида, яъни ишора «минусдан» «плюс»га ўзгарганда триод ток ўтказа бошлашини кўрсатинг:

а) $u_1(t) = u_1^{\circ} e^t, \; u_2(t) = u_2^{\circ}(1 + \alpha t^2); \; \alpha > 0$;

б) $u_1(t) = u_1^{\circ} t^2, \; u_2(t) = u_2^{\circ} \ln(\alpha + t); \; \alpha > 0$;

в) $u_1(t) = u_1^{\circ} e^{\alpha t}, \; \alpha > 0; \; u_2(t) = u_2^{\circ}\left[1 + \beta t \ln(1 + t^2)\right], \; \beta > 0$.

Кўрсатма. $\frac{u_2(t)}{u_1(t)}$ нисбатнинг $t \to \infty$ даги лимитига Лопиталь қоидасини татбиқ қилинг.

3.17. Шакллари доиравий стерженлар ва ҳалқалардан иборат жисмларнинг букилма деформацияларини таҳлил қилишда татбиқ қилинадиган қуйидаги лимитларни топинг:

а) $\lim\limits_{\varphi \to 0} \frac{\varphi - \sin\varphi}{1 - \cos\varphi}$; б) $\lim\limits_{\varphi \to 0} \frac{\frac{1}{2}\sin\varphi - \frac{1}{2}\varphi\cos\varphi}{\varphi - \sin\varphi}$;

в) $\lim\limits_{\alpha \to 0} \frac{\sin\alpha - \alpha\cos\alpha}{4(1 - \cos\alpha)}$; г) $\lim\limits_{\alpha \to 0} \frac{2\alpha - \alpha\cos\alpha - \sin\alpha}{4(\alpha - \sin\alpha)}$;

д) $\lim\limits_{\alpha \to 0} \frac{\frac{\alpha}{4} + \frac{\sin\alpha}{4} - \frac{2}{\alpha}\sin^2\frac{\alpha}{2}}{2\sin^2(\alpha/2)}$.

Кўрсатма. Лопиталь қоидаси ёки Тейлор формуласидан фойдаланинг.

Жавоб. а) 0; б) 1; в) 0; г) 1; д) 0.

4. Функция узлуксизлиги

4.1. а) Агар u кучланиш тушишини (пасайишини) бирор (кичик) ε миқдор аниқлигида ҳисоблаш керак бўлса, ўтказгичдаги электр токи I ни (бу ўтказгичнинг маълум қаршилиги R маълум бўлганда) улчашда қандай хатога йўл қўйиш мумкин? I ни ҳисоблашнинг етарлича юқори аниқликда ҳисоблашга эришиш мумкинлиги тўғрими?

Агар $R = 2$ (ом) қаршилик ва u_0 нинг аниқ қиймати 4(в) га тенглиги маълум бўлса, у ҳолда u кучланиш тушишини ўлчашдаги хатолик ±0,2 (в) дан ошмаган ҳолда I токни ўлчашдаги хато қандай бўлиши мумкинлигини аниқланг.

б) Юқоридаги саволларга $P = I^2 R$ қувватни ±0,4 (вт) хатоликка йўл қўйиш билан. ўлчаш ҳоли учун жавоб беринг.

Кўрсатма.

а) $|IR - I_0 R| < \varepsilon_R$ (бу ерда $I_0 = \frac{u_0}{R} = 2$ (a)) шартдан $|I - I_0| < \frac{\varepsilon}{R} \equiv \delta$ ни келтириб чиқарамиз. Шундай қилиб, I

ни δ хатолик билан ўлчашда u ни ўлчашдаги хато ε дан катта бўлмайди.

Хусусан, $\varepsilon = 0{,}2$ (в) да $\delta = 0{,}1$ (a), яъни $I \in (1{,}9;\ 2{,}1)$ (a) бўлади.

б) $\delta = \sqrt{I_0^2 + \frac{\varepsilon}{R}} - I_0 \leq \frac{\varepsilon}{2I_0R}$ бўлгани учун $\frac{0{,}4(вт)}{2\cdot 2(a)\cdot 1Ом} = 0{,}1(в)$ токни ўлчашдаги аниқлик 0,4 (вт) дан ортмайди.

4.2. Юзи $S = 100$ см^2 бўлган квадрат металл пластинка ясаш талаб қилинади. Пластинка юзи унинг лойиҳадаги юзидан йўл қўйиладиган четланишга эга бўлса, у ҳолда унинг бир хил бўлган узунликдаги томонларига (пластинка юзи учун четланишни сақлайдиган) четланишлар кўрсатиш мумкинлиги тўғрими? Агар пластинка юзига четланишлар: а) ±1 см^2; б) ±0,1 см^2; в) ±0,01 см^2 бўлса, у ҳолда пластинка томонига қўйилган четланишлар қандай?

Жавоб: а) 0,05 см; б) 0,005 см; в) 0,0005 см.

4.3. Юқорида — 2.2; 2.3; 2.4; 2.6-масалаларда қаралган функцияларда аргументларнинг кичик ўзгаришларига бу функциялар қийматларининг кичик ўзгаришлари мос келишини исбот қилинг. Кўрсатилган масалалардаги функцияларнинг бу хоссасининг физикавий талқини қандай?

4.4. 2.7; 2.8; 2.11; 2.17; 2.18-масалаларда қаралган функциялар узлуксизми? Элементар функцияларнинг узлуксизлигини маълум деб ҳисоблаймиз. Бу ҳолларда узлуксизликнинг физикавий талқини қандай?

4.5. 2.13-масаладаги $W(\varphi)$ функция $[\varphi_0;\ \varphi_0 + 2\pi]$ оралиқда чегараланганми? Узлуксизми? Мазкур ҳолда бу хоссалар ўртасидаги боғланишнинг физикавий талқини қандай?

4.6. Конденсаторга диэлектрик киритилади. Конденсаторнинг диэлектриксиз сиғими C_0 га тенглиги маълум, диэлектрик тўлиқ каратилгандан сўнг эса сиғими $C_1 (C_1 > C_0)$ га тенг бўлади. Диэлектрикнинг маълум қисми киритилганда конденсаторнинг сиғими $C^* = \frac{C_0 + C_1}{2}$ га тенг бўлишини кўрсатинг.

4.7. Товуш сигнали эфирга Ω_0 элтувчи частота билан тарқатилади, бунда Ω_0 частота ω_0 дан ω_1 гача бўлган диапазонда жойлашиши маълум. Вақт ўтиши билан приёмник частотаси ω қандай ўзгарганда (яъни созлаш қандай бўлганда) узатувчининг частотасини (яъни сигнал) сезиб қолинади?

Жавоб. $\omega = \omega(t)$ функциянинг узлуксизлиги талаб қилинади, бу ерда $t \in [t_0, t_1]$, $\omega(t_0) = \omega_0$, $\omega(t_1) = \omega_1$ (ёки $\omega(t') = \omega_0$, $\omega(t'') = \omega_1$, бу ерда $t', t'' \in [t_0, t_1]$).

4.8. 2.21-масалада қаралган $V(t)$ кучланишни улашлар маълум вақт оралиғида $V(t_1) = 2$ (в), $V(t_2) = 10$ (в) натижаларни берган бўлсин. Кучланишнинг бу вақт оралиғидаги қийматлари тўғрисида нима дейиш мумкин?

Жавоб. Кучланишнинг оралиқ қийматлари 2 (в) дан 10 (в) гача бўлган барча қийматлардан иборат бўлади.

4.9. *Тарқатувчи антеннанинг йўналтирилганлик диаграмма характеристикаси, яъни антенна тарқатаётган сигнал ўзгармас бўлган чизиқ* $r = \dfrac{\cos\left(\frac{\pi}{2}\sin\varphi\right)}{\cos\varphi}$, $-\frac{\pi}{2} \le \varphi \le \frac{\pi}{2}$ *тенглик билан берилади.* φ *аргумент* $\pm\frac{\pi}{2}$ *га яқинлашганда* r нинг қиймати чексиз камайиб кетади, яъни диаграмма нуқта орқали ўтади. Чизиқнинг чексиз кичик функция эканлигини аниқланг.

Ечиш.
$$\lim_{\varphi = \pm\frac{\pi}{2}} r(\varphi) = \lim_{\alpha \to 0} \frac{\cos\left(\frac{\pi}{2}\cos\alpha\right)}{\sin\alpha} = \lim_{\alpha \to 0} \frac{\sin\left[\frac{\pi}{2}(1-\cos\alpha)\right]}{\alpha} =$$
$$= \lim_{\alpha \to 0} \frac{\frac{\pi}{2}(1-\cos\alpha)}{\alpha} = \lim_{\alpha \to 0} \frac{\frac{\pi}{2}\frac{\alpha^2}{2}}{\alpha} = 0.$$

Бу натижани Лопиталь қоидасидан фойдаланиб топиш ҳам мумкин.

4.10. Эҳтимоллар назариясида ушбу «логарифмик нормал қонун» қаралади:

$$f(x) = \begin{cases} \dfrac{1}{x\sigma\sqrt{2\pi}} e^{-\frac{1}{2\sigma^2}(\ln x - m)^2}, & x > 0, \\ 0, & x \le 0. \end{cases}$$

$y = f(x)$ эгри чизиқ узлуксиз эканини кўрсатинг, унинг графигини ясанг.

Кўрсатма. *$f(x)$ функция учун $t = \ln(x)$ алмаштириш* бажариш ёрдамида $\lim\limits_{x \to +0} f(x) = \lim\limits_{t \to -\infty} \dfrac{1}{\sigma\sqrt{2\pi}} e^{-t - \frac{1}{2\sigma^2}(t-m)^2} = +0$ га



79-чизма.

эга бўламиз ва худди шундай алмаштириш ёрдамида $\lim\limits_{x\to+\infty} f(x) = +0$ ни топиш мумкин.

4.11. Юқорида 2.1-масалада қаралган осциллограммаларнинг $u(t)$ кучланишларининг сакраш нуқталари (t^*) ва кучланиш сакраши қиймати ($h = u(t^* + 0) - u(t^*-0)$) ни топинг.

4.12. Агар K калит τ пайтда (бунда $0 < \tau < T$) уланса, у ҳолда занжирдаги ўзгармас u_0 кучланиш остида бўлган $I(t)$ (бунда $0 \le \tau \le T$) ток графигини ясанг (79-чизмага қаранг).

Узилиш нуқталари t^* ва сакраш катталиги h ни аниқлаб, $I(t)$ функциянинг узлуксизлигини текширинг.

Жавоб.

$$I(t)=\begin{cases}\dfrac{u_0}{r_1}, & t\in[0,\tau];\\[2mm] \dfrac{u_0}{r_1+r_2}, & t\in[\tau,T].\end{cases}$$

$$t^*=\tau,\quad h=\frac{u_0r_2}{r_1(r_1+r_2)}.$$

4.13. Қуйидаги ҳолларда $u(t)$ ($t>0$) кучланиш узлуксиз ўзгариб турадиган интервалларни кўрсатинг ва сакраш нуқталари (t^*) ҳамда сакраш катталиги (h) ни аниқланг:

а) $u(t)=u_0e^{-\alpha t}\sin(\omega t+\varphi)$; б) $u(t)=u_0\operatorname{arctg}\frac{1}{t}$;

в) $u(t)=u_0t\operatorname{arctg}\frac{1}{t}$; г) $u(t)=\dfrac{u_0}{1+e^{\frac{1}{t-1}}}$.

Жавоб. б) $t^*=0$, $h=\pi u_0$; г) $t^*=1$, $h=-u_0$.

4.14. $F(t)$ — юк ортиш чоғида темир йўл платформасига бўлган босим кучини тақрибан ифодаловчи функция бўлсин. Қуйидаги ҳолларда катта тош бўлагининг платформа юзи (поли)га урилиш моментлари t^* ни топинг а) $F(t) = F_0 \cdot (e^t - 1) + f_0 \cdot \eta(t - \tau)$, $0 \le t \le \tau$,

бу ерда $\eta(t) = \begin{cases} 1, & t \ge 0, \\ 0, & t < 0. \end{cases}$ — Хевисайднинг бирлик функцияси.

б) $F(t) = F_0 t + \dfrac{f_0}{\cos^2 \dfrac{\pi t}{T}}$, $0 \le t \le T$.

Жавоб. а) $t^* = \tau$; б) $t^* = \dfrac{T}{2}$.

5. *Ҳосила*

5.1. Тормозланиш пайтида маховик t сек давомида $\varphi = 3 + 8t - t^2$ бурчакка бурилади. 1) вақтнинг $t = 3$ сек моментида маховик айланишининг бурчак тезлигини топинг; 2) t моментдаги бурчак тезланишни топинг; 3) маховик тўхтайдиган вақт моменти t ни топинг.

Ечиш. 1) ω бурчак тезлик деб, φ бурчакнинг t вақт давомида ўзгариш тезлигига айтилади. Бурчак тезлик бурилиш бурчаги φ дан t вақт бўйича олинган ҳосилага тенг:

$$\omega = \frac{d\varphi}{dt} = 8 - 2t.$$

$t = 3$ сек да бурчак тезликни топамиз:

$$\omega_{t=3} = 8 - 2 \cdot 3 = 2 \text{ рад/сек}.$$

2) ε бурчак тезланиш ω бурчак тезликдан t вақт бўйича олинган ҳосилага тенг:

$$\varepsilon = \frac{d\omega}{dt} = -2 \text{ рад/сек}^2.$$

3) $\omega = 0$ деб, t ни топамиз:

$$8 - 2t = 0, \quad t = 4 \text{ сек}.$$

5.2. Жисм температураси T нинг t вақтга боғлиқ ҳолда ўзгариши $T = 0{,}2t^2$ тенглама билан берилган. Вақтнинг $t = 10$ сек моментида бу жисм қандай тезлик билан қизийди?

Ечиш. Жисм қиздирилганда унинг T температураси t вақтга боғлиқ ҳолда ўзгаради, яъни у t вақтнинг функциясидир: $T = f(t)$. Жисмнинг қизиш тезлиги T температуранинг t вақт бўйича ҳосиласи $\dfrac{dT}{dt}$ дан иборатдир:

$$\frac{dT}{dt}=0,4t; \qquad \left(\frac{dT}{dt}\right)_{t=10сек}=0,4\cdot 10=4.$$

Вақтнинг $t=10$ сек моментида жисм секундига тўрт градус тезлик билан қизийди.

5.3. Ток кучи I вақт t га боғлиқ ҳолда $I=0,4t^2$ (I амперларда, t секундларда) қонун бўйича ўзгаради. Саккизинчи секунд охирида ток кучи ўзгаришининг тезлигини топинг.

Ечиш. Ток кучи ўзгаришининг тезлиги I токдан t вақт бўйича олинган ҳосилага тенг:

$$\frac{dI}{dt}=0,8t; \qquad \left(\frac{dI}{dt}\right)_{t=8сек}=0,8\cdot 8=6,4 \quad A/\text{сек}.$$

5.4. I ток кучининг t вақтга боғлиқ ҳолда ўзгариши $I=2t^2-5t$ тенглама билан берилган (I ампер ҳисобида, t секунд ҳисобида). 10-сек охирида ток кучининг ўзгариш тезлигини топинг.

5.5. Тик юқорига отилган жисмнинг кўтарилиш баландлиги $S=\vartheta_0 t-4,9t^2$ тенгламадан топилади, бу ерда t — жисм s (метр ҳисобида) баландликка эришиши учун кетган вақт (секунд ҳисобида), ϑ_0 — бошланғич тезлик (м/сек). Агар $\vartheta_0=100$ м/сек бўлса, жисмнинг $t=5$ сек моментдаги тезлиги ва тезланишини топинг (ҳавонинг қаршилигини ҳисобга олманг). Неча секунддан сўнг жисм энг юқори нуқтага эришади ва бу ердан қанча масофада рўй беради?

Ечиш.

$$s=100t-4,9t^2; \quad v=\frac{ds}{dt}=100-9,8t;$$

$$v_{t=5}=100-9,8\cdot 5=51\,\text{м/сек}; \quad a=\frac{dv}{dt}=-9,8\,\text{м/сек}^2.$$

Жисм энг юқори нуқтага тезлиги нолга тенг бўлганда эришади, шунинг учун $v_0=0$ деб, s ни топамиз:

$$s=100\cdot 10,2-4,9(10,2)^2=510\,\text{м}.$$

5.6. Жисм ер сиртидан $v_0=50$ м/сек бошланғич тезлик билан юқорига тик отилган: 1) $t=3$ сек моментдаги кўтарилиш баландлигини; 2) $t=3$ сек моментдаги тезлик ва тезланишни; 3) жисм кўтарилган энг юқори нуқтани ва бу нуқтага кўтарилиш учун кетган вақтни топинг.

5.7. *R* радиусли доирага ички чизилган барча тўғри тўртбурчаклар ичидан энг катта юзга эга бўлганини топинг.

Ечиш. Доирага ички чизилган тўғри тўртбурчакнинг диагонали $2R$ га тенг; тўғри тўртбурчакнинг томонларидан бирини x билан белгилаймиз, у ҳолда иккинчи томон $2\sqrt{R^2-x^2}$ бўлади. Тўғри тўртбурчакнинг юзи ўзгарувчи миқдор ва уни y билан белгилаб,

$$y = x \cdot \sqrt{4R^2 - x^2}, \ (0 < x < R)$$

ни ҳосил қиламиз.

Бу функцияни биринчи тартибли ҳосила ёрдамида текширамиз:

$$1)\ y' = x'\sqrt{4R^2-x^2} + \left(\sqrt{4R^2-x^2}\right)' x = \sqrt{4R^2-x^2} -$$

$$-\frac{2x\cdot x}{2\sqrt{4R^2-x^2}} = \sqrt{4R^2-x^2} - \frac{x^2}{\sqrt{4R^2-x^2}} =$$

$$= \frac{4R^2-x^2-x^2}{\sqrt{4R^2-x^2}} = \frac{4R^2-2x^2}{\sqrt{4R^2-x^2}};$$

$$2)\ \frac{4R^2-x^2-x^2}{\sqrt{4R^2-x^2}} = 0, 4R^2 - 2x^2 = 0, x = R\sqrt{2};$$

$$3)\ y' = \frac{2\left(2R^2-x^2\right)}{\sqrt{4R^2-x^2}} = \frac{2\left(2R^2-x^2\right)\left(R\sqrt{2}+x\right)}{\sqrt{4R^2-x^2}};\ y'_{x<R\sqrt{2}} = (+)(+) = (+);$$

$$y'_{x<R\sqrt{2}} = (-)(+) = (-).$$

Ҳосила ишорасини (+) дан (−) га ўзгартиряпти, демак, функция $x = \frac{R}{\sqrt{2}}$ да максимумга эга.

Тўғри тўртбурчакнинг томонлари $x = R\sqrt{2}$ ва $\sqrt{4R2-\left(R\sqrt{2}\right)^2} = \sqrt{4R^2-2R^2} = \sqrt{2R^2} = R\sqrt{2}$ га тенг.

Тўғри тўртбурчакнинг томонлари тенг, демак, доирага ички чизилган тўғри тўртбурчаклар ичида юзи энг катта бўлгани квадратдир.

5.8. *R радиусли доирага ички чизилган барча тўғри* тўртбурчаклар ичидан энг катта периметрга эга бўлганини топинг.



80-чизма.

5.9. R радиусли ярим доирага энг катта юзга эга бўлган тўғри тўртбурчакни ички чизинг.

Ечиш. Тўғри тўртбурчакнинг томонларидан бирини x билан белгилаймиз (80-чизма). Иккинчи томонни x томон ва R радиус орқали Пифагор теоремасига кўра ифодалаймиз:

$$\sqrt{R^2-x^2}\ .$$

Томонлари x ва $2\sqrt{R^2-x^2}$ бўлган тўғри тўртбурчакнинг юзи ўзгарувчи миқдор; уни y билан белгилаб,

$$y = x\cdot 2\sqrt{R^2-x^2} = 2x\sqrt{R^2-x^2},\ (0 < x < R)$$

ни ҳосил қиламиз.

Бу функцияни биринчи тартибли ҳосила ёрдамида текширамиз:

$$1)\ \ y' = 2\left[x'\sqrt{R^2-x^2} + \left(\sqrt{R^2-x^2}\right)'x\right] =$$

$$= 2\left(\sqrt{R^2-x^2} + \frac{-2x\cdot x}{2\sqrt{R^2-x^2}}\right) = 2\left(\frac{R^2-x^2-x^2}{\sqrt{R^2-x^2}}\right) = \frac{2\left(R^2-2x^2\right)}{\sqrt{R^2-x^2}};$$

$$2)\ \ y' = \frac{2\left(R^2-x^2\right)}{\sqrt{R^2-x^2}} = 0, \qquad R_2 - 2x^2 = 0;\ x = \frac{R}{\sqrt{2}};$$

$$3)\ \ y' = \frac{4\left(\frac{R^2}{2}-x^2\right)}{\sqrt{R^2+x^2}} = \frac{\left(4\frac{R}{\sqrt{2}}-x\right)\left(\frac{R}{\sqrt{2}}+x\right)}{\sqrt{R^2-x^2}};\ \ y'_{x<\frac{R}{\sqrt{2}}} = (+)(+) = (+)$$

$$y'_{x>\frac{d}{\sqrt{2}}} = (-)(+) = (-)\,.$$

Ҳосила ишорасини (+) дан (−) га ўзгартиряпти, демак, функция $x = \frac{R}{\sqrt{2}}$ да максимумга эга.

Тўғри тўртбурчакнинг томонлари $x = \frac{R}{\sqrt{2}}$ ва $2\sqrt{R^2 - \left(\frac{R}{\sqrt{2}}\right)^2} = 2\sqrt{R^2 - \frac{R^2}{2}} = 2\sqrt{\frac{R^2}{2}} = \frac{2R}{\sqrt{2}}$ га тенг.

Тўғри тўртбурчак томонларининг нисбати: $\frac{R}{\sqrt{2}} : \frac{2R}{\sqrt{2}} = 1 : 2.$

5.10. Маълумки, тўсиннинг сиқишга бўлган қаршилиги кесим юзига пропорционал. *d* диаметрли думалоқ ходадан кесим юзи тўғри тўртбурчак бўлган шундай тўсин қирқиб олиш керакки, унинг сиқишга бўлган қаршилиги энг катта бўлсин.

Ечиш. Агар тўғри тўртбурчакнинг томонларидан бирини x билан белгиласак, унинг иккинчи томони $\sqrt{d^2 - x^2}$ бўлади. Кесим юзи — ўзгарувчи миқдор: $x\sqrt{d^2 - x^2}$.

Тўсиннинг сиқишга бўлган қаршилигини p билан, ўзгармас бўлган пропорционаллик коэффициентини k билан белгилаб,

$$p = kx\sqrt{d^2 - x^2} \qquad (0 < x < d)$$

ни ҳосил қиламиз.

Ҳосил бўлган функцияда $k = 1$ деб оламиз, у ҳолда $p = x\sqrt{d^2 - x^2}$. Бу функцияни биринчи тартибли ҳосила ёрдамида текширамиз:

1) $p' = x'\sqrt{d^2 - x^2} + \left(\sqrt{d^2 - x^2}\right)'x = \sqrt{d^2 - x^2} + \frac{(-2x)x}{2\sqrt{d^2-x^2}} =$
$= \frac{d^2-x^2-x^2}{\sqrt{d^2-x^2}} = \frac{d^2-2x^2}{\sqrt{d^2-x^2}};$

2) $p' = \frac{d^2-2x^2}{\sqrt{d^2-x^2}} = 0, \ x = \frac{d}{\sqrt{2}};$

3) $y' = \frac{2\left(\frac{d^2}{2}-x^2\right)}{\sqrt{d^2-x^2}} = \frac{2\left(\frac{d}{\sqrt{2}}-x\right)\left(\frac{d}{\sqrt{2}}+x\right)}{\sqrt{d^2-x^2}}; \ p'_{x<\frac{d}{\sqrt{2}}} = (+)(+) = (+);$
$p'_{x>\frac{d}{\sqrt{2}}} = (-)(+) = (-).$

Ҳосила ишорасини (+) дан (−) га ўзгартиряпти, демак, функция $x = \frac{d}{\sqrt{2}}$ да максимумга эга.

Тўғри тўртбурчакнинг томонлари $x = \frac{d}{\sqrt{2}}$ ва $\sqrt{d^2 - \left(\frac{d}{\sqrt{2}}\right)^2} =$ $= \sqrt{d^2 - \frac{d^2}{2}} = \sqrt{\frac{d^2}{2}} = \frac{d}{\sqrt{2}}$ га тенг.

Тўсиннинг кесими — томони $\frac{d\sqrt{2}}{2} = 0,707d$ бўлган квадратдан иборат.

5.11. ON тўғри чизиқли катта асосий қатнов йўлидан $AB = b$ масофада завод жойлашган. Шу заводга сув қувурининг тармоғини ўтказиш керак. Агар сув қувури тармоғининг узунлик бирлиги нархи OD, DN ва DB йўналишлар бўйича мос равишда k_1, k_2 ва k_3 сўмга тенг бўлса, у ҳолда ON катта асосий йўлнинг D нуқтасидан DB тўғри чизиқли шундай йўлни ўткази кераккки, натижада шу йўлдан заводга ўтказилган сув қувури тармоғининг нархи энг арзон бўлсин (81-чизма).

Ечиш. $OD = x$ бирлик узунлик ва $OA = a$, $ON = l$ деб белгилаймиз. У ҳолда сув қувури тармоғининг OD қисми нархи k_1x, DN қисми нархи $k_2(l-x)$, DB қисми нархи эса $k_3 \cdot \sqrt{(a-x)^2 + b^2}$ сўмга тенг бўлади. Умумий нарх

$$k = k_1x + k_2(l-x) + k_3 \cdot \sqrt{(a-x)^2 + b^2}$$

сўмга тенг бўлади. Натижада бир ўзгарувчили функцияни ҳосил қилдик. Унинг экстремумини текширамиз. Бунинг учун k дан x бўйича биринчи ва иккинчи тартибли ҳосила оламиз:

$$\frac{dk}{dx} = k_1 - k_2 - \frac{k_3(a-x)}{\sqrt{(a-x)^2+b^2}},$$

$$k_1 - k_2 - \frac{k_3(a-x)}{\sqrt{(a-x)^2+b^2}} = 0, \qquad \frac{a-x}{\sqrt{(a-x)^2+b^2}} = \frac{k_1-k_2}{k_3} \qquad (1)$$



81-чизма.

$$\frac{d^2k}{dx^2} = \frac{k_3 b^2}{\sqrt{\left[(a-x)^2+b^2\right]^3}} > 0$$

бўлгани учун (1) ни қаноатлантирадиган x нинг қиймати минимум нуқтаси бўлади.

Бу масалани $BDA = \alpha$ бурчакни аниқлаш усули билан ҳам ечиш мумкин.

81-чизмага кўра

$$\cos\alpha = \frac{a-x}{\sqrt{(a-x)^2+b^2}} \qquad (2)$$

ни ҳосил қиламиз. У ҳолда (1) га кўра:

$$\cos\alpha = \frac{k_1-k_2}{k_3} \qquad (3)$$

(бунда $k_1 - k_2 < k_3$ бўлишини талаб қиламиз). Демак, DB – чизиқ бўйича йўлни (3) тенгликни қаноатлантирадиган α бурчак остида ўтказиш керак экан. Энди x нинг қийматини аниқлаймиз, бунинг учун (2) нинг ҳар иккала томонини квадратга кўтарамиз:

$$\frac{(a-x)^2}{(a-x)^2+b^2} = \cos^2\alpha \Rightarrow \frac{(a-x)^2+b^2}{(a-x)^2} = \sec^2\alpha \Rightarrow$$

$$\Rightarrow 1 + \frac{b^2}{(a-x)^2} = \sec^2\alpha \Rightarrow \frac{b^2}{(a-x)^2}\,\mathrm{tg}^2\alpha \Rightarrow$$

$$\Rightarrow \left(\frac{a-x}{b}\right)^2 = \mathrm{ctg}^2\alpha \Rightarrow \frac{a-x}{b} = \mathrm{ctg}\,\alpha \Rightarrow x = a - b\,\mathrm{ctg}\alpha,$$

бу ифодага a, b ва (3) формула ёрдамида аниқланган α нинг қийматини қўйсак, изланаётган D нуқтанинг абсциссасига эга бўламиз.

6. Аниқмас ва аниқ интеграллар

6.1. Жисмнинг тўғри чизиқли ҳаракат тезлиги $v = 3t^2 - 2t$ тенглама билан берилган. s йўлнинг тенгламасини топинг.

Ечиш. Маълумки, жисмнинг тўғри чизиқли ҳаракати тезлиги s йўлдан t вақт бўйича олинган ҳосилага тенг: $v = \frac{ds}{dt} = 3t^2 - 2t$, бундан, $ds = (3t^2 - 2t)dt$. Интеграллаймиз:

$$\int ds = \int (3t^2 - 2t)\,dt\,,\ \ s = t^3 - t^2 + C\,.$$

6.2. Нуқтанинг тўғри чизиқли ҳаракат тезлиги $v = 3t^2 - 8t + 2$ тенглама билан берилган. Нуқтанинг ҳаракат тенгламасини топинг.

6.3. Жисмнинг тўғри чизиқли ҳаракат тезлиги $v = 3t^2 + 4$ тенглама билан берилган. Агар $t = 2$ сек вақт ичида жисм 20 м ўтган бўлса, s йўлнинг тенгламасини топинг.

Ечиш. $v = \frac{ds}{dt} = 3t^2 + 4$, бундан, $ds = (3t^2 + 4)dt$. Интеграллаймиз:

$$\int ds = \int (3t^2 + 4)dt,\ \ s = t^3 + 4t + C\,.$$

Бошланғич шартлардан Cни топамиз: $20 = 2^3 + 4 \cdot 2 + C$, $C = 4$. Жисмнинг ҳаракат тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$s = t^3 + 4t + 4\cdot$$

6.4. Агар жисм ҳаракатнинг бошланғич моментида тинч ҳолатда бўлса, эркин тушаётган жисмнинг ўзгармас g тезланишда ҳаракатланиш қонунини топинг.

Ечиш. Маълумки, тўғри чизиқли ҳаракат қилаётган жисмнинг a тезланиши s йўлнинг t вақт бўйича олинган иккинчи тартибли ҳосиласи ёки v тезликнинг t вақт бўйича олинган ҳосиласидир: $a = \frac{d^2s}{dt^2} = \frac{dv}{dt}$, аммо $a = g$, демак, $\frac{dv}{dt} = g$, бундан $dv = gdt$. Интеграллаймиз:

$$\int dv = \int gdt,\ \ v = gt + C_1\,.$$

Бошланғич шартлар $t = 0$, $v = 0$ га кўра C_1 ни топамиз:

$$0 = g \cdot 0 + C_1, \qquad C_1 = 0\,.$$

Ҳаракат тезлиги тенгламасига эга бўлдик: $v = gt$.

Энди жисмнинг ҳаракат қонунини топамиз: $v = \frac{ds}{dt}$, аммо $v = gt$, демак, $\frac{ds}{dt} = gt$ ёки $ds = gtdt$. Интеграллаймиз:

$$\int ds = \int gtdt,\ \ s = \frac{gt^2}{2} + C_2\,.$$

Бошланғич шартлар $t = 0$, $s = 0$ га кўра C_2 ни топамиз:

$$0 = g \cdot \frac{0^2}{2} + C_2,\ \ C_2 = 0\,.$$

Тушаётган жисмнинг ҳаракат тенгламасига эга бўлдик: $s = \frac{gt^2}{2}$.

6.5. Жисмнинг ҳаракат тезлиги $v = (12t - 3t^2)$ м/сек тенглама билан берилган. Жисмнинг ҳаракат бошлангандан то тўхтагунига қадар босиб ўтган йўлини топинг.

Ечиш. Жисмнинг ҳаракат бошланган ва тўхтаган пайтдаги тезлиги нолга тенг. Жисмнинг тўхташ моментини топамиз, бунинг учун тезликни нолга тенглаб, тенгламани t га нисбатан ечамиз:

$$12t - 3t^2 = 0,\ t(4 - t) = 0,\ t_1 = 0,\ t_2 = 4 \text{ сек.}$$

$s = \int\limits_{t_1}^{t_2} f(t)\, dt$ формула бўйича s ни ҳисоблаймиз:

$$s = \int\limits_0^4 (12t - 3t^2)\, dt = (6t^2 - t^3)\Big|_0^4 = 32 \text{ м.}$$

6.6. Икки жисм бир пайтда бир нуқтадан тўғри чизиқ бўйлаб бир хил йўналишда ҳаракатлана бошлади. Биринчи жисм $v = (12t^2 + 2t)$ м/сек тезлик билан ҳаракатланди, иккинчиси эса $v = (4t + 5)$ м/сек тезлик билан ҳаракатланди. 5 сек.дан кейин улар орасидаги масофа қандай бўлади?

Ечиш. Биринчи ва иккинчи жисм ўтган йўлни $s = \int\limits_{t_1}^{t_2} f(t)\, dt$ формула бўйича ҳисоблаймиз:

$$s_1 = \int\limits_0^5 (6t^2 + 2t)\, dt = (2t^3 + t^2)\Big|_0^5 = 275 \text{ м},$$

$$s_2 = \int\limits_0^5 (4t + 5)\, dt = (2t^2 + 5t)\Big|_0^5 = 75 \text{ м},$$

$$s_1 - s_2 = 275 - 75 = 200 \text{ м.}$$

6.7. Икки жисм бир пайтда бир нуқтадан тўғри чизиқ бўйлаб бир томонга қараб ҳаракатлана бошлади. Биринчи жисм $v = 3t^2$ м/сек тезлик билан ҳаракатланмоқда, иккинчиси эса $v = (6t^2 - 10)$ м/сек тезлик билан ҳаракатланмоқда. 10 сек дан кейин улар орасидаги масофа қандай бўлади?

6.8. Винт пружинанинг x сиқилиши пружинага қўйилган F кучга пропорционал. Агар пружинани 0,01 м сиқиш учун 10 Н куч керак бўлса, пружинани 0,04 м сиқиш учун керак бўладиган F куч бажарган ишни ҳисобланг.

Ечиш. $F = 10$ Н бўлганда $x = 0{,}01$ м. $F = kx$ формула бўйича k ни топамиз: $10 = k\,0{,}01$, бундан $k = 1000$ Н/м. k нинг топилган қийматини $F = kx$ формулага қўйиб, ушбуни ҳосил қиламиз: $F = 1000x$, яъни $f(x) = 1000x$.

Интеграллаш чегараларини 0 дан 0,04 гача олиб, изланаётган ишни ҳисоблаймиз:

$$A = \int_0^{0,04} 1000x dx = 1000\frac{x^2}{2}\Big|_0^{0,04} = 0{,}8\ (Ж).$$

6.9. 80 Н куч пружинани 0,02 м чўзади. Пружинанинг дастлабки узунлиги 0,15 м. Пружинани 0,2 м гача чўзиш учун қанча иш бажариш керак?

Ечиш. k ни топамиз: $80 = k\ 0{,}02$, бундан $k = \frac{80}{0{,}02} = 4000$ (Н/м). k нинг топилган қийматини ўрнига қўйиб, $F = 4000x$ ни ҳосил қиламиз, яъни $f(x) = 4000x$.

Интеграллаш чегараларини 0 дан 0,05 гача олиб изланаётган ишни топамиз:

$$A = \int_0^{0,05} 4000x dx = 4000\frac{x^2}{2}\Big|_0^{0,05} = 2000\cdot 0{,}0025 = 5\ (Ж).$$

6.10. Агар жисм М(4;0) нуқтадан Ox ўқ бўйлаб $\vartheta = 2t + 3t^2$ тезлик билан ҳаракатлана бошлаган бўлса, жисмнинг ҳаракатланиш тенгламасини тузинг.

Ечиш. Тўғри чизиқли ҳаракатда тезлик йўлдан вақт бўйича олинган ҳосилага тенг. Йўлни x билан белгилаб, ушбуга эга бўламиз: $v = \frac{dx}{dt}$, у ҳолда $\frac{dx}{dt} = 2t + 3t^2$ ёки $dx = 2tdt + 3t^2dt$. Интеграллаб топамиз: $x = t^2 + t^3 + C$. Бошланғич шартлардан C ни топамиз. Масаланинг шартида $t = 0$ бўлганда $x = 4$ бўлиши берилган. Бу қийматларни умумий ечимга қўйиб, $C = 4$ ни топамиз.

Жисмнинг Ox ўқ бўйича тўғри чизиқли ҳаракат тенгламаси

$$x = t^2 + t^3 + 4$$

кўринишда бўлади.

6.11. Суюқликда айланаётган дискнинг бурчак тезлиги ишқаланиш ҳисобига секинлашади. Ишқаланиш бурчак тезликка пропорционал эканлиги аниқланган. 1) агар диск $t = 0$ бўлганда 12 рад/сек тезлик билан айланган бўлиб, $t = 10$ секда эса унинг тезлиги 8 рад/сек бўлган бўлса, диск $t = 12$ сек моментда қандай тезлик билан айланишини топинг; 2) вақтнинг қайси моментида унинг 1 рад/сек тезлик билан айланишини топинг.

Ечиш. 1) Дискнинг айланиш қонунини t вақтнинг функцияси сифатида тузамиз. ω — диск айланишининг бурчак тезлиги бўлсин, у ҳолда диск айланишининг ишқаланиш кучлари таъсири остида секинлашиши $\frac{d\omega}{dt}$ бўлади.

Масаланинг шартига кўра:

$$\frac{d\omega}{dt} = k\omega, \tag{1}$$

бунда k — пропорционаллик коэффициенти. Ўзгарувчиларни ажратамиз:

$$\frac{d\omega}{\omega} = kdt. \tag{2}$$

2) (2) тенгламанинг иккала қисмини интеграллаймиз:

$$\int \frac{d\omega}{\omega} = k\int dt, \ \ln\omega = kt + C, \tag{3}$$

бундан

$$\omega = e^{kt+C}, \ \omega = e^{kt}e^{C},$$

$$\omega = e^{kt}C_1 \text{ ёки } \omega = C_1e^{kt}. \tag{4}$$

3) $t = 10$ сек ва $\omega = 12$ рад/сек бошланғич шартларда ўзгармас миқдор C_1 ни топамиз. Бу қийматларни (4) тенгламага қўйиб, C_1 ни топамиз:

$$12 = C_1e^{k\cdot 0}, \ 12 = C_1.$$

C_1 нинг қийматини (4) тенгламага қўйиб, ушбуни ҳосил қиламиз:

$$\omega = 12e^{kt}. \tag{5}$$

4) Дастлаб берилганлар $t = 10$ сек ва $\omega = 8$ рад/сек га мувофиқ, k нинг сон қийматини топамиз. Бу қийматларни (5) тенгламага қўямиз:

$$8 = 12e^{k\cdot 10},$$

бундан

$$e^{10k} = \frac{2}{3}, \ 10k\lg e = \lg 2 - \lg 3,$$

$$k = \frac{\lg 2 - \lg 3}{10 \lg e} = -\frac{\lg 3 - \lg 2}{10 \lg e} = -\frac{0,4771 - 0,3010}{10 \cdot 0,4343} = -0,0405 .$$

k нинг қийматини (5) тенгламага қўямиз:

$$\omega = 12e^{-0,0405t}. \qquad (6)$$

5) Дискнинг t = 120 сек вақт моментидаги айланиш тезлигини топамиз. (6) тенгламага t = 120 сек қийматни қўямиз:

$$\omega = 12e^{-0,0405 \cdot 120} = 12e^{-4,9} \approx 0,09 \text{ рад/сек}.$$

6) Диск 1 рад/сек тезлик билан айланадиган вақт моментини топамиз. (6) тенгламага w = 1 қийматни қўямиз ва t ни топамиз:

$$1 = 12e^{-0,0405t}, \text{ бундан } e^{-0,0405t} = \frac{1}{12};$$

$$-0,0405t \lg e = \lg 1 - \lg 12, \quad t = \frac{\lg 12}{0,0405 \lg e} = 61 \text{ сек.}$$

6.12. Суюқликда айланаётган дискка таъсир қилаётган секинлаштирувчи куч бурчак тезликка пропорционал. Агар диск t = 0 бўлганда 20 рад/сек тезлик билан, t = 8 да эса 16 рад/сек тезлик билан айланса, дискнинг 2 рад/сек тезлик билан айланадиган вақт моментини топинг.

6.13. Электр эговловчи + e1 заряд электр майдонида эговловчи + e заряд ҳосил қилиб ҳаракатланади. Кулон қонунига кўра эговловчи иккита зарядлар орасидаги қарама-қарши кучларнинг сонли қиймати

$$F = \frac{e_1 \cdot e}{r^2}$$

формула билан аниқланади (82-чизма). + e заряддан ўтувчи A ва B нуқталар тўғри чизиқда ётади деб, e_1 заряднинг A нуқтадан B нуқтага кўчишдаги ишни аниқланг.



82-чизма.

Ечиш. dr га кўчишдаги элементар иш

$$dA = Fdr = \frac{e_1 \cdot e}{r^2} dr$$

га тенг. Тўлиқ иш эса

$$A = \int_{r_1}^{r_2} \frac{e_1 \cdot e}{r^2} dr = e_1 e\left(-\frac{1}{r}\right)\Bigg|_{r_1}^{r_2} = e_1 e\left(-\frac{1}{r_2} + \frac{1}{r_1}\right)$$

$$A = e_1\left(\frac{e}{r_1} - \frac{e}{r_2}\right)$$

ифода билан аниқланади. Бунда қавс ичидаги ифода потенциаллар айирмаси ёки A ва B нуқталар орасидаги кучланишни ифодалайди.

6.14. Бурчак тезлиги ω бўлган айланувчи валга радиуси R бўлган диск маҳкамланган ва у суюқликка ботирилган. Суюқликка ишқаланиш кучи диск сирти суюқликнинг ρ чизиғига, тезлик квадратига ва ишқаланиш юзига тўғри пропорционал деб, вал ўқига нисбатан ишқаланиш куч моментини аниқланг.

Ечиш. Дискнинг сиртига суюқликнинг ишқаланиш кучи чуқурлашган сари ўзгаради. Шунинг учун дастлаб элементар ишқаланиш кучи dF ни ҳисоблаймиз.



83-чизма.

Вал ўқидан узоқликда ички радиуси r ва ташқи радиуси $r + dr$ бўлган халқани кўрамиз (83-чизма). Халқанинг юзи

$$\pi(r + dr)^2 - \pi r^2 = 2\pi r dr + \pi dr^2$$

га тенг. Бунда dr га нисбатан dr^2 нинг тартиби юқори бўлган чексиз кичик миқдор бўлгани учун уни ташлаб, халқанинг юзини $2\pi r dr$ га тенг деб олишимиз мумкин. Чизиқли тезлик $v = \omega r$ га тенг. Масала шартига кўра унинг квадрати $\omega^2 r^2$ га тенг, суюқлик зичлиги ρ. Шунинг учун пропорционаллик коэффициенти k ва вал ўқидан r масофадаги элементар ишқаланиш кучи dF учун

$$dF = k\rho 2\pi r dr \omega^2 r^2$$

ни ҳосил қиламиз, вал ўқига нисбатан моменти

$$dm = r dF = (k\rho 2\pi r dr \omega^2 r^2) r\ ,$$

$$dm = 2\pi k \rho \omega^2 r^4 dr\ .$$

Бу ифодани 0 дан R гача интегралласак, у ҳолда тўлиқ ишқаланиш куч моментини топамиз:

$$m = 2\pi k\rho\omega^2 \int_0^R r^4 dr = 2\pi k\rho\omega^2 \cdot \frac{r^5}{5}\bigg|_0^R = 2\pi k\rho\omega^2 \cdot \frac{R^5}{5}.$$

Агар дискнинг иккала сиртини назарга олсак, у ҳолда тўлиқ ишқаланиш куч моменти

$$M = \frac{4}{5}\pi k\rho\omega^2 R^5$$

ифодага тенг бўлади.

6.15. a см узунликка эга бўлган AB кесмада P нуқта олинган. Томонлари AP ва PB кесмалардан иборат тўғри тўртбурчак юзининг S_m ўрта қийматини топинг.

Ечиш. A нуқтани бошланиш нуқтаси деб қабул қиламиз. P нуқта A нуқтадан x масофада ётган бўлсин. У ҳолда $AP = x$, $PB = a-x$ бўлади. Томонлари AP ва PB бўлган тўғри тўртбурчакнинг юзи $x(a-x)$ га тенг. Юзларнинг ўртача қийматини топиш формуласидан фойдаланамиз:

$$S_m = \frac{1}{a}\int_0^a x(a-x)\,dx = \frac{1}{a}\left(\frac{ax^2}{2} - \frac{x^3}{3}\right)\bigg|_0^a =$$

$$= \frac{1}{a}\left(\frac{a^3}{2} - \frac{a^3}{3}\right) = \frac{1}{a}\cdot\frac{a^3}{6} = \frac{a^2}{6}.$$

Демак, $S_m = \frac{a^2}{6}$ см^2.

7. *Дифференциал тенглама*

7.1. Температураси 20°C бўлган хонада турган бирор жисмнинг температураси 20 минут ичида 100°C дан 60°C гача совийди. Жисмнинг совиш қонунини ва неча минутдан сўнг у 30°C га совишини топинг.

Ечиш. Ньютон қонунига кўра (совиш тезлиги температуралар айирмасига тўғри пропорционал) қуйидагича ёзишимиз мумкин:

$$\frac{dT}{dt} = k(T-20) \text{ ёки } \frac{dT}{T-20} = kdt,$$

$$\text{яъни } \ln(T-20) = kt + \ln C.$$

Агар $t = 0$ бўлса, $T = 100°C$ бўлишидан фойдаланиб, $C = 80$ эканлигини аниқлаймиз. Агар $t = 20$ бўлса, у ҳолда $T = 60°C$ бўлишидан фойдаланиб, k ни топамиз:

$$\ln 40 = 20k + \ln 80\text{, бундан } k = -\frac{\ln 2}{20}.$$

Шундай қилиб, жисмнинг совиш қонуни

$$T - 20 = 80e^{-\frac{t\ln 2}{20}} = 80\left(\frac{1}{2}\right)^{\frac{t}{20}} \text{ ёки } T = 20 + 80\left(\frac{1}{2}\right)^{\frac{t}{20}}$$

кўринишда бўлади.

$T = 30°$ да $10 = 80\left(\frac{1}{2}\right)^{\frac{t}{20}}$ ёки $\left(\frac{1}{2}\right)^{\frac{t}{20}} = \frac{1}{8}$ га эга бўламиз. Бундан эса $\frac{t}{20} = 3 \rightarrow t = 60$ ни ҳосил қиламиз. Демак, жисмнинг температураси 60 минутдан сўнг 30°C бўлади.

7.2. Асосининг диаметри 4 м ва баландлиги 6 м бўлган цилиндр шаклидаги идиш вертикал ҳолатда қўйилган бўлиб, у сув билан тўлдирилган. Идиш тагидан радиуси $r = \frac{1}{12}$ м бўлган доира шаклидаги тешикдан сув чиқиб кетади. Тўла идишдаги сув неча минутдан кейин тўлиқ чиқиб кетади?

Ечиш. h баландликка эга бўлган идишнинг пастки тешигидан чиқиб кетувчи суюқликнинг $v\left(\frac{м}{с}\right)$ тезлигини аниқловчи Бернулли формуласидан фойдаланамиз:

$$v = \delta\sqrt{2gh}\,,$$

бунда $g = 9{,}8$ м/с² — тортиш кучининг тезланиши, δ — суюқликнинг хоссасига боғлиқ бўлган ўзгармас коэффициент (сув учун $\delta \approx 0{,}6$).

Фараз қиламиз, t соатда идишдаги сувнинг баландлиги h м га, dt вақтда эса dh м га камайган бўлсин. dt чексиз кичик вақт оралиғида чиқиб кетувчи сувнинг ҳажмини икки усул билан аниқлаймиз:

а) dv ҳажмининг баландлиги $|dh|$ ва асоси $r(r = 2$ м) радиусли доирадан иборат бўлган цилиндр қатлам ҳажмидан иборат, яъни

$$dw = \pi r^2\,|dh| = -\pi r^2 dh\,;$$

б) иккинчи томондан бу қатлам ҳажмининг баландлиги vdt (бунда v — суюқликнинг оқиб чиқиш тезлиги) ва идиш асосидаги тешикдан иборат цилиндр ҳажмига тенг. Агар тешик радиусини ρ ($\rho = \frac{1}{12}$ м) деб олсак, у ҳолда

$$dw = \pi\rho^2 v dt = \pi\rho^2 \delta\sqrt{2gh}dt$$

бўлади.

а) ва б) иккита бир хил ҳажмни билдирувчи ифодалардан қуйидаги

$$-r^2 dh = \delta\rho^2\sqrt{2gh}dt$$

тенгламага эга бўламиз. Бу тенгламани ўзгарувчиларни ажратиб, сўнгра интегралласак,

$$dt = -\frac{r^2}{\delta\rho^2\sqrt{2g}} \cdot \frac{dh}{\sqrt{h}}; \; t = C - \frac{2r^2}{\delta\rho^2\sqrt{2g}} \cdot \sqrt{h}$$

ни ҳосил қиламиз. Масала шартига кўра $t = 0$ да $h = h_0 = 6$ м бўлгани учун ўзгармас C нинг қиймати

$$C = \frac{2r^2}{\delta\rho^2\sqrt{2g}}\sqrt{h_0}$$

бўлади.

Шундай қилиб, t ва h орасидаги боғланиш

$$t = \frac{2r^2}{\delta\rho^2\sqrt{2g}}\left(\sqrt{h_0} - \sqrt{h}\right)$$

тенглама билан аниқланади. Бу формулада $h = 0$ деб, сувнинг тўлиқ чиқиб кетиш вақти T ни топамиз:

$$T = \frac{2r^2\sqrt{h_0}}{\delta\rho^2\sqrt{2g}}.$$

Масала шартида берилган қийматлар $r = 2$ м, $h_0 = 6$ м, $\delta = 0{,}6$ м, $\rho = \frac{1}{12}$ м, $g = 9{,}8$ м/с^2 ларни ўрнига қўйиб, $T \approx 1062$, $C \approx 17{,}7$ мин эканлигини аниқлаймиз.

7.3. Иккита тўғри доиравий

$$x^2 + y^2 = R^2 \text{ ва } x^2 + z^2 = R^2$$

цилиндрлар билан чегараланган жисмнинг ҳажмини топинг.

Ечиш. Цилиндрлар Ox ўқига перпендикуляр бўлгани учун ва ҳосил бўлган жисмнинг абсциссаси $x\,(-R < x < R)$



84-чизма.

